

7-12

R 496

R 496



گلستان

ГУЛИСТОН

7
1991

№ 7 (497)

АСАД
Июл

Ойнома 1925 йилдан
чиқа бошлаган
Ўзбекистон Компартияси
Марказий Қўмитаси
нашриёти

Бош муҳаррир:
МИРМУҲСИН

Таҳрир хайъати:
М. АБДУЛЛАЕВ,
Б. АМИНОВ,
С. АЗИМОВ,
Х. ДАВРОН,
Н. ИБРОҲИМОВ,
Х. ЗИЁЕВ,
ШУКРУЛЛО,
И. СУЛАЙМОН,
Д. ҒУЛОМОВА,
У. МИРЗАЕР
(масъул котиб),
Э. МУҲАММАД,
А. КАРИМ,
А. ҚАЮМОВ,
О. ҲУСАН
(бош муҳаррир
ўринбосари).

Саҳифаловчи
Б. Тўхтабоев,
Мусахҳих
М. Қиёмов.

Манзилгоҳимиз:
Тошкент—П, 700000, «Правда»
рўзномаси кўчаси, 41.

Муҳарририят телефонлари: бош муҳаррир—33-35-20; бош муҳаррир ўринбосари—33-35-90; масъул котиб—32-58-33; ижтимоий-сиёсий бўлим—33-36-02; адабиёт ва санъат, фан ва маданият бўлимлари—33-36-59; мусавирлар бўлими—32-58-77; мусахҳих—32-58-78.



Ун иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг бешинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон ССЖ Президенти Ислом Абдуғаниевич КАРИМОВ нутқ сўзлади.

Сураткашлар: Р. Жуманиёзов,
Р. Нуриддинов
(ЎзТАГ)



Абусаид НУР:



Гофур ҚУРБОН:



Асад АСИЛОВ:

БУ СОНДА:

Чанг-тўзон дарани қоплади. Қўрқинчли, юракни музлатадиган, вишиллаган овоз эшитилди. Уйимиз кўчки рўпарасида — баланд тепаликда бўлгани учун ҳам ҳаммасини рўй-рост кўриб турардим.

Ҳақни айтган номард эмас,
Ҳасталик ҳам дард эмас,
Ўз-ўзин эзган элнинг
Ботирлари мард эмас.

Ҳа, бошқа илож йўқ, менинг тирик қолганимни улар билишади, энди тинч қўйишмайди. Демак, орқадан туриб урган шу қанжик эканлиги аниқ. Вазият қалтислигини кўриб, Йўлдошев томонга оғибди-да!



ЖИГАРИ



I

Эрта тонг билан таралган мунгли мотам мусиқаси қалбларни эзиб юборди. Гўё найнинг ўзи ҳам жигари хун бўлиб бўзлаётгандай. Бошидан фожиали воқеаларни кечиравериб юраклари зардобга тўлган ҳамюртларимиз бир лаҳза қалқиб тушдилар. Яна қандай офат юз берди экан? Нега бу қора қузғун — ўлим ва офат шарпаси мусаффо осмонимиз устида тинмай чарх уриб қолди? Нималар бўлаяпти ўзи?

Уз-ўзимга саволлар бераман. Дўстларимга жовдираб тикиламан. Аллоҳга ёлвораман. Ҳамма маюс, ҳамма лол.

— Офат болам, офат,— дейди бир оқсоқол, кўзларига ёш олиб.

— Офат, офат... ич-ичимдан бўзлайман, мен ҳам...

Гарчанд Жигаристон қишлоғидан юзлаб қақирим узоқларда туғилиб ўсган бўлсам-да, юз берган

ХУН ЖИГАРИСТОНИМ

фожиани эшитиб кун бўйи кўнглимга қил сифмай юрдим. Файзу тароватли хонадонлар, нуруний оталар-оналар, жувонлар, навқирон ёш-яланглар, ўн гулидан бир гули очилмаган қизлар, болалар, бешиқдаги гўдаклар наҳотки бира тўла бақолик сари юз тутдилар?

Бир парча этга жон ато қилган парвардигорнинг ўзи жон олгучи ҳам бўлса-я?! 94 ёшли бобо билан, ҳали бир ёшга ҳам ўлмаган набирасига бир хил тўлган ва битта қабр...

Шундай офат юз беришини наҳотки ҳеч ким сезмаган бўлса? Ахир Жигаристон кўрғонининг ер ости тошқумири бир бугун эмас, кўй йиллардан буён зулукдай сўриб келинади-ку!..

Қарама-қарши изтиробли ўйлар исканжасида офат рўй берган Жигаристон қишлоғига бир олаяман. Автобусга чиқибоқ ўша томонларга йўл олган одамларнинг афти-ангори га разм соламан.

— Ангрендан кейин Жигаристон қишлоғи унча олис эмасми? — сўрайман ёнимда ўтирган шеригимдан.

У елкасини қисди, ажабланди, ўзбекча билмас экан. Саволимини рус тилида такрорладим. Ангрен шаҳрида яшаб, ишлаб юриб шундай қишлоқ борлигидан, ҳатто офат рўй берганидан ҳам беҳабар экан ҳалиги кимса. «Танаси бошқа дард билмас», деганлари шу экан-да. Шу юртнинг сувини ичиб, нонини еб, ҳавосидан нафас олиб юрган ана шундай беларволар борлигидан изтиробим минг чандон ортди. Яна Ангрен атрофидаги конлар ҳақида ўйлаб кетдим. Бу ерда истиқомат қилиб келган авом халқни ўз вақтида офат юз беришдан хабардор этиш мумкинми? Наҳотки ҳеч бўлмаганда: «Одамлар, қишлоқларининг ости бўмбўш, бир кун бўлмаса бир кунни ўпирилиб тушиши тайин», дейдиган мард топилмаган бўлса! Ахир Ангренда яшаётганлар анойи одамлар эмас.

Нақ ер остида илон қимирласа биладиган кончилар бу ерда яшадади.

Жимликни ён томонимда ўтирган ёши ўтинқираб қолган, қорандан келган, ғоятда мотамсаро кишининг секингина гапирishi бузди.

— Ука, биз ҳам Жигаристонни излаб бораямиз. Олти йиллар бўлди бир жагаримиз, аниқроғи хотинимнинг синглиси шу қишлоққа келин бўлиб тушганди. Офатни эшитиб хевотирландик. Чидай олмадик, йўлга чикдик. Узимиз Самарқанд вилоятининг, Пахтачи туманиданмиз. «Самарқанд» колхозининг ўиничи бригадасида истиқомат қиламиз. Улугмурод Нурмонов бўламан.

У кишининг рафиқаси Ҳанифа опа эса кўзларига ёш олди.

Манзилга етдик. Ҳанифа опа вайрона қишлоқ четидаги бир хонадонни кўрсатиб:

— Хайрият, кўёвимизнинг уйи бус-бутун экан,— дея қувонганидан яна кўзларига ёш олди...

II

Қорли чўққилар кўзга ташланади. Дараларнинг орасигача суқилиб кирган Жигаристон кўрғони. Бир-бирига улашиб кетган уйлар. «Шахтёрлар» кўчаси бўйлаб таниш, нотаниш, мотамсаро кимсалар офат рўй берган томонга интилади. Машиналар эгри-бугри кўчалардан юк ортиб у ёқдан бу ёққа тез-тез ўтиб турибди. Қўрғонда маҳаллий аҳолидан фалокат туфайли ёрдамга шошилган ёш-яланглар, биродарларига ҳамдардлик изхор этиш учун ошиққан кексалар кўпроқ. Кўчки босган ерга қараб юрдик. Ҳашарга келганлар офатдан зарар кўрган уйларни бузаяптилар. Кўриқчилар нарига ўтишимизни тақиқлаб қўйди. Шу атрофда яшовчи Бурлибой Йўлдошевнинг хонадонига кириб, марҳумлар руҳи олдида бир зум бош эгдик, тиловат қилдик.

Бурлибой ака бизни кўчки силжиган жой рўй-рост кўринадиган тепалик томон сўқмоқ йўлидан бошлаб чикди. Е, раббим, қаршимизда улкан бўз тупроқ уюми — марҳум биродарларимиз қабристон. Юзлаб кишилар ярим шикастланган уйларни бузишаётди. Жабрдийдалар аллақачон беҳавотир жойлардан кўноқ топишган. Ҳаммасининг дили хуфтон.

Пастроққа тушиб қишлоқнинг энг юқорисидagi ярим вайрона хонадоннинг тахта, ёғочларини йиғиштираётганлардан ҳол-аҳвол сўрадик. Улар ҳам ҳашарчилар экан. Вайронага айланган хонадон эгаси Ғофуржон Саидмуродов оила аъзолари билан тасодиф туфайли омон қолишибди. Уша кунни эрта тонгда хотини, уч фарзанди билан қайнотасининг йил ошини ўтказишга кетишган экан.

— Худого шукур, омон қолдик... Лекин қадрдон кўшиқларимиз, қишлоқдош оғайни-қариндошларимизга жонимиз ачшаётди,— дейди Ғофуржон кўзга ёш олиб.

Қишлоқ оралаймиз, одамлар билан сўхбатлашамиз:

Сотим Эркинов деган кишининг жасадини қазиб олишибди. Бечоранинг суяклари синиб кетган экан. Бир сиким бўлиб қолибди. Қаранга, фалокатни қаранг. Бир ҳовлида Сотим отага қарашли уч оила, икки ўғли оиласи билан жами 15 киши, бир йўла йўқликка юз тутишган...

65 ёшли Шокир ота Айтбоев армонли нола қилади. У кишининг

қизи марҳум Сотимбой акага келин бўлиб тушган экан, қизи ҳам, олти набираси ҳам...

— Во даруго, жиғларим! Мен шундай бўлишни ўйлаганмидим? Ўз уйларинг ўз қабрларингга айланганини қаердан билай, ғафлат босди, ғафлат! Бўлмаса бир йўлни қилмасмидим! — дейди куйиниб, Шокир ота.

Жигаристон маҳалла кўмитаси раиси Қўшмат Болтабоев билан учрашиб кўнгил сўрадик.

— Саккиз хонадонда яшайдиган ўн тўрт оиладан ҳаммаси бўлиб 52 нафар ерлик аҳоли нобуд бўлди. Икки нафар Олмаликдан бу ерга келиб, офат олдини олиш учун шуғулланаётган механизаторлар, бир меҳмон ҳам шу гўшада мангу уйқоқа кетишди. Меҳнат фахрийси Қумри хола, ўғли, келини, набиралари — улар 9 киши эди... Қаршибой Жанишевлар хонадонидан ўн бир киши... Тўрт киши омон қолган. Қаршибой ака билан ўғли Бақодир ишда бўлишган. Тоҳир қишлоқ подасини боқиб тоққа кетган. Бир қизи опасникида меҳмонда бўлган,— дейди Қўшмат ака.

Маҳалладаги Ғофур Ғулмон номи 3-мактаб жамоаси, ўкувчилари ўн уч нафар жонажон ўқувчилари, партидош дўстларидан жудо бўлишибди.

Эрта тонгда молларни тоққа ҳайдаб тонга Тоҳир Жанишев шундай ҳикоя қилади:

— Одатдагидай эрталаб моллар бир ерга йиғилди. Нимагадир улар ўша кунни безовтароқ кўринди. Бошқа кундагидай бемалол ўтлаб юришмай тез-тез юриб тоққа чиқиб кетишди. Бирон ярим соатдан кейин пастга қарасам, офат рўй берибди. Уйларимиз тупроқ остида қолибди.

— Кўчки бир зумда қиларини қилди,— дейди фожиани ўз кўзи билан кўрган Кўчқор ака Абдурахмонов.— Чанг-тўзон дарани қоплади. Кўрқинчли, юракни музлатадиган, вишиллаган овоз эшитилди. Уйимиз кўчки рўпарасида — баланд тепалиқда бўлгани учун ҳаммасини рўй-рост кўриб турардим. Тупроқ шиддат билан пастга шўнғиди. (200 минг куб метрдан зиёдроқ) ҳаш-паш дегунча саккиз хонадонни теп-текис қилиб юборди. Босиб қолган тупроқнинг қалинлиги 20 метрлар келади.

Сўнгра биз Ангрен шаҳар кенгаши ижроа кўмитасининг раиси Абдумутал Алқулов билан сўхбатлашдик. У шундай ҳикоя қилди:

— Дастлаб Андижонлик биродарларимиз ҳолимиздан хабар олгани етиб келишди. Озиқ-овқат, кийим кечак ва ўн минг сўм пул ёрдам қилишди. Тожикистоннинг Душанбе шаҳридан, Жиззах вилоятдан, Қўқондан, Пахтаобод туманидан дўст-биродарларимиз

ҳол сўраб келишди. Ҳамдард бўлишди, ёрдам қўлини чўзишмоқда. Бундан ташқари ҳукумат комиссияси қарорига биноан 50 хонадонни янги уйлар билан таъминладик. Ҳар бир оила учун саккиз сотихдан ер ажратдик. Уйлар қуриб берамиз. Шу йилнинг 1 октябригача жабрдийдалар янги уйга кўчиб киришади. «Узагрострой», «Средазуголь» қурилиш вазирлиги ва бошқа бинокорлик ташкилотлари бу вазифани ўз гарданларига олишган. Бу ишлар урдалангач аҳолини кўчиришнинг иккинчи босқичи амалга оширилади. Қолган 510 дан зиёд хонадон, уч ярим минг аҳоли шундай табиий офатлардан беҳавотир Ханкарман даҳасига кўчирилади. Жиғаргўшалар қабристонига эса Мармар ёдгорлик ўрнатиб марҳумларни номманом ёзиб қўямиз.

Кўрилаётган ҳамма тадбирлар учун яхшиларга раҳмат! Кўнгил сўраганларни тангрининг ўзи ёрлақасин. Марҳумларнинг борар жойи жаннатда бўлсин. Аллоҳнинг раҳматларига мушарраф бўлинлар!

Гира-шира оқшом туша бошлаганида кўнгилнинг бир парчасини Жигаристонда қолдириб изимизга қайтдик. Жигаристон қояларидан водийга қараймиз. Кўкимтир, сарғич гўбор кезиб юрипти. Гарчи тоққа яқин жойлар бўлса-да, нафас олиш оғир. Ушлаб баҳайбат мўрилардан осмонга тутун ўрлайди. Сарик, кўк, қора...

Буралиб, буралиб кетиши илонни эслатади.

Жигаристон. Ака-укалар, оғанини, қариндошлар гўж бўлиб аҳил-иноқ яшайдиган кўрғон. Исми жисмига монанд қишлоқ. Нега қўшни катта шаҳарда яшайдиган, баланд-баланд иморатларни макон қилган «катта ака»ларимизнинг кўпчилиги бу кўрғоннинг номини ҳам билмаслигига ҳайрон бўламан.

Дарвоқе. Ангрен сўзи қачон пайдо бўлган экан ўзи? Оҳангароннинг русча ўзлаштирмаси эмасми? Маъноси ҳам йўқ. Менга қолса Жигаристонлик шахидларнинг руҳи ҳурмати Ангрен шаҳри номини Жигаристон шаҳри қилиб ўзгартирish керак. Токи мана шу заминда бегуноҳ жиғаристонликларнинг фожиади ҳалок бўлганини олам аҳли билиб, уларнинг руҳини ёд этиб турсин.

Катта фожиа қурбонлари ҳурмати-ҳаққи, инсон хотирасининг азизлиги ҳурмати ҳаққи ана шундай қилиниши керак. Шундагина ўн қақиримча нарида яшаб, Жигаристоннинг билмайдиган кимсаларга сабоқ бўларди.

Аббасуд НУР,
«Гулистон» ойномасининг махсус муҳбири

лом рақобатлашишга асосланган эркин тадбиркорликка, аниқроғи корчалонликка ўтиш учун давлат мулкни қисқариши ҳисобига бошқа мулк шакллари бўлиши жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, хорижий мулк, аралаш мулк кабилар ривож то-

Мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқариш гоят мураккаб жараён бўлиб, уни бирданига амалга ошириш мумкин эмас. Уни ўтказишда бошқа мамлакатлар тўплаган бой тажриба мавжуд. Лекин ундан маҳаллий шароитни назар-писанд қилмасдан кўр-кў-

раки, у социалистик танлов доирасида бориши шарт. У хусусий мулкнинг ва эксплуатациянинг ҳукмронлигига олиб бормаслиги керак. Бунинг учун ҳозирги давлат мулки ҳисобидан меҳнаткашнинг ўзлаштиришига асосланган мулк томон борилади,

МУЛКДОР БЎЛИШНИ

Мамлакатимиз кечираётган чуқур иқтисодий таназзулдан чиқиш учун бозор иқтисодига ўтишдан бошқа йўл йўқлигини кўпчилиги англаб етди. Аммо бу йўлга қандай ўтиш кераклиги, қай тарзда ҳозирги иқтисодий тангликдан чиқиш мумкинлиги кўпчиликка аён эмас. Айниқса шу ўринда мол-мулкни хусусийлаштириш масаласи жамоатчиликнинг эътиборини тортаётир.

Хўш, бу хусусийлаштириш ўзини нима? Ғарб иқтисодчилари приватизацияни мол-мулкни хусусийлаштириш, аниқроғи, давлат мулки бўлган бойликни, нодавлат мулкка айланиши, деб қарашди ва буни бозор иқтисодининг шарты ҳисоблашади. Хусусийлаштириш масаласи илк марта ССЖИнинг бозор иқтисодига ўтишининг «500 кун» деган дастурида кўтарилган эди. Бу масала ҳозирги вақтда яна кун тартибига кўйилди, чунки жамиятимизда унга зарурат пайдо бўлаётир. Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотнинг энг катта хатоси шу бўлдики, иқтисодиётда эркинлик — либерализмга йўл берилмаган ҳолда сиёсий-ғоявий соҳада демократияга йўл берилди. Натижада мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тартибсизлик пайдо бўлиб, иқтисодий инқироз чуқурлашди.

Бозор иқтисодининг энг асосий шарты кўп укладли иқтисодиётга ўтиш, эркин тадбиркорликка шaroит яратиш, соғлом рақобатлашишга йўл бериш керак эканлиги, бироқ кеч бўлса-да, энди англаб етилаётир. Шу сабабдан мол-мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариб, корхоналарни хусусийлаштириш масаласи кун тартибига кўйилди. Бозор иқтисодига ўтиш учун давлат мулкнинг ҳукмронлигини тугатиш керак, бусиз рақобатга йўл очилмайди.

ССЖИда иқтисодиётнинг деярли 90 фоизи давлат қўлида тўпланган. Давлат корхоналари Ўзбекистонда саноат маҳсулотининг 95 фоизини беради. Қурилишда уларнинг ҳиссаси 85 фоиз, транспортда 99 фоиз, маҳсулотларни тайёрлаш тартибига 85 фоиз. Фақат қишлоқ хўжалигида ва савдо-сотикда улар ҳукмрон мавқега эга эмас. Иқтисодиётда со-

пиши керак. Шу йўсиндагина ўта давлатлашган, монополлашган иқтисод кўп укладли иқтисодиётга, демократиялашган иқтисодга айланади. Янгича иқтисод турлитуман корхоналарнинг — давлат, жамоа, хусусий, яқна тартибда оилавий, шахсий, қўшма ва ниҳоят хорижий корхоналарнинг кимкимдан ўзади, деган рақобат курашига асосланганидан, у аввало

рона андоза олиш маъқул эмас. Мулкни хусусийлаштиришни амалга оширишда жумҳуриятнинг иқтисодий мустақиллиги таъминланиши, унинг хусусиятлари назарда тутилиши шарт. Аниқроғи, нималар ҳисобга олиниши керак? Булар куйидагилардан иборат: биринчидан, жумҳуриятимиз халқи камбағал, унинг таркибиде қашшоқлар ҳиссаси

асосан жамоа мулки ва шахсий мулкка ўтилади. Шу сабабдан мол-мулкни давлат тасарруфидан чиқаришда унинг қайси усулига устуник бериши аниқлаш катта аҳамиятга молик. Бу усуллар 4 хил: 1) Давлат корхонасини акционерлаш, яъни акционерларнинг жамоа корхонасига айлантириш. Бунда корхонанинг молу мулки қийматига тенг миқдорда акциялар чиқарилиб сотилади. Уларни корхона ходимлари ва корхона жамоаси сотиб олиб, ўз мулкига айлантиради. Акция миқдорига қараб фойданинг бир қисми дивидент қилиб олинади. 2) Давлат корхонасини уни ижарага олган жамоа ёки шу ерда ишлаб турганлар сотиб олиб ўз мулкига айлантирадилар. 3) Давлат корхонасини купонлаштириш асосида халққа бериш. Бунда давлат мол-мулкига эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи купонлар чиқарилиб, уларни ёши катта аҳоли (16 ёшдан ошганлар) ўртасида ҳаммага баровар тарқатилади. Купон эгаси мол-мулкдаги ўз ҳиссасини капитал қилиб ишлатиши, сотиши ёки текинга бериши мумкин, лекин у мулк эгаси бўлиб даромад кўрганидан ҳамма ижтимоий кизматлар (ўқиш, даволаниш, дам олиш, болаларни тарбиялаш)га пул тўлаши шарт. Шу сабабли купонлаш тартиби бизга маъқул бўлмас керак. 4) Давлат мол-мулкни ким ошди савдоси орқали ҳаммага сотиш. Бундай савдолашувларда энг юқори нархда корхонани сотиб олган киши унинг мулкдорига айланади. Бу усул давлат мулкни хусусийлаштириш воситасидир.

Социалистик танлов доирасида биринчи ва иккинчи усуллар асосий усул ҳисобланади. Масаланинг муҳим томони — бу давлат мулкнинг кимга берилиши ва мулкдаги ҳар бир кишининг ҳиссасини аниқлашдир. Мол-мулкни энг аввал корхоналардаги ишчи ва хизматчилар олади, чунки уларни мулкдорга айлантирмай туриб, ишлаб чиқаришни кўтариб бўлмайди.

Кишилarning иш ҳақиға қараб уларнинг мулкдаги ҳиссаси аниқланганда, у бир неча иш ҳақи миқдорига берилади. Масалан, яқши ишлаган 2 йиллик иш ҳақиға тенг улуш олма, ёмон ишлаган 6 ойлик даромадга тенг улушга эга бўлади. Улушши бел-

ИСТАЙСИЗМИ?

ишлаб чиқаришнинг ўсишини ва халқ фаровонлигини олдинги даражага етишини, сўнгра эса юксалиб боришини таъминлаши керак.

Мулкни давлатлаштиришдан чекинишни том маънода хусусийлаштиришдан иборат дейиш мумкин эмас. У давлат мулкни акционерлар мулкига айлантириш, унинг корхона жамоаси томонидан сотиб олинишини ва ниҳоят хусусийлаштиришни ўз ичига олади. Бинобарин хусусийлаштириш турли мулк шакллариға ўтишнинг фақат бир жиҳати ҳол. У давлат мулкнинг йўқолиб кетишини англамайди. Бу мулк қисқариши, унинг ҳукмронлиги тугалланиши мумкин ҳалос. Ҳисоб-китобларга қараганда, давлат мулкнинг асосий ишлаб чиқариш воситаларидаги ҳиссаси 30—40 фоиз атрофида чекланиши мумкин. Уларнинг қолган қисми нодавлат мулк шакллари ихтиёриға ўтади. Асосан давлат тасарруфида энг муҳим ва умумий иқтисодий ва ҳарбий аҳамиятга молик соҳаларниға қолади. Улар жумласига оғир саноатнинг йирик корхоналари, темир йўл, ҳаво, денгиз ва дарё транспорти, алоқа воситалари, мудофаа саноати, ижара-қарз-банк тартиботи, ижтимоий соҳа — маориф, маданият, соғлиқни сақлаш киради. Давлат мулки ва бошқа мулк шакллари ўртасидаги нисбат мақсадга мувофиқ бўлиши зарур. Фақат шундагина иқтисодиётдаги мувозанат таъминланади.

салмоқли, давлат мулкни сотиб олиш учун халқда етарли маблағ йўқ; иккинчидан, бу ерда тарихан кичик ишлаб чиқариш шохобчалари ва савдо ривожланган. Халқ орасида майда тадбиркорлик анъаналари кучли; учинчидан, жумҳуриятимизда жамоатчилик ҳиссаси кучли, оилавий ва маҳалла мулки ривожланиши мумкин; туртинчидан, Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик учун шароит яқши эмас, чунки мавжуд корчалонлик тоталитар шароитида шаклланиб, ҳақиқий иш билармонлиқдан анча йироқда. Унинг соҳиблари иқтисодий маъсулият ва хавф-хатарни зиммасига олишга тайёр эмас. Чунки улар: «Фойдаси бизга, зарари давлатга — халққа», деган қоидага асосланганлар. Зикр этилганларни ҳисобга олганда, давлатлаштиришдан чекинишда шомма-шоярликка йўл бермаслик маъқул. Акс ҳолда ҳозирги кўпол хато такрорланиб, иқтисодий аҳвол ҳозиргидан ҳам баттар бўлиши мумкин. Хато шундаки, эски иқтисодий тартиботни бузиб, янгисини ярата олмадик, натижада танглик чуқурлашди. Бунинг устига ишлаб турган давлат корхоналарини зудлик билан тугати, унинг ўрнини боса оладиган бошқа корхоналарни ярата билмасак, иқтисодий ҳалокат муқаррар бўлади.

Давлатлаштиришдан чекинишнинг пировард натижада нима беришиға бефарқ қараб бўлмайди, албатта. Шунини ҳисобга олиш ке-

гилаб қўйиш корхона акционерлашганда ёки сотиб олинганда қўлланилади. Хусусийлаштириш юз берганда эса, яъни мол-мулк тўғридан-тўғри сотилганда харидорнинг улушини унинг қўлидаги ёки йўқми? Хуфта иқтисоди 2 хил: 1) Махсулот ишлаб чиқариш ва уни аҳолига сотиб бозор талабини қондиришга қаратилган яширин фаолият. Бу ижтимоий фойдали иш, лекин ўз соҳибига катта даромад келтиради. Шундай йўл билан топишган пул маълум чегарада хусусийлаштиришда қатнашуви мумкин. Масалан, 100 минг-200 минг сўмлик мол-мулкни даромад декларациясини (пулнинг қаердан топишганини) кўрсатмай туриб сотиб олишга рухсат бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. 2) Турган-битгани ўғирлик, қаллоблик, талончилик билан боглик фаолият, у ҳам мўмай пул топиш воситаси. Лекин бу босқинчилик билан топишган пул приватизацияда иштирок этиши мумкин эмас, албатта. Биринчи турдаги фаолият вакилларнинг пулини ишлаб чиқаришга жалб этиб, уларнинг ишбилармонлигини иқтисодни ўстириш учун фойдаланиш зарур, акс ҳолда бу пул беҳуда истеъмол учун сарфланади.

Ҳозирда давлат мулкни сотиб олиш учун аҳолида ишлатилмай турган пул бор, лекин у давлат корхоналарини сотиб олиш учун мутлақо камлик қилади.

Пул йўқлигини, давлат мулкни халқ яратганлигини ҳисобга олиб аҳолига текинга берса бўлмайми, деган савол ҳам туғилиши табиий. Ҳа, бериш мумкин, лекин кишилар текин нарса-нинг кадрига етмайди, уни авайламайди. Шу сабабли мулкнинг бир қисми текинга берилиши мумкин, қолгани эса сотилади. Давлат мулки хусусийлаштирилганда, аҳолининг маълум тоифаси уни имтиёз билан олиши маъқул бўлади. Бунга илғор ишчи ва хизматчилар, ногиронлар, камбағаллар, савобли иш ва хайрия фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва ташкилотлар киради. Имтиёзлар мол-мулкни арзон нархда сотиш, тамомила текинга бериш, насияга сотиш, қарзга сотилганда маълум фоизини олмаслик ёки пасайтирилган фоизини ундириш, насия мuddатини узоқ белгилаш кабилардан иборат бўлиши мумкин. Чет эл капиталини жумҳуриятимизга жалб этиш учун хоризж тадбиркорларига, умуман конвертирланган валютага мол-мулкни сотиб олувчиларга алоҳида имтиёзлар ва енгиллик бериш кўнгилли иш бўлади.

Хусусийлаштириш бирданига эмас, балки босқичма-босқич ўт-

казилиши керак. Энг аввал майда ва ўрта саноат, савдо-сотиқ, қишлоқ хўжалиги, маиший хизмат корхоналарида ва автомобил транспортда ўтказилиши мумкин. Хусусийлаштириш Ўзбекистонни Иттифоқдаги тенг ҳуқуқли — мустақил давлат сифатидаги нуфузига путур етказмаслиги учун бу ишда энг аввало жумҳурият фуқаролари қатнашишлари зарур. Бошқа жумҳурият фуқаролари ва хоризж фуқароларини хусусийлаштиришдаги иштироки чекланиши мумкин. Айниқса, уларнинг мол-мулкни сотиб олишдаги ҳиссаси (квота) аниқ белгиланиши керак. Хусусийлаштириш давлатга қарашли уй-жойларга ҳам тааллуқли. Уй-жой хўжалигида уни ўтказмай туриб уй-жой бозорини яратиб, ишчи кучининг худудлараро кўчиб туришини таъминлаб бўлмас керак. Давлат мулкни халқ яратган, уни хусусийлаштириш ҳам халқ иши. Шунини ҳисобга олиб ўз фикр-мулоҳаза ва илмий ёндашувимизни баён этдик. Энди сўз ойнама муштарийларига. Сизнинг фикрингиз қандай?

Аҳмаджон ҲИМАСОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор,
Шариф ҚОБИЛОВ,
Тошкент халқ хўжалиги
олийгоҳи сиёсий иқтисод
кафедраси аспиранти



Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб бир сўмлик муомала тангаси зарб этилди.

Орол фожиясининг қўлами борган сайин Хоразм вилояти аҳолисига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётир. Чучук сув танқислиги туфайли турли касалликларнинг келиб чиқиши табиий ҳол бўлиб қолди. Суратларда: Қўшқўпир туманидаги болалар касаллиги шифохонаси бўлими мудири Жуманазар Машарипов табиат мувозанатининг бузилиши натижасида дардга чалинган беморни кўздан кечирмоқда; Мазкур тумандаги И. Охунбобоев номидаги жамоа хўжалиги аҳли мана шундай қудуқлардан сув ичишга мажбур бўлаётир.

Суратқаш Р. Шагаев (ЎзТАГ)



Мусаввир туҳфаси



Ўзбекистон ССЖ халқ рассоми Ч. Аҳмаров Мир Алишер Навоийнинг таваллудига 550 йил тўлиши арафасида ҳазратнинг «Саъбан сайёр» дostonи мавзуларида кўп ва хўб жажжи расмлар ишлади.

Сураткаш С. Великий
(ЎзТАГ)

ЛУҒАТЛАР — ИШОНЧЛИ МАНБА

Шу пайтгача Алишер Навоий асарларини чала ўргандик. Сабаби халқимизнинг ўз тарихи, миллий адабиёти, анъаналаридан узулиб қолганлиги бўлди. Аллома ижодига қизиқиш натижасида тартиб берилган Толи Хиравийнинг «Бадойи-ул-луғат» (XV аср охирлари), Мирза Махдихоннинг «Санглоҳ» (XVIII аср), Фатих Алихоннинг «Китоби луғати атроқийа» (XIX аср), луғатлари эски ўзбек тили бўйича қимматли қўлланма бўлиб, ҳозирда классик асарларни чуқурроқ ўрганишда жуда қўл келади.

Ушбу мақолада Навоий асарларидаги айрим байтларни ўша луғатларга таяниб тўғри ўқиш борасида фикр юритилади.

Туйғу не эмас, туйғуни

*Хайли зулмат ранжига тушкан
сафо аҳли эрур,
Уйлаким тонг туйғу не қолғай
суруқ хуффош аро.*

«Наводир-уш-шабоб» дан (24-бет). Бу ерда «туйғу не» сўзи нотўғри кўчирилгани сезилиб турипти. Ҳазрат Алишер Навоий эса «Санглоҳ» луғатида туйғун (бир хил оққуш) тарзида қўллаганлар албатта:

*Хайли заҳмат ранжига тушкан
сафо аҳли эрур,
Уйлаким тонг туйғуни тушкай
суруқ хуффош аро.*

Бизнингча кейинги ҳолати тўғри, чунки «туйғу» ўрнига «туйғун» сўзини қўйиб ўқи-гандагина шоир айтмоқчи бўлган фикр аниқ бўлади: пок юраклар кўп қийинчиликлар ичида қолганлар, бу туйғун (оқ қуш) нинг кўршапалаклар ичида қолганига ўхшайди, деган маънони билдиради.

Туйғун қуши халқ оғзаки ижоди намуналарида, жумладан, «Ойсулув» дostonида кўп қўлланилади:

Койиш кўрди мана ёлгон дунёда,
Туйғун қуш таралар баланд уяда.

Шай эмас, шайб

«Бадойи-ул-васат» нинг 517-бетидagi ушбу байт:

*Юз узра ҳай, гул уза
шабнамни ҳавас қилма,
Баёз шай била чун ёғди
бошинг узра қиров.*

«Санглоҳ» луғатида қуйидаги кўринишга эга:

*Юз узра хуй, гул узра
шабнамни ҳавас қилма,
Баёз шайб ила чун ёғди
бошинг узра қиров.*

Мисолларни солиштириш шуни кўрсатадики, луғатдаги мисол тўғрироқ. Чунки нашрдаги шай ва ҳай сўзлари луғатларда учрамайди. «Санглоҳ» да унинг ўрнида шайб ва хуй сўзи учрайдики, улардан биринчиси соқол оқариши ва иккинчиси терни билдиради. Шундагина байтнинг маъноси ўқувчига англашилади:

*Юздаги терни, гулдаги шабнамни
орзу қилма,
Энди соқолга оқ оралаб бошинг узра
қиров ёғилди, яъни қаридинг.*

Ердек эмас, йирдек

«Наводир-уш-шабоб» даги (342-бет) «к» ҳарфига келтирилган ғазаллар ичида бир байт бор:

*Навоийга ҳажрингда мотам сурури,
Бўлибтур нашот аҳли базмида ердек.*

Ушбу байтни шундай туришда ўқисак, ҳеч қандай маъно чиқмайди, байтнинг маъноси мавҳум. Бу ердаги иккинчи мисра охиридаги ер сўзи ўрнига қадимги луғатлардаги қўшиқ, қуй маъносидаги «йир» калимасини қўйиб ўқишдангина маъно англашилади: Сенинг ҳажрингдаги мотам қўшиғи Навоийга шоду хуррамлар базмидаги ашуладек бўлади.

Тавба эмас, тунбак

«Фавоид-ул-кибар» девонида (156-бет) қуйидаги байт учрайди:

*Навоий баҳор ёлди тавбангни
синдур,
Ки хуштур бу фасл ичра
хуморлиглар.*

«Санглоҳ» луғатида бу мисол ўзгачароқ, яъни тавба ўрнида тунбак сўзи ишлатилган:

*Навоий баҳор ёлди, тунбакни синдур,
Ки хуштур бу фасл ичра хуморлиглар.*

Луғатшунос фикрича, тунбак — кичик ноғора, байт маъносини аниқроқ очиб беради: Навоий баҳор келди, ноғорангни синдур, чунки бу фасл хуморлиглар учун яхши. Тунбак сўзи «Абушқа» маълумотига қараганда «Ҳайрат-ул-аброр» нинг ўн олтинчи мақолада ҳам учрайди:

*Раёдни деб базмида тунбак уни,
Барқ каботи ўтининг учқуни.*

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, Алишер Навоий асарларига тузилган қўл-ёзма луғатлар шоир асарларини нашр қилишда қимматли манба ҳисобланади.

Эргаш УМАРОВ



Лайлининг оҳлари танишдир менга



Шарофат БОТИРОВА

(туркум)

1. Навоийга нолаларим

Ишқ қасрининг деворлари ўта баланд, поёнсиз,
Унда неки мавжуд бўлса, нафис сирли садоси.
Етганга ҳам армон жоиз, етмаганлар чорасиз,
Қўрқаманки, бу деворга осилиб қолгай жоним.
Ул деворнинг нарёғида мен талпинган чаман бор,
Тилла ёли ўймоқ бўлиб ялтираган саман бор.
Ўлигим-у тиригимни ҳаллагувчи ватан бор,
Қўрқаманки, тос девордан ўтолмагай бу жоним.
Ногаҳонда Лайли бўлиб сахро томон юз бурдим,
Мажнун кезган биёбонда зинжир тишли из кўрдим.
Олтин қафас ичра ҳалак тутқун бўлган Сўз кўрдим,
Қўрқаманки, ўшал сўзга етолмагай бу жоним.
Ўшал Сўзнинг жароҳати ғазал эрур-кўкси ўқ.
Диллимдаги минг зор билан ўтмоқданан ўксиниб.
— Тугат, пайти келди,— дея бир той турар депсиниб,
Қўрқаманки, кетсам агар ҳеч қайтмагай бу жоним.
Феълимни кенг қилай, дея бағри кенг дарё бўлдим,
Кўра-кўра нотенгликни Оролдай адо бўлдим.
Шоҳи-адрес кийган билан Лайлидай гадо бўлдим,
Биламанки, тўфон узра сарсон итдай бу жоним.
Истаюрам, қаср ичра вафодор Қайсни топай,
Зулмат аро бошим силар меҳрбон касни топай,
Эй Навоий, жоним ҳалак — Шеър деган сасни топай,
Қўрқаманки, авж пардада узилиб қолгай жоним.
Шеър қасрининг деворлари ўта баланд, поёнсиз.

2. Мажнун тушидан

Мажнун ширин тушидан уйғонган мен Лайлиман,
Мажнундайин ошиқнинг тушда кетган париси,
Бу дунёда мажнундек кўзи очик, шайдоман
Ул Мажнун ардоқлаган ишқ туморим эгаси.
Лайли садоқатини туморимдек асрагум,
Назм сайдида Мажнуннинг саъдиман, сайдиман.
Лайлининг гул рухсори бўса изин кўрмаган,
Мажнун тушида кетган ширин бўса — Лайлиман.

3. Мажнунни кўрган охуға

Лайли кўли етмаган либосларни кийдим мен,
Лайли айтмаган сўзни айтиб юрибман, алҳол.
Ҳижрон рангли кўйлагин ўз энимда кўрдим мен,
Мажнун кўрган охуға бу тонг мен келдим душвор.
Кел, охужон, ҳурқмасдан бошингни кўй қафтимга,
Учратдингми сахрода боз Лайли, Мажнунларни?
Чидаш бероласанми тутаб борар тафтимга,
Фош қила оласанми қабиҳ-ҳийлағарларни?
Шоирлар туккан юртни келажаги бор дерлар,
Лек юртим шоирлари хўрланган Жиззаҳданман.
Охуси, лайлаги мўл элларда бор қут дерлар,
Биласанми, охужон, тугамас азобданман.
Лайлининг оҳи букун менинг оҳга айланди,
Аёлларнинг вужудин киймалайди ўкинчлар.
Қўлларим бор иккимас, бугун мингга айланди,
Мажруҳ бўлиб бормоқда умид ҳамда илнжлар.
Мен ўзимнинг уйимда қадр толмадим нетай,
Лекин жон-жаҳонимни аямадим ҳеч кимдан.
Осмон йироқ, ер қаттиқ шул бошим олиб кетай,
Мардуми Жиззаҳ бўлиб шеър майини ичгумдир.
Момо Ҳавом атадим, Ҳавом бўлгил, Лайлижон,
Тул паридай ўксиниб сен ҳам йиғлаб юрурсан.

Мен ҳам йиғлаб юрурман — кийналур озурда жон,
Қўш қабрнинг ёнида менинг қабрим кўрурсан.
Яраланган Қўшиқни рўмолимга солгум-да,
Осиб кетгум Миноранинг ўта юксак тоқиға.
Мени тан олмаганга Армон бўлиб қолгум-да,
Оромини ўғирлаб кўмиб кетгум оҳимга.
...Кел, охужон дардқашим, жисмим олар аланга.

4. Лайлининг зори

Мен букун Мажнунни тушимда кўрдим,
Боғланган шер каби юрар ўкириб.
Нолакор юракка сабрлар сўрдим,
Борлигим сумандай турар тўкилиб.
Оҳ уни боғлаган занжир зил-зимбил,
Қонли товонидан ўнар лолалар.
Қайсни етаклайди Ёсуман кампир.
Мажнуним изидан учар нолалар.
Қайсни қул айлаган Ишқ султонидан,
Инсофлар сўрайман, тўзим сўрайман.
Шоҳ отам этагин лабимга босиб,
Фотиҳа сўрайман, изн сўрайман.
Кечирмас дийдаси тош қотган отам,
Бул юрак эмас, ханжар тушган йўл.
Қабоҳат илкида мудраган алам,
Мени ҳам сахрога улоқтирар ул.
Кел, менинг сирқорқ армоним, дардим,
Мен энди малика Толе тахтида,
Отаммас, бугун Навоийга эврилдим,
Мен Қайсни излайман бало даштида.
Бу фалак айланар, айланар дунё,
Қул эта олмайди Севгини лашқар.
Туморим қатида яшагай Вафо,
Туморим қўлтиқда нолайди қақшар.

5. Ўнгидан келган туш

Мен тушман,
талхли бир тушман.
Мажнуннинг дил ўяр маҳзунли туши.
Ҳолатим — баъзан хуш, баъзан нохушман,
Мен учқур сайёдининг ярадор қуши.
Сочларим соч эмас, қора тортган йўл.
Кўзимда улгайар тул қолган алам.
Бу бош ҳам қаҳрдан нураб учгандир,
Ху дарахт, ул менинг тош қотган дийдам.
Ул дарахт — манзилга етмаган ошиқ.
Ёнида ястанар тубсиз бир ўпқон.
Қон билан кизил гул турар қоришиб,
Мунғайиб боқайди минг йиллик осмон.
Мажнуннинг кўксига кетган Сабрнинг
Юзлари заъфарон, ранглари синиқ.
Мозори армонда қўша қабрнинг
Бағридан силқийди мунгли бир қўшиқ.
Ул Қўшиқ сўзининг жароҳати мўл,
Тилимни куйдириб айтиб юрибман.
Карвонлар ўтади чайқалиб, базўр,
Мен улар ортидан додлаб қоламан.
...Мен Қайсни мажнунга айлантирган туш.

Жиззаҳ



КВАЗАР-

ЛАРНИНГ

ДАЛИЛЛАРИ

Чили мамлакатининг мунажжими Луис Кампусано ҳамда Эдинбург қироллик обсерваториясининг ходими Рожер Клауеслар бир вақтда ғоят муҳим кашфиётга эришдилар: коинотдаги узоқ галактикалар йиғиндисини топдилар. Фараз қилишларича, мазкур галактикалар йиғиндисини ҳозиргача фанга маълум бўлган шу томфадаги коинот «аззолари»нинг энг йириклари ва энг қадимгиларидир. Шу билан бирга янги топилган галактикалар коинот тузилиши ҳақидаги ҳозиргача давом этиб келган оддий қарашларни бир чеккага суриб қўяди.

Гап шундаки, узунлиги 650 миллион нур йилига чўзилган ва «ичкарисини» салкам юз миллион нур йилига эга бўлган мазкур «галактикалар булути» мутлақо одатдан ташқари чизикқа жойлашган юлдузлар тузилмасини ташкил этган квазарлардан иборатдир. Бизнинг Кўёшимиздан кўра миллиард марта оқори нурланишга эга бўлган бу квазарларни коинотни кенгайтириб юборган галактикаларнинг ядроси деб ҳисобламоқдалар. Олимларнинг фаразларига кўра, квазарларнинг бу даражада тўпланиши «Катта портлаш» деб аталган ва коинотни ҳозирги даражадан кўра учдан бир даража кенгайтириб юборган даврдан сўнг содир бўлган.

Шу чоққача коинотнинг ёши 15 миллиард йилга тенг деб келинарди. Мана энди янгидан кашф этилган квазарларнинг «гувоҳлик далилларига» кўра, бундай фаразлар ҳам қайта кўриб чиқилса керак.

Б

издаги кўпмиллатлилик шароитида, хусусан кейинги вақтларда шева-лардан — миллий тилларга, миллий тиллардан — уюшиқ («зонал») тилларга, уюшиқ тиллардан — ягона умуминсоний тилга чиқиш андозалари ҳаётга изчиллик билан юқоридан жорий этила бошланди. Наинки миллий тиллар, кенг маънода, барча миллий кадриятларни, «бизники» ва «нобизники» тарзида аста-секин саралашга, чеклаб қўйишга ҳаракат қилинди. Аҳвол шунга бориб етдики, мамлакатда барча тилларнинг тенгсизлиги ва дахлсизлиги ҳақида тинмай гапирган бўлсак-да, амалда нуқул «миллатлараро тил»ни сингдириш сиёсатига зўр берилди. Вундай майл жуда кўп миллий тилларнинг шўрини қуритгани ҳолда, аслида, холисанлилоҳ айтганда, ўша миллатлараро алоқа воситаси ҳисобланмиш рус тилининг ўзига ҳам жиддий лат етказди. Унинг ўзи ҳам «уюшиқ тил» бўлишдан кўра, кўпроқ қоришиқ, қурама бир тилга айланиб қолиш хавфи туғилди.

Тил сиёсатида ҳамма вақт ҳар хил майлларга берилишлар ҳукм суриб келади. Визда «тиллар дарёси» ҳеч қачон сокин оққан эмас. Сув, қачон қараманг, гоҳ у соҳилга, гоҳ бу соҳилга урилиб, чайқалиб, лойқаланиб туради. Хоҳ алифбо, хоҳ луғат, хоҳ атамачиликни олиб қарамайлик, биз ҳар бир даврда ё эллик йил ортга қайтамиз, ё эллик йил олдинга қараб йўртамиз. Масалан, биргина алифбо масаласида бир неча минг йиллик ёзувларга эга бўлган ўзбек тили Шўролар ҳокимияти даврида атиги ўн олти йил орасида, уч хил (араб—лотин—рус) алифбо либосларини алмаштирди!.. Натижада, бора-бора ҳаётий илдиэлари, имкониятлари ва қўлланши доираси чеклаб қўйилган, ҳатто минг йиллар мобайнида амал қилиб келган ўз алифбосидан махрум этилган аллақанча миллий тиллар, жумладан, ўзбек тили ҳам, мисли кўрилмаган, баайни ўзига хос бир «миллий шева»га айлана бошлади...

Миллатлараро алоқа ўрнатиш, уларни бир-бири билан боғлаб туришнинг икки самарадор воситаси мавжуд. Бири эл-элатлар, халқлар, миллатларни бир-бири билан уюштириб, уйғунлаштириб, сафарбар этиб туривчи муштарак бир тил таныш. Иккинчиси эса азалдан синаб келинган усул — таржимадат.

Миллатлараро алоқа дастури бўлишдек фавқулодда оғир масъулиятли вазифани рус тили ўз зиммасига олди. Вунинг тарихий, лисоний ва ижтимоий-сиёсий сабабларини шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бу тўғрида ҳаддан ташқари кўп гапирилган, кўп ёзилган. Бироқ рус тилини бирёқлама, зўр бериб тарғиб ва ташвиқ қилиш, изчиллик билан тадбиқ этишга берилиб кетиш ўзига хос бир чигалликни кўндаланг қилиб қўйди. Хўш, бу кетишда юзлаб бошқа тилларнинг тақдири не кечади?

Бу муаммога ҳам жавоб топиладандай бўлди: зуллисонайлик (иккитиллилик) ва кўп-тиллилик. Масалан, рус-ўзбек зуллисонайин мулоқоти ёхуд, олайлик, рус-ўзбек-тожик кўптиллилиги... Ва ҳоказо. Башарти, мана шу сиёсат, лисоний меъёрлар миллий тиллар зарарига қўпол суратда бузилмаганида, бугунга келиб, тил масаласи бу қадар кескин тус олиб кетмаган бўлар эдимки...

Рус тилининг обрў-эътибори беҳад ортиб кетганлиги, аслида, табиий ҳол. Давр тақозоси. Мамлакат ичкарасида ҳам, ташқи дунёда ҳам юзлаб миллатлар билан муомалада рус тилига таянилади. Аммо тил сиёсатида жиддий бир камчиликка йўл қўйилди.

Ҳар бир халқнинг, жумладан, айнан русларнинг ўзлари ва ўзбекларнинг ҳам бошқа тиллар асоратидан қутилиш, тил мустикачилигини қўлга киритиш, ўз тилини йўқотиб қолмиш хавфини бартараф этиш сари олиб

СОЛЛАНИБ ОҚАЁТГАН ДАРЁ...

борган кураши тарихи шундан далолат берадики, бошқа тилларга кириш ўз она тилидан чиқиш ҳисобига бўлмаслиги шарт.

Икки тиллилик ҳамда кўптиллилик сиёсати ва амалиёти, ҳар қандай хорижий тилни ўрганиш мунтазам равишда она тили негизда олиб борилган тақдирдагина тиллар аро мувозанат сақланади. Акс ҳолда ҳоким тилнинг миқёси кенгайиб ва чуқурлашиб, у билан алоқа киришган тоёб тилининг жуғрофий, ижтимоий-сиёсий маънаси пасайиб кетади. Оқибатда у, нари борганда, «онла—рўзгор тилига» айланиб қолади.

Ўзбекларда: «Дин кетсин, имон кетмасин», деган гап бор. Азал-азалдан маълум: тил кетса — дил кетади, дил кетса — имон кетади, имон кетса — миллат кетади, миллат кетса — ҳамма нарса кетади... Зотан, миллатсиз халқнинг ўзи йўқ. Тилсиз миллат, миллатсиз тил бўлмайди.

Рус тили турли миллат кишиларини мамлакат ичкараси ва хориж билан боғлайдиган кўприк, «умумиттифоқ таржимони» сифатида талай қулайликларга эга. Айниқса, амалий фаолиятда бу имкониятдан, зуллисонайлик ва кўптиллиликдан меъёрни бузмаган ҳолда фойдаланиш катта самара беради.

Биз турғунлик даврида миллатлараро тилнинг нуқул мислсиз фазилатлари ҳақида гапирдик, инсоний меъёрлар бузилганида унинг бошқа миллий тиллар тараққиётига тўсиқ бўлиб қолиши мумкинлигини ё кўрмадик, ё кўришни истамадик.

Таржимага келганда, бу шундай воситани, уни бошқа бирон нарса билан алмаштириб бўлмайди. Рус тили муомала мақсадларида хизмат қилса, таржима ана шу муомаланинг натижаларига муайян қиёфа бағишлайди.

Таржиманинг афзаллиги шундаки, у миллий тилларни чинакамга бойитади, миллий маданиятларнинг байналмилал негизларини мустаҳкамлайди, миллий адабиётларга янги ғоялар, оқимлар, бадий тасвир воситаларини олиб киради. Таржима муайян бир халқ, бир тил, бир маданият манфаатларига хиз-

мат қилиб қолмайди, балки таржимавий мулоқотга киришдан барча томонлар раванкига улкан ҳисса қўшади. Вунда бирёқлама миллий маҳдудликка берилиш хавфи йўқ.

Биз байналмилаллик тўғрисида жуда кўп гапирмиш. Ва тўғри қиламиш. Чунки халқлар ва миллатлар ҳамкорлиги бирламчи, ҳаётий зарур аҳамиятга эга бўлиб қолган ҳозирги даврда шовинизм, миллий мумтозлик ва миллатчилик афкор оммони парчалашиб кетишга, парокандалликка маҳкум этади. Мамлакат миқёсида учраб турган воқеалар шундан далолат беради. Бироқ байналмилаллик мавҳум тушунча эмас. У бўш-тақир жойда юзага келмайди. Миллатлар асосини байналмилаллик ташкил этмайди, балки аксинча, байналмилалликнинг асосида миллат, соғлом ва тенг миллий муносабатлар, чинакам халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги ётади.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда давлат тили ҳақида қонун қабул қилиниши том маънода улкан воқеа бўлди. Қонуннинг дастлабки лойиҳаси халқимизга мутлақо номма-бул тарзда, бузиб тақдим этилгани кимларнинг кирдикори эканлиги эндиликда маълум. Эҳтиросларга тўлиб-тошган, баҳсли, шовкин-суронли, зиддиятли ва жўяли муҳокама палласи ўтиб кетди. Улар тарих мулки бўлиб қолди.

Хўш, давлат тили ҳақида қонун эълон қилиниши билан муаммо ҳал қилиниши? Йўқ. Катта, оғир, мураккаб иш энди бошланмоқда. Қонун эндигина бир қадар амал қилишга киришмоқда. Тўғриси айтганда, агар бу, ҳаётимизда жуда кўп учраганидай, одамларни «тинчлантириш» мақсадида қўрилган шунчаки бир тадбир, навбатдаги мавсумбозликка айланиб қолса, нафақат қонун, ҳатто конституция ҳам оқсаши ҳеч гапмас.

Гап шундаки, қаттиқ бел боғласак, ҳар қандай иктисодий қийинчиликни, ижтимоий-сиёсий тангликни бартараф этишимиз мумкин. Ақл-идрок, хоҳиш, ирода бунга кафил бўла олади. Аммо тил, ақл-идрокдан

ташқари инсоннинг чуқур руҳий олами билан боғлиқ ҳодиса. Миллатнинг етуқлик даражаси, ҳозирги мураккаб даврда ҳаётда эгаллаган ўрни унинг ўз тарихи, маданияти, моддий ва маънавий бойликларини қанчаллик тушуниб етиши, уларга эғалик қила олиши билан бирга, ўз тилига муносабати, она тилини нечоғлик қадрлай билиши ва сақлай олишига вобаста.

Давлат тили ҳақидаги қонун эълон қилинганидан сўнг, диёримизда яшаётган рус аҳолиси ва бошқа русийлашган кишиларнинг ўзабекларга, ўзбек тилига хайрихоҳлиги, маҳаллий фуқарони, унинг тарихи, маданияти, урф-одатларини хурмат қилишга интилиши сезилгандай бўлди. Юртимизда сарин еллар эса бошлади. Лекин тез орада маълум бўлдики, бу ерда хайрихоҳлик ёки тушунишнинг ўзигина кифоя эмас экан.

Давлат аҳамиятига молик катта тадбирни худди шу давлат идораси, муассаса ва корхоналарида ўтириб олган бир нечта чиркин фикрли шахслар барбод бериши ҳам мумкин. Тарки одат — амри маҳол. Эскича фикрлашга ўрганиб қолган калондимоғ одамнинг ўз-ўзини қайта қуриши, янги давр тафаккурига кўникиши қийин. Бир хил ишларни кўриб, тонг қолсан киши: баъзан чумчуқни тўлдан ўққа тутаётганга ўхшаймиз.

Йўлингиз тушган бўлса, Водомзор даҳасида бир кўча деворида ўқийсиз: «Рижский кўчаси. Улица Рижская». Шу атрофда яшаётган одамлардан сўрасангиз, бу нималгини кўпчилик билмайди. Тушунтирасиз: Латвия пойтахти Рига шаҳрининг номи...

Авалло, суҳбатдошингиз сиздан шу заҳоти сўрайди:

— Ригада ҳам «Тошкент» кўчаси борми? Елка қисасиз...

Дарҳақиқат, бундай «майда» нарсаларни ўйлаб кўриш керак. Майли, гап ҳозир бунда эмас. Вугун бўлмаса, эрта бўлар, дейлик. Аммо шартмикан бу сингари номларни икки тилда бериш? Ҳамоки Рига ҳақида гап бораркан, балки уч тилда — лотин ёзувида лотиш тилида ҳам ёзиб кўярмиз? Ким билсин, замони келиб, бу кўча-кўйдан бирон лотиш ҳам ўтиб қолар? Кўнгли ранжиса-я!..

Уша Водомзордаги «Рижский» кўчасидан эниб, шундоқ... «Боксёр» кўчаси. Улица Боксёрская»га ўтасиз. Шу атрофда биронта ҳам боксчи йўқлигини кўя турайлик. Агар спортнинг бу турига жудаям қизиқувчилар шундай номга орзуманд бўлсалар, уни ўзбек тилида ёзиб кўя қолса бўлмайми? Ҳозирги ўзбек ёзуви араб ёки лотин алифбосига асосланмаган ёхуд биз минглаб жимжимадор иероглифлардан фойдаланмаймизки, бошқа миллат кишилари битгимизни тушунмаса... Икки тиллилик, уч тиллиликни бундай тушуниш ё гирт саводсизлик, ё бўлмаса одамларда норозилик туғдириш, омма ўртасида майда нарсадан йирик галва чиқариш учун қасддан қилинаётган иш.

Хуллас, бизда, кенг маънода номлар, атамалар, широбозлик масаласида сон-саноксиз мантисқизилдиклар борки, уларни пайсалга солмай дарҳол тузатиш лозим. Катта ёнгинлар, аксарият, майда учқундан чиқишини унутмайлик.

Жумҳуриятимиз давлат тили ҳақидаги қонуннинг 24-моддасида ёзилган: «Ўзбекистон ССРдаги шахарлар, қишлоқлар, майдонлар, кўчалар, бекатлар, тарихий обидалар ва бошқа жўғрофий-худудий ўринларнинг номлари ягона миллий шаклда берилади ва республика давлат тилида ёзилади».

Хўш, нега бу модда кучга қирмаепти бўлмаса? Наҳотки қонунлар шу қонунларни бузиш ёки четлаб ўтиш учун қабул қилинса? Ҳамма гап шунда. Ўзбошимчилик билан қилинган ҳар қандай хатги-ҳаракат бебошлик ва қонунбузарлик деб қаралиши, айбдор шахслар жавобгарликка тортилиши, беҳуда сарфланган катта ҳаражатлар улардан ундириб олиниши зарур.

Дарвоқе, қонуннинг ўзи ҳақида. Бу дастурга амал қилганда унинг ўзбекча матнини асос қилиб олиш керакми ёки русча матнини? Буларнинг қайси бири — асл нусхаю (оригинал), қай бири — таржима?

Буни аниқлашнинг аҳамияти бормикан? Масала шундаки, бу икки матн бир-бирига мазмунан тўла муқобил эмас.

Биринчидан, мазкур қонун лойиҳасини тузиш ва унинг қўлимиздаги нашр нусхаси билан танишиш давомида шу нарса аниқландики, ўзбек тили Шўролар ҳокимияти даврида мислсиз раванқ топиб, «ундоқ» бўлиб кетди, «бундоқ» бўлиб кетди, деган гапларимиз аксарият, ноўрин мажоз, мавҳум ташбеҳларга айлиниб қолган экан.

Поғоҳонда аччиқ бир ҳақиқат маълум бўлди: Шўро даврида тилимиз шунчалик «бойиб» кетган эканки, бугунга келиб юзлаб, минглаб энг оддий нарса ва ҳодисаларни қандай аташни билмай, мангалайимизни қашиб ўтирибмиз. Мана сизга турли-туман сиёсий-ижтимоий аңжуманлар, маърузалар, тил дарсликларида кўқларга кўтариб мақталган ўзбек тилининг бугунги аҳволи. Хўш, нега бундай бўлди? Наҳотки тилимиз, чиндан ҳам, шунчалик ночор бўлса? Йўқ, ўзбек тили ночор эмас, балки у лугат, сўзларнинг ифодавий маънолари, хусусан атамачиликда қашшоқ ҳолга солиб қўйилган.

Катта бир йигинда жумҳурият президенти ўртоқ Ислом Каримов ўзбекларнинг ўз тилида бемалол, мусаффо гапира олмасликлари, гапни «мошқичири» қилиб юборишларидан ранжиб гапирди. «Тилшунос олимларимиздан бўлак ҳеч ким ўз тилида тўғри, бурро гапиролмайди», — деди у.

Кожкиди! Агар айнан тилшунос олимларимизнинг дарсларига кириб, уларнинг илмий маърузаларини бир тингласайдингиз. Атоқли тилшуносларимизнинг ўнлаб дарслик ва илмий китобларини лоақал варақлаб қарасайдингиз!..

Тилшунос муаллимларимиз ўз талабалари миёсининг мағзи-мағзига сингдириб юборганларки, агар бирон сўз оврупо манбаидан олинган бўлса бу «янгилик», бинобарин, тилимизни бойитади. Башарти, араб ёки форс, мўғул ёки хитой, хинд ёхуд усмонли турк сўзлари бўлса, бу «эскилик», «сарқит», гўё ортга қайтиш бўлиб, тилимизни булгар эмши!

Турган гап, ҳар бир янги тушунчани ифодаловчи сўзни рус тилидан шундоққина олиб кўя қолишдан осон иш йўқ. Вироқ бундай майл тилни бойитишга эмас, балки охириқабатда уни қуриштишга маҳкум этиши билан тил олимларининг иши йўқ.



Ўғри, лугавий-маъновий бисот масаласида Оврупо манбаларини зич берки-тиб, бундан кейин фақат шарққа юз буришиш керак, демоқчи эмасмиз. Бу эллигинчи йилларда ва ундан кейинги даврда авж олган зарарли саъй-ҳаракатнинг акси ўлароқ, бошқа бирёқламаликни келтириб чиқаган бўлар эди. Визнингча, янги тушунчани ифодалайдиган сўз қабул қилишда асосий мезон айна сўзнинг янгилиги ёки эскилигидан кўра (умуман, «яқши» ёки «ёмон» сўзлар бўлмайди!), балки ўша нарса тушунчаларни ифодалайдиган атамалар азалдан тилимизда бўлган-бўлмаганига қараб белгиланмоғи даркор.

Амалий қулайлик тарафидан олиб қаралса, фақат соф русча атамаларгина эмас, балки барча оврупоча сўзларни ҳам (инглиз, олмон, фаранг, испан...) русча мақомда қабул қилишдан яқшиши йўқ. Вироқ даҳшатли фалокат шундаки, бундай «қулайлик» тилнинг ижодий яратувчилик илдизларини қурилади. (Бунга иқдор бўлиш учун Алишер Навоий асарларининг лугатлари билан ҳозирги ўзбек адабий тилининг икки жиғдди изоҳли лугати ҳамда мавжуд янги икки тили лугатларимизни чоғиштириб кўришининг ўзи кифоя.)

Биринчи галда тилининг ўз тарихий имкониятлари ишга солинса-чи? Бирдан-бир тўғ-

ри йўл шу. Аммо бу анча серташвиш, ноўнғай иш. Душворлик шундаки, бунинг учун минг йиллик ўз тарихий, адабий, илмий манбаларимизни билиш, қидириш, улардан керакли истилоҳларни топиш, ҳозирги ҳаётга мослаштириш талаб қилинади. Жуда кўп нарсаларни тилимизнинг турли бой шева-ларидан ёнқи бошқа, биринчи галда қардош туркий тиллардан олиш ва, ниҳоят, янги сўз ясаш ҳам мумкин.

САМОЛЕТ сўзи даставвал «ўзиучар» деб қўлланган эди. Биз бундай урнинишларни олтиш йил давомида масхаралаб келдик. Хўш, САМОЛЕТ рус тилининг ўзига, яъни асл манбада — «ўзиучар» бўлмай нима?! Бундай ўйлаб қаралса, русча номлини ҳам сунъий. Демак, ҳамма нарса кўникишга боғлиқ.

Келинг, ўзимизнинг «ўзиучар»ни сунъий ҳам дейлик. Араблар ва озарбойжонлар САМОЛЕТни — «тайёра», УЧУВЧИНИ эса «тайир» деб атайдилар. Турклар «уҷақ» деб олган. Дарвоқе «тайр» сўзининг ҳар иккала маъноси ҳам Навоийда бор: 1. Учиш; 2. Қуш. «Тайрон» — учиб, парвоз.

Бас, ҳозирги тилчиларимиз бизда йўқ деб рўқаб қилаётган минг-минглаб сўзлар ўзбек тилида йўқ эмас, бор! Фақат уларни бизнинг бугунги билан олимларимиз... билмайдилар. Сўраб-суриштириш, қидиришга тоқталари йўқ.

Хуллас, ўзбек тилчилигида русларга рўйроқ тақлидчилик, кўчирмачилик, шаклбозлик, фикрий ялқовлик чуқур илдири отиб кетди. Гарчи тил, расман, синфий ҳодиса эмас, деб эътироф қилинган бўлса-да, амалда уни нафақат синфий ёки фирқавий манфаат, кўпинча хатто айрим биқик илмий гуруҳлар, хатто шахсларнинг «назарий» андазаларига тикилтиришга ҳаракат қилинди. Матбуот, радио, ойинаи жаҳон, таълим-тарбия, баддий адабиёт тилининг лугати ҳам исканжага олинди.

Биз лисоний билим, саводхонлик, лугат, атамачилик соҳаларида совет даврида ёзилган ва чоп этилган барча дарслик, қўлланма, назарий ақидалар ҳамда лугат, билгич ва қомусларни тамоман янгидан, қайта қараб чиқмасак бўлмайди. Бу жуда оғир иш, албатта. Кечаги кун билан яшаб келган, турғунлик гирдобиди қотиб қолган, сохта, уйдирма тасаввурлар суяк-суягига сингиб кетган бир гала васқали олимлар бу фикрга тиш-тирноқлари билан қарши чиқишлари тайин. (Чунки улар-синадилар-да!) Аммо бошқа илож йўқ. Акс ҳолда давлат тили ҳақидаги гаплар гапличига қолиб кетади. Вассалом.

* * *

Мазкур қонун матнини тайёрлаш ишлари бир неча босқичда амалга оширилди. Уни тайёрлашда жуда кўп мутахассислар: адиблар, тилшунослар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, сиёсатдонлар, таржимонлар иштирок этишди. Умуман олганда, қонуннинг ҳозирги нашр нусхаси фақат мазмун тарафидангина эмас, балки лисоний-ифодавий баён маъносиди ҳам олдинги лойиҳаларга қараганда, нисбатан, хийла пухта ва мукаммал.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида байналмилал арабча бўлганлиги учун, «аскирган» деган ишора билан — ИНТЕРНАЦИОНАЛ сўзига ҳавола қилинган эди. Қонунда кейинги вақтларда матбуотда кенг қўлланилаётган ўша ўзимизнинг бисот — байналмилал олинган. Шунингдек, изоҳли лугатнинг «тавсия»ларига зид ўлароқ, «статус» — мақом, «территория» маънога қараб, ХУДУД (майдон) ва ЗАМИН, «бюллетень» — даврий хабарнома деб берилган. Тўғри-да. Давлат тили ҳақида эълон қилинаётган қонун ҳеч бўлмаса ўз-ўзини мазмун ва маъно жиҳатдан соф тилда ифодалай олсин. Акс ҳолда, давлат тилининг давлат тили эканлиги-ю, қонуннинг қонунлиги қаёқда қолади!

Дунёда барча томонлар, фуқаронинг ҳамма тоифалари манфаатларига тўла-тўқис, юз фоиз жавоб берадиган қонуннинг ўзи йўқ аслида. Вироқ ҳар қандай қонун олдиға кў-

Ғазаллар

Дилимни забт этар дилдора қизлар
Нечук қилди ани садпора қизлар

Дилим яшнар мени гулшан мисоли
Назар қилган эди бир бора қизлар

Унутмасман сира то танда жон бор
Эл ичра гул каби гулдора қизлар

Зухра бирла дилдора дилбари шўх
Дилоромхон ўзи рухсора қизлар

Юзи гул сарви қомат сочи сунбул
Кўзи оху каби хушера қизлар

Эсимдан чикди неча борлигим ҳам
Хумор этган экан хумора қизлар

Тиним билмас дилим бир он на қилгум
Ажаб сайёраман, сайёра қизлар

Расулий дардига бир чора борми
Унинг бу дардига сиз чора, қизлар.



Бўлмагай

Ҳар кишининг фикру ёди бойлигу зар бўлмагай,
Бўлаким елган ҳавода учгучи пар бўлмагай.

Ҳийматин тенг айлабон балчиққа хирсу нафе учун,
Тентираб ҳар кўча-кўйда ханграган ҳар бўлмагай.

Сўзлаган чоғда сўзи ҳар бир юракни қиймалаб,
Бесуяк қирмиз забони худди ханжар бўлмагай.

Жаҳлидан ҳаттоки дўстни кўкрагига ниш уриб
Феълу атвори чиёнларга баробар бўлмагай.

Юзда кулгиси сероб лек, дилда захри беҳисоб,
Енига ким келса «ҳап» тишловчи хумпар бўлмагай.

У бахилнинг бўйнидан қил бирла боғлаб — кўпчилик,
Оқибат тошга чунон бурнини ишқар бўлмагай.

Ушбу пандимни, биродар, ос қулоққа ҳалқадек,
Эй Расулий, тўғри юрган кимса мустар бўлмагай.

йилладиган бош талаб шуки, у барча томонларни ҳисобга олган, уларга зиён-заҳмат етказмаган ҳолда, кўпчиликнинг манфаатини ифодалашчи лозим.

Лисоний қонунимизнинг бош камчилиги шундаки, унда аниқлик етишмайди. Бошқача айтганда, бир моддада ифодаланган фикрни бошқаси инкор этадиган ёки ҳар ким ўзича тушунадиган дудмал ўринлар учрайди. Саккизинчи моддада ўқиймиз: «...Республикадан ташқарига жўнатиладиган ҳисобот ва молия ҳужжатлари... рус тилида ёки тегишли томонга мақбул тилда ёзилади». («Отчетные и финансовые документы, предназначенные для отправления за пределы республики, ведутся на русском языке и на приемлемом для другой стороны языке»).

Икки «арзиманган» унсур: ёки билан и (ва) тенг қийматли муқобил эмас. Ўзбекча «матнга кўра, мазкур ҳужжатлар рус тилида тузилиши ёки тузилмаслиги ҳам мумкин. Русчада эса бундай ҳужжатлар рус тилида ҳам тузилиши шарт қилиб қўйилган.

Қай бирига ишонши керак? Буни ҳар ким (ўзбек ёки гаيري ўзбек, рус ёки гаيري рус) ўзича тушунади ва, шунга кўра, ўзича ҳаракат қилади. Бу томонлар ўртасида жиддий ихтилоф келтириб чиқариши аниқ.

Учинчи моддада ўқиймиз: «Ўзбекистон ССРда яшайдиган ҳар бир шахснинг давлат, жамоат идоралари ва ташкилотларига иш юзасидан тақлиф, ариза ҳамда шикоят билан давлат тилида муурожаат этиш ва жавоблар олиш ҳуқуқи таъминланади».

Жуда муҳим гап. Демак, ҳар бир шахс давлат тилида МУРОЖААТ этиш ҳуқуқига эга. Лекин ЖАВОБНИ қайси тилда олади?! Бу ерда «...давлат тилида муурожаат этиш ва давлат тилида жавоблар олиш ҳуқуқи...» деб таъкидлаш зарур эди. Таъкидланмаса ҳам фикр жумланнинг маъзидан англашилиб турибди, деб эътироз билдиришлари мумкин. Йўқ, қонунда муҳим ёки номумкин нарса бўлмайди. Бу ерда эса назик масала ҳақида гап бормоқда. Дарвоқе, русча нашрда фикр равшан ифодаланган.

Тўртинчи модданинг ўзбекча талқинида ҳам жиддий қусур бор. Қийёсланг: «Руководители и работники органов государственной власти и управления, работающие в Узбекской ССР, должны знать государственный язык республики в достаточной мере для выполнения своих служебных обязанностей». Ўзбек тилида: «Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат ваифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт».

Ўзбекча нашр талабига кўра, муассасаларнинг раҳбарларига давлат тилини билсалар кифоя. Чунончи, бир корхонада беш минг

киши хизмат қилса, шулардан нари борганда беш-олтита раҳбарий лавозимда турганлар ўзбекча билсалар бас. Бошқа хизматчиларнинг билишлари шарт эмас. Русча наприда «раҳбарлар ва хизматчилар» («руководители и работники») деб аниқ-таниқ айтилган. Бундай икки хил ифода чигал муаммони баттар чувалаштиради. Буни ҳам русча талқин асосида тузатиш зарур.

Ун еттинчи модданинг мазмуни жуда ҳайратомуз: «Ўзбекистон ССР республика давлат тилида, шунингдек миллатлараро муомала тилида дарсликлар, ўқув-методик ва илмий-техник адабиётлар нашр этилишини таъминлайди».

Ўзбекистон ССРда бошқа республикалар билан муайян шартномалар тузган ёки келишган ҳолда рус, қорақалпоқ, тожик, қozoқ, киргиз, туркман ва бошқа тилларда ўқитиладиган мактаблар дарсликлар, ўқув-методик, бадийи ва илмий-техник адабиётлар билан таъминланади. Шунингдек, қардош республикаларда яшаётган ўқув-методик ўзбек тилидаги ўқув-методик, бадийи ва илмий-техник адабиётлар билан таъминлайди...»

Русча нашрда турли-туман тилларда chop этиладиган бу сон-санокис китоблар «Ўзбекистон жумҳурияти ҳисобидан» амалга оширилиши алоҳида қилиб кўрсатиб ўтилган. Жуда назик ва қалтис «ҳийлаи шаръий». Мана шу кичкинагина «қистирма» ўзбек тили ҳақидаги барча рамҳўрликларга, хусусан «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» деган биринчи модданинг ўзига ҳам соя ташлайди.

Авалло, юқоридаги мажбуриятларни бажариш учун сувис ҳам салмоғи камайиб кетган ўзбек тилида chop этилаётган дарсликлар ва бошқа адабиётлар миқдори ҳажмининг янада...қисқартиришга тўғри келади! Бу ёқда қозoқ танқислиги йилдан-йилга ошиб бораётган бўлса. Жумҳуриятимиз ўзининг қозoқ сановатига эга бўлмаса. Қозoқ тақсимида биз қулоқ бошида эмасмиз-ку. Бу қандай «валломатлик» бўлдийкин? Балким тўқсонинчи йилдан бошлаб юртимизга ажратиладиган қозoқ ҳажми бен-олти баравар ошар? О, ошганда қандoқ: қозoқни харид қилиш баҳоси уч-тўрт баравар ошди!

Шубҳасиз, шукроналик билан қайд этиш керакки, ўзбек тилининг давлат тили эканлигини эътироф этадиган қонун қабул қилинди. Бу биринчи қадам. Аммо мазкур ҳужжатнинг зиддиятли, чалғитувчи, баъзан соғлом мантқ билан тўлдиришга ва асосланга муҳтож ўринларини хушёр кўз билан қараб чиқиб, айнақса, русча ва ўзбекча матлаблар бир-бирига мувофиқлаштириб, истилоҳ ва услуб ноизлаллигини бартафат этган ҳолда қайта ишланадиган жиҳатлари йўқ

эмас. Бу билан биз давлат тили масаласида янги шовқинли баҳсларга асло даъват этмоқчи эмасмиз. Муддао шуки, ҳар икки тилдаги матида шундоқ юзада кўриниб турган нуқсонларни тузатиш шарт. Чунки бу энди лойиҳа ёки қандайдир вақтинча «битишув» эмас, балки қонундир. Қонун қонундай бўлиши керак.

Ўйлаб қолсан-да киши. Жуда кўп олимларимиз аҳли ҳуқуқо ва аҳли фузало, ўзбек тилида фикрламайди ва ёзмайди. «Китобий одамлар» бўлиб қолишган. Мутахассислар: муҳандисдан тортиб табобат аҳлигача, мол дўхтирдан тортиб учувчигача, шифокордан тортиб санъаткоргача, аксарият, ўз она тилини дуруст билмайди. Начора, булар шундай таълим олган, шундай муҳитда яшаган ва хизмат қилган. Ваъзи адабларимизнинг асарлари ҳам ойнома «шевасида» ёзилади-ю... Узгалардан гинахонлик қилмаса ҳам бўлади.

Алам қиладиган жойи бошқа ёқда. Баъзан ҳар хил маърака, тўй-издиҳом, курултой ва бошқа йигинларда меҳнат аҳли, ишчилар, оддий деҳқонлар, қолхоқ раисларнинг ҳам гаплари, маърузаларини тинглаб ёқа ушлайсан киши. Ўзбекнинг ўзидай пурмаъно, жайдари, тиниқ, жонли тили қани? Улар ҳам тобора «сиполашиб» бормоқда. Иккита ўзбекча қалима орасида, «ярашиқ» учунми ёки хунук одат бўлиб қолганми, учта русча сўзини қўшиб юборишди! Нима бўлаётир ўзи?..

Ўзбек тилининг мавқеини бутун чоралар билан кўтариш, нуқт маданиятини парвариш қилишимиз керак. Бузис бошқа миллат кишиларининг ўзбек тилини ўрганишига эришиш у ёқда турсин, шу кетишда ўзимиз тилимизни ютиб юбормасак ҳам майлийди.

Иттифоқ ва хорижда рус тилининг кенг тарқалиши тажрибасидан ўрганадиган нарсаларимиз кўп. Биз лоақал давлат тили мақомига эришган ўзбек тилимизни ўз юртимизда муносиб бир тарзда барқарорлаштира оласак, катта гап бўларди. Қандай қилиб? Уша гап — гап. Тилин калтаклаб ўргатиш сиёсати кетмайди. Бу яхши оқибатга олиб келмаслигини ҳаёт ўзи кўрсатди.

Мана, давлат тили ҳақида ҳийла мақбул қонун ҳам қабул қилинди. Эндиги ишимиз — ҳаётда, оилада, жамоат йигинларида, матбуот, нашриёт, радио, ойнаи жаҳон, кино, мактаб, олий ўқув юртлари, давлат муассасалари ва корхоналарда унинг обрў-эътиборини, нуфузини ҳуқуқ-тартибот асосида қатъият билан ошириш, қўлланиш доирасини мунтазам кенгайтириб бориш зарур.

Аке ҳолда, ҳозир қабул қилиб ўтирганимизга ўхшаш яна ўнта қонун ҳам наф қилмайди...

К

арим ака велосипедда Каттакўрғон туманидаги ҳамма қишлоқларни кезиб чиққан. Каттамингдан Андоққача, Мойбулоқдан Чувиллоққача бир эмас, кўп марта қатнаган. Барча хонадон ва мактабларга кирган. Сурат олиб, меҳмон бўлган. Шунинг учун номи «Карим расмчи» бўлиб кетган.

Карим ака асли ўқитувчи. Самарқанд дорилфунунини битириб ёшларга илм ўргатди. Ўзбекистон ва Тожикистон халқ маорифи аълочиси унвонларига эга бўлди. Ёшлигидан суратчиликка қизиқарди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. Ун икки фарзанди бор. Оила тебратишга маоши етмасди. Суратчиликни билгани қўл келиб, кўшимча даромад топа бошлади. Велосипед сотиб олди. Дарсдан кейин, ҳордик кунлари узоқ қишлоқларга қатнаб хоҳловчиларни суратга туширарди. Меҳнатинг айби йўқ. Уғирлик айб, порахўрлик айб.

Кўп қишлоқларда суратхона йўқ. Эсдалик учун суратга тушишни истаган ўқувчилар, ёшлар, болаларини, ота-оналарни суратга туширишни истовчилар кўп. Карим ака қаерга бормасин қўлма-қўл бўлиб кетарди, кувноқлиги, хуш муомаласи ҳаммага ёқарди.

Ёши улғайиб, қариллик нафақасига чиқди. Ғайратли одам бекор ўтиролмайдди. Маиший хизмат кўрсатиш идорасига кирди. Энди суратчилик унинг асосий иши бўлиб қолди.

Бир куни қайсидир қишлоққа бориб, жанозанинг устидан чиқиб қолди. Жаноза ўқийдиган одам излаб иккита қишлоққа хабарчи юборибди. Икковиям куруқ келгач, ҳайрон бўлиб: «Ҳой, Тошмат, фалончига айт. Мошини билан Пайшанбига бориб, битта мулло топиб келсин. Узинг бирга бор. Тез бўл...» деб туришганда Карим ака келиб қолади. Чопон, дўппи кийиб, белларини боғлаб олган тўрт-беш одам Карим ака ёнига келди. Бири велосипеди жиловини ушлади.

— Карим ака, Қуръон ўқишни биласизми? — деди бири хомуш.

— Биламан.

— Хайрият! Бу ёққа юринг...

Масала ҳал бўлди. Карим ака шу куни сурат олмади. Кун бўйи қирорат қилиб, дуои-фотиҳа ўқиб ўтирди. Шунда гап орасида дин йўқолиб бораётгани, инқилобни кўрган кексалар ўтиб, эски китобларни ўқийдиган, қуръонни биладиган одам қолмагани ҳақида афсусланиб сўзладилар. Коммунистик ахлоқ, байналимал тарбия, даҳрийлик тарғиботи ҳақида ўкинч билан эсладилар. Бу гапларга зиёлилар, колхоз раҳбарлари чурқ этиб кўшилишмасди. Чунки яқинда Тошкентда катта йиғин бўлиб, динга қарши кескин кураш бошлангани, отаси ўлганда жаноза ўқитган қайсидир академик партиядан ўчирилгани ҳақида эшитган эдилар. Лекин чапани тирактирчи билан молбоқарга барибди эди. Шунинг учун юрагидека борини айтиб, Карим акага қарар: «Маллим, гапим тўғрими? Нимага энди мусулмон одам жанозасиз кўмилиши керак!» дерди хунуб бўлиб.

Шу куни қишлоқ оқсоқоллари

КЎНГИЛ ЖАРОҲАТИ

Маъруф ЖАЛИЛ

Карим акадан ёшларга қуръон оятларидан ўргатишни илтимос қилишди. Уларни ҳам ўрганмоқчи эканликларини айтишди. Ёшлар у ёқда турсин, 50—60 ёшли одамлар ҳам ота-боболари имон келтирган дин ҳақида жуда саёз, юзаки тасаввурга эга эди. Карим ака рози бўлди. Ичидека кувониб қўйди. Лекин вазият жуда оғир эди. Чунки Ўзбекистон Компартияси динга қарши аёвсиз ташвиқот олиб борар, вилоят туманларга ҳам шундай топшириқ берилганди. Фақат ташвиқот эмас, мачитлар, мақбаралар бузилиб, қабристондаги эскича ёзувлар қириб ташланмоқда эди. Халқ бундан ғазабланар, лекин бош кўтарашга журъат қиломасди.

Карим ака қандай қилиб ёрдам беришни ўйлади. Охири йўлини топди. «Ҳафтияк»ни ҳозирги рус ёзувида оққа кўчирди ва ҳар бетини суратга тушириб, китобчалар қилди. Уларни сўраган одамларга тарқата бошлади. Биров ўн сўм, биров йигирма сўм берарди. Одамлар хурсанд бўлиб Карим акани дуо қилар, узоқ умр, соғлиқ тилар, худо балолардан асрасин, деяр эди.

Аммо ҳамма ҳам ўз халқи фойдасини, келажакни ўйламайдди. Сотқин, ғаламис, калтабин одамлар ҳаммаша топилади.

1985 йил ёзи. Дарвоза тақиллади. Икки, уч марта. Карим ака ичкаридан чиқди. Ташқарида икки киши турарди. Биттасини таниди. Чўянчи қишлоғидан. Иккинчиси: — Ман Нарпай районидан келдим. Ҳалиги китобчадан борми? Битта берсангиз, — деди.

Карим ака «хўп» деди. Бирига русча ҳарфдаги «Ҳафтияк», бирига араб ёзувидаги «Нурнома» китобчасини чиқариб берди. Улар 20 сўмдан тўлаб, раҳмат айтиб йўллари кетдилар. Лекин кўп ўтмай миршаб билан қайтиб келишди.

Карим аканинг уйи тинтув қилинди. Кўпдан бери йиғиб юрган араб ёзувидаги ноёб китоблар, сурат аппарати, тасмалар олиб кетилди. Карим ака устидан жиноий иш кўзга тилди. Қишлоқдан ташқари чиқмаслик ҳақида тилхат олинди.

Сарсон-саргардонлик бошланди. Ҳар куни миршабхонага чақиришди. Карим акани мяхсара қилгандай, эшик олдидаги уриндикка ўтириб туриш, мен ҳозир келаман,

деб чиқиб кетади. Соатлар ўтади. Миршаблар, турли одамлар ҳожат билан келади. Карим ака билан кўришиб: «Ҳа, домла, нима қилиб ўтирибсиз? Тинчликми?» дейди. Карим ака ҳижолат бўлади. 40-45 йил ўқитувчилик қилган. Пайшанбада ҳамма танийди. Шу милиционерлар ҳам Карим аканинг қўлида ўқиган.

Ҳар куни шу аҳвол.

Каттакўрғон тумани прокурори вазифасини бажарувчи Ш. Жаҳонгиров жиноий иш кўзгади. Тергов бошланди. Қанча одамлар ишдан қолдирилиб, қақириб суроқ қилинди. Карим ака ҳақиқатан диний китобларни кўпайтириб тарқатган. Шуларга асосан Ўзбекистон жиноят кодекси 147-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноят содир бўлгани тасдиқланди. Карим Ҳамидуллаевни етти йиллик қамоқ жазоси кутарди.

Суд диний китоб тайёрлаб сотгани учун К.Ҳамидуллаевни икки йил озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Яши одамлар қараб турмадилар, Карим аканинг илгари жиноят қилмаганлиги. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бўлгани, ҳалол яшаган

ни, жамоатчилик фикрини ҳисобга олган суд ҳайъати ҳукм ижросини икки йилга кечиктирди. Лекин берухсат қишлоқдан чиқмаслик ҳақида тилхат олди. Бу Карим ака юрагидека ҳамон тузалмай, азоб бериб келаётган жароҳат ўкинчидир.

Аммо қайта қуриш, ошкоралик, хурриятлаштириш даври бошланиб қолди. Ҳали халқ қатағонлар, турғунлик даври таъсирида кўрқиб яшарди. Орадан йиллар ўтди. Дин эркинлиги ҳақида қонун чиқди. Мачит, мадрасалар диндорлар ихтиёрига берилди. Янги мачитлар қурилди, яна қурилмоқда.

Энди ўша воқеаларни эсласам, кулгим кистайди. Яқин беш-олти йил бурун шундай воқеалар бўлганига ҳайрон қолади киши. Шунинг учун ҳам ёздам. Калтабин, салласини ол деса калласини оладиган одамлар ҳали йўқолиб кетгани йўқ. Фақат ўзини ўзгартириб, қайта қурувчилар сафига ўтиб оlishган. Бундай одамлардан эҳтиёт бўлинг!


Улар ҳозир ҳам бор.

Мактабларда эски ўзбек ёзувини ўрганишга йўл қўймаётган, мачитларга болалар қатнашига қарши чиқарганлар ўша диёнатсизлардир.



Ўригидан данаги ширин, данагидан мағизи ширин, деганлари шу экан-да!

Сураткаш Р. Нуриноев



Асад АСИЛОВ



Ҳикоя

Ё

нбошида ўйнаб ўтирган неварасининг нақ қулоғи тагида қичқириб юбориши хаёл оғушида мудраётган Тўра бобо-ни ағдариб тушираёзди.

— Қарасангиз-чи, адам на-рякка ўтиб кетди! — дея чолни турткилади эғнида иштонча-сидан бўлак ҳеч нимаси йўқ қоп-қора бола-кай. — Мошинасида кўмир олкетти, қараб ту-ринг, ҳозир қайтиб келади...

«Е парвардигор, нечук бу лаънатининг гапи рост! Ишқилиб адашмаган бўлсин, жувонмарг! Кўзим тиригида қўлига топширай мановиларини...»

Бирор соат ўтар-ўтмас невара бобосини тағин турткилади:

— Бува, ана, ана адам қайтиб кевотти!

— Тўхтат, нағлатини! Йўлига чиқиб ётвол дарров! — хирилдоқ овоз билан бақирди чол. Аммо шу заҳоти боланинг қўлидан маҳкам тутди. — Шошма, яна мошининг тагида қо-либ кетма. Қон қусгурнинг ўзи тўхтар...

Кўзивой тўхтамади, бобо билан неварани чанг-тўзонга қорилтириб, «МАЗ»ни ўки-ртирганча ўтиб кетди.

— Адам!.. Адам кетиб қолди-ку! — чинқи-риб йиғлади бола. Кейин муштчалари билан бобосининг елкасию боши аралаш савалай бошлади. — Сиз ушлаб қолмагангизда тўх-татариديم!.. Йўлига ётволаридим!..

Тўра бобо кўча дарвоза биқинидаги лой-супада қибла томон юз тутиб ўтирар эди. Куйёш аста-секин фарбга тушиб борар, унинг ўткир нурлари чолнинг қоратўри, серсоқол юзига тик қадаларди. Чол бунга бепарво, неварасининг мушт туширишларини ҳам сез-маётгандек.

— Сиз, сиз тўхтаттирмадингиз, — ҳамон хархаша қиларди невара бобосини бетиним бурта-турта. Неварасининг оху ноласи таъсир қилдими ёки ўзининг ҳамияти кўзиб кетди-ми, ниҳоят, қариянинг қалин лаблари ҳара-катга келди.

— Кўмир ташиб сотсанг, бошқа қишлоқ қуриб кетмаганиди-ку, оқпадар! — деди у ўз-ўзига гапирётгандек. — Жа, қиморинг кистаб, бу ерга олпеганакансан, нариги кў-чадан кетовурсанг кавушинга қор тушарми-ди, ҳароми! Маннинг-ку итчалик қадрим йўқ, манови зинҳорини қон йиғлатганинг нимаси? Эй худо, қай ёзгинг боридики...

Шундай деди-ю, чолнинг оғзиди-оғзида, бўғзидаги-бўғзида тўхтаб қолди. Қалт-қалт титраб турувчи қўллари билан бошини му-дом пана қилаверадиган раҳматли отасининг бутун қиёфаси кўз олдига жон-ланди. Эси кирарли-чиқарли аҳволга тушган

муштдеккина чол тек ётмас, суйкана-суйкана эшик сари силжийверарди. Шунинг устига келиб қолган Туравой уни гоҳ суд-раб, гоҳ қўлтигидан даст қўтариб олиб ки-рарди-да, хонанинг тўридаги ҳидланиб кет-ган тўшакка улоқтириб юборарди. Шунда ҳам отаси қарғамасди-ю, яккаш: «Жон болам, айланай болам, урмагин, урмай кўя қол-гин...» — деб фиғон қиларди, холос. Фақат ҳаётининг сўнги кунинда гурсиллаб тўшакка тушган қариянинг жон-жонидан оғриқ ўтиб кетди шекилли, йиғлаб туриб: «Вой золим-ей, болангдан қайтсин-а!» деб юборди беихти-ёр. Мана, боласи тугул неварасидан ҳам қайтиб турибди. Зиғирдек боши билан бобо-сининг елкасига бетиним муштлашлари, қайт-гани эмасми ахир!?

Бу кўргулик авлодга илгаридан қолиб ке-таётган мерос эди. Юзига айтишмаса-да, орқаваротдан чолнинг қулоғига чалинган. Тўра бобонинг бобоси бир кунни ўз отасини куппа-кундузи катта кўчада бақир-тириб савалаётган экан. Бундай бедодликини кўриб ғазабланган ҳамқишлоқлар оқпадар ўғилнинг таъзирини бериб қўйиш учун югу-ришибди. Калтакланаётган чол эса одамлар-ни жон-жаҳди билан қайтариб дебди:

— Кўяверинглар... Мен ҳам отамни ҳар кунни шу тахлитда савалардим.

— Қай ёзгингиз учун? — сўрашибди одамлар.

— Пул керак-да. Қимори кистаб турган ўғилнинг кўзига ота кўринармиди!?

Бу иқроор қаршисида ҳамма лол қолиб, жимгина тарқалиб кетишган экан.

Аммо Тўра бобо такдирга тан беролмади. Утирган ўрнида оғир ингранди-да:

— Худо боракан, манга боламдан, нава-рамдан қайтиб турибди. Сан оқпадарга шуниям раво кўрмасин, илоё жувонмарг бул, бола-чақайминан қирил, овмин! — деб бетига терс фотиҳа тортиб юборди...

Нарирокдан ўтиб бораётган икки қария қора қарғишни эшитишса-да, унчалик ажабланишмади.

— Бу имонсининг оғзидан нуқул шунақа гап чиқади ўзи, — деди улардан бири.

— Шунданам юртга қўшилолмайди-да, қарғишинг ўзинга ургур, — улаб қўйди ик-кинчиси. — Бироқ ёмондан ўлимма қочиб юраракан, қарғишям болалари, наварала-рига уриб кетаяпти.

— Э, нимасини айтасиз, икки тўнғичининг умрини еб битирди бу тўнғиз кўпгур! — гап-ни илиб олди аввалги чол. — Бурноғи йил, хабарингиз бор, катта наварасиям тўсатдан нобуд бўлди. Фотиҳага бориб-қайтишимда тасалли бермоқ ниятида кўнгли сўрасам:

«Қайтанга яхши-да, ман борганимда йўлим-га пешвоз чиқиб кутволади, қўлимга сув қуйиб туради!» дейди-я! Қандоқ тили бор-ганига ҳайронман. Кенжасиям бекордан-бе-кор кетиб қолгани йўқ. Қулоғининг тинчини кўзлаб, бир эрсиз аёлминан топиш-волган дейишади. Қийин-қийин, шўринг қурғур келини Насибга қийин бўлди-да...

К

ўзвий ишдан қайтганда Раи-са кўпинча уйда бўларди-ю, қаравотдами, айвондами де-ярли қип-яланғоч ҳолда ух-лаб ётарди. Йигит эшикни шарпасизгина очиб кирарди-да, аёлнинг ҳар жиҳатдан тў-кис баданига еб қўйгудек ти-килиб қоларди. Қўлларини белига тираб об-дан тикилиб тургач, секин ортига бурилиб ваннахонага ўтиб кетарди. Бир гал ўзини тутолмай, кира солиб ташланган эди, шунақаям таъзирини едики, чап бетидан ҳали-ҳануз тарсаки зарби кетмайди. Бензин ҳиди у ёқда турсин, салгина тер ҳидига ҳам Раисанинг тоқати йўқ: обдан ишқаб ювинма-са, Кўзивойни яқинига йўлатмасди. Кўзивой-ку ўйнаши, кийим-боши сал чанг бўлса ёлғизгина ўғилчасини ҳам бу сержило квартирага оёқ бостирмас эди. Аёлнинг шу одатига ҳайрон қолиб юрган йигит бир кунни юрак ютиб тошбағирлик сабабини сўради.

— Шуниям билмайсизми, бола — бола-да, ҳаммаёқни ирқит қилади, уйга чучмал ҳид уриб қолади, — деди Раиса. — Ҳар кимнинг роҳати ўзига. Ёшликдаки, ўйнаб-кулмасанг, яёшашинг нима қизиги бор!..

Кўзивой бу хотинниқига яқинда келган, ўз эрким ўзимда, деб ўйларди. Раисанинг бе-мехрлиги унга ғалати туюлди-да, беихтиёр ўқрайиб қаради. Аёл доғули эди. Гаплари йигитга ёкмаганини сезди.

— Қани, бир текшириб кўрайлик-чи, — гапни дарров бошқа ёққа буриб, Кўзивойнинг кўнглини овлашга киришди у. — Вой-во-ей, тозалаб қирмабсиз, ботиб кетди-ку, савил со-қолингиз! — шундай дея йигитнинг юзига юзи-ни босар, дам сайин кучлироқ нозланарди аёл. — Оббо, одамни дарров қийнаша туша-сиз-а, сал аясангиз-чи, ўзи бир тутамгина белим бор, чўрт узиб юборманг тағин. Ҳам-маёғингиз темирим, нима бало!?

Кўзивой сал олдин кўнглида бош кўтарган гинасию бутун борлигини унутиб, шу заҳоти Раисанинг қулига, суқ итига айланарди-қо-ларди...

Аслида, тан бериш керак, Раиса чиндан

хам офатижон эди. Майингина тук қолган тўқис бадинининг барча аъзолари жой-жойига авайлаб ўрнатилган. Кинолардаги жонлар ҳам унинг олдига ил шолмас керак. Бежирим кўрақларини бола эмганига сираям ақл бовар қилмасди... Қўзивоини шу нарса қизиктириб юрган эди, бир кун сўраб қолди.

— Сенинг бола тукқанинга ҳечам ишонмайман, — деди у тиззасига қўниб ўтирган Раисани бошдан-оёқ силаб-сийраб экан. — Буларни чақалоқ тортқилаб эмса шундоқ сақланармиди!

— Топдингиз, ҳеч ким тортқилаб эмган эмас! — шивирлади йигитнинг бағрига сингиб бораётган жувон. — Аммо тукқаним рост. Тукқаниману оймимга элтиб берганман. У ёғини эплаштирди: ювиб-таради, боқди, ҳатто эмизди ҳам. Керакли бутун нарсани етказиб турганимдан кейин... Сиздан бола кўрсак, униям элтиб берамиз!..

— Уз бағридан узилиб тушган зурриётни она зоти кўмсмайдики!

Раисанинг жавоби бўлмади. Қўзивоий гап қовлаб ўтирмади-ю, болалигида ўзи гувоҳ бўлган икки воқеа ёдига тушди...

Кунлардан бир кун голландча сигури боши боғлоқли ҳолда қосқ тунда туғиб қўйибди. Ялаб-юлақ куритмаса, оёққа бостириб эмзимаса, боласи нобуд бўлишини жонивор яхши билади. Арконни узай деса пишк, устунни қулатай деса маҳкам. Сўнги чора деб, говмуш бор кучи билан бўкираве-ридади. Уй эгалари уғиношиб, ёрдамга бормагунча сигури «бакириб-бақиришини» қўймаган экан... Тоғда болалаб, подадан қолиб кетган шохдор эчкиси-чи! Тулки, чия бўриларни яқин йўлатмай, эгизак болаларини эргаштириб, уч кун деганда уйга кириб келган эди...

Бир кўнгли шу воқеаларни Раисага ҳикоя қилиб, уни инсофга чақирмоқчи бўлди-ю, тилини тийди: «Қандай айтаман, унга ўтказиб қўйибмиди?»

Аслида унинг Раисага ўтказиб қўйганлари бор эди. Танишининг дастлабки кезларида рўй берган ўша воқеалар сири тағига Қўзивоий хануз ета олмайдди. Қандайдир гира-шира ҳадиқ юрагининг туб-тубида гимирлай-вереди: «Тасодифмикин, атайдан қўйилган тўзкоммикин?»

...Кимсасиз бу гўшанини дарёнинг муздек сувинда ёз кезлари кечки пайт чўмилиш саломатлик гарови эканлигини Қўзивоийга ишхон-синининг энг катта хўжайини тушунтириб қўйган эди. Бош директор бу сири келиб-келиб Қўзивоийга айтди. Шундан бери улар ўша сеҳрли даргоҳда биргалашиб неча бор чўмилишди, кўнгилочар суҳбатлар қуришди. Дунёнинг ишлари қизик-да, мингга яқин ишчи-хизматчилар ишлайдиган, йиллар давомида бирон кимсага тишининг окини кўрсатмайдиган Йўлдошевга қол-қора Қўзивоий маъқул тушибди! Нимаси ёқайдин, соддалигим, дали-ғуллилигим, гавдаси тоғдек бўлса-да куёнораклигим, ёки... аёлларга ўчроқлиги?.. Нима бўлганда ҳам бошлиқ билан бир дарёда чўмилиш, оролчадаги қалин чим устида шўртанг қурутни шимиб, «яримта»ни майдалаб ўтириш ёлғиз Қўзивоийга насиб этди. Содик шифёрини бу «чимзор» билан топиштиргач, бош директор анча вақт кўринмай кетди. Қўзивоий эса оролчининг хўжайини бўлиб юрaverди. Гўё Граф Монте-Кристодек!..

Шу кунни ҳам у «МАЗ»ни бериги соҳилда қолдирди-да, кийим-бошини қўлтиқлаб Чимзорга ўтди. Қараса, гўшанинг энг хилват ва сўлим жойидаги мажнунтол соясига бир парил-пайкар осмонга қараб ётибди. Икки кафтини бошига ёстик қилибди, ўнг оёқ узатилган, чап оёғи ярим букик, остида қалин жунли ихчам ёяндоз...

Қўзивоий аёлнинг сип-силлиқ сонюи болдирларидан кўз узолмай қолди.

— Ҳа, умрингизда биринчи марта аёл зоти га дуч келишингизми? — ҳеч тап тортмай гап ташлади нотаниш хўрлиқо.

— Бунақасини ростданам энди учратиб турибман! — дея очик иқор бўлган Қўзивоий «иссигида» ўзи ҳам хужумга ўтди. — Бизнинг даргоҳга бесўроқ таширф буюрган

«куёнча» «бўри»нинг чангалидан кўрқмади-микин?

— Қанақасига сизнинг даргоҳ бўлсин? — ҳамон бўш келмади аёл ўз устига бостириб келаётган йигитнинг ваҳожатидан заррача чўчмай.

— Бу оролчада ҳокими мутлақ қанининг ўзлари-да, сиз эса адашиб келиб қолган бечора куёнча.

— Гўё, «Шошмай тур, куёнча!» филмидаги га ўхшаб-а? — деди аёл.

— Аммо мени лақиллатолмайсиз, таппа босаман-да... — сўзини тугатмасданоқ унга шаппа ташланиб қолди Қўзивоий. Аёл лип этиб ўзини бир чеккага олган эди, йигитнинг беўшхон гавдаси мувозанатини сақлай олмай гурсиллаб чимга тушди. Аёл хандон отиб қулди-да, диконглаб қоча бошлади:

— Қани, бўривоий, бор кучингизни кўрсатинг-чи!..

Қўзивоий анойи эмасди: ёшлигида тўп телган, дарёда беармон чўмилиш, кураш тушган... У кийикдек ўйноқлаб кетаётган аёлни қува-қува ўнг келганда шаппа кучоқлаб олган эди, ўзининг яна қандай қилиб гурсиллаб ерга ағдарилганини ҳатто сезмай қолди. Етган жойида алаңлаб у ёқ-бу ёққа қаради: хайрият, атрофда ҳеч ким йўқ эди. Туткич бермас парипайкарни у энди баттарок хирс билан қува кетди. Ниҳоят, етиб ҳам олди. Нозик белидан қўлини ўтказиб маҳкам кучоқлади-да, ўйлаб-нетиб ўтирмай чимга босди! Сира бўй бермай, жайрондек ўйноқлаётган аёл шу дам бўшашиб, бор ихти-ерини йигитга топширди. Чим устида ётар экан, у қўзларини юмиб олган, дам ҳарсиллар, дам ингранар, йигитнинг беўшхон ҳаракатларига заифгина қаршилик кўрсатарди, холос. Кучоғидаги малаканинг салгина чап бериши эса Қўзивоийнинг барча уринишларини чиппака чиқармоқда эди...

— Ҳорманг, отабий!..

Қўзивоийнинг баданидан музлаб, жони товоғига уриб кетди. Истеҳзо тарзида ишлатиладиган «отабий» сўзи ҳам, салмоқли товуш ҳам кимга тегишли эканини у яхши биларди. Қўзлари олайиб, ранги қув ўчган Қўзивоий ётган жойида бурилиб қаради. Тўрт-беш кадам орқароқда чиндан ҳам Йўлдошев турарди. Туфлиси қўлида, шимининг почаси қайтарилгик. Оролга кечиб ўтишда шошилган шекилли, чала-ярим қайтарилгик шимининг почалари жиққа ҳўл эди.

— Дарё бўйида машинангиз турган экан, бирон кори-ҳол юз бердим, иш пайтида бу ерда нима қилиб юрибди, деган хавотирда бурилиб эдим, бемаҳал келиб қолибман, шекилли?..

Қўзивоий нима дейишу қандай жавоб қайтарини билмас эди.

— Бу жойларга чакки қадам босибмиз-да. Хўп, дўстлар, хафа бўлиш йўқ, учинчи — орткича одамни кечиринлар!..

Шундай дея Йўлдошев ортига қайрилди-да, бир-бир босиб шошилмасдан жўнади. Салдан сўнг соҳилнинг нариги томонидан енгил машина мотори гуруллади ва тошларни қисирлатиб вазининга юриб кетди...

— Вой-бў-ў! Намунча юрагингиз ёрилмаса! — Йигитнинг остидан сирғалиб чиқиб, нарироқ сурилиб ўтирди аёл.

— Ахир иш маҳалида...

Аёл шарақлаб қулиб юборди.

— Иш вақтида нима иш қилиб юрибсан деб, хўжайинингиз энди қулоққўзма қилар экан-да! Оббо шўрликчимам-эй! Чап кўчага бурилишини сизга ким қўювди? Ҳай, майли, кўрманг, у кишига ўзим бир оғиз айтсам, индамайди...

— Директоримизни танийсизми? — шошиб сўради Қўзивоий.

— Танимасак, сиз учун танишамиз-да, — бамайлихотир жавоб берди аёл.

— Эй, зўр келса ишини оладим-да, жонимни олармиди?! — Қўзивоий яна ҳамлага шайланди. Аммо аёл бир силтанга ўзини ундан холи қилди ва:

— Индамаган сари жа ҳадингиздан ошаёт-сиз! — деди чиройли навозиш билан. — Худди бир нима ўтказиб қўйган, пули қуйган одамдай ёпишасиз-а! Яхши эмас...

Қўзивоий яна бўшаши. Бош директорнинг бемаврид ташрифи уни доводиратиб, майдақадам қилиб қўйган эди. Тўғри, иккисининг уфлатчилиги бор. Ҳадди сиғиб анча очик гаплаша олади. Бирок Йўлдошев иш пайтида айшини суриб юрадиганларни аяб ўтирмайди. Думини тугиб юбориши мумкин...

— Намунча дамингиз ичингизга тушмаса? Директорингиздан ростданам кўриб кетдингизми ёки пул кўйдиришга чидамаёйсизми? Эрмак деган номга ўзи сизга ўхшаганлар хол қўйиб юришади: сал нарсадан дамлари чиқиб, ёрилган пуфакдек шалвиллаб қолишади...

Бу гап Қўзивоийнинг у ёқ-бу ёғидан ўтиб, аёлга юзма-юз келди:

— Мени яхши билмайсан-да, ҳали, жонон! Қани, кўнглингдаги муддаонгни очик айти, жонимни қурбон қилиб бўлса-да, бажарай? Кейин қўлимдан қутулиб бўлсан!

— Бу бошқа гап! Майли, сенсиранг! Майли, бағрингизга олаб, шуқларимни қисирлатиб юборинг! Юрагида ёли бор йигитни яхши кўраман, сизга ўхшаб бўларини айтади. Энди, «бўларига келса, иккитгаина шартим бор. Биринчиси: уйимнинг адресию қалитини ҳозирок қўлингизга тутқазаман. Бир ой давомида кўнглимдагидек созлатасиз. Уста ҳақию жами ҳаражатларини ўзим тўлайман. Очгинини айтсам, сизни уринтирмаёқ бу ишни бир ҳафтада эплаштирардим. Сўзингизнинг эгаси бўла оласизми, йўқми — шуни билмоқчиман. Иккинчи шартим: истаган пайтида ёлғиз ўзини мен айтган жойга обориб-опкеласиз. Ойда-йилда бир марта.

— Яхши, чўз қалитни! — деди йигит ўйлаб-нетиб ўтирмай.

— Шошманг, аввал тузукроқ танишиб олайлик-чи, — қўл узатди аёл. — Исмин Раиса.

— Мен — Қўзивоийман, буйруғингга мунтазирман, жонидан акаси!..

— Ие, бўриман деб мақтанган эдингиз, аслида, чиндан ҳам қўзичок экансиз-ку! — шарақлаб қулди Раиса. — Мана қалит билан уй адресим. Ремонт битгач, мана бу телефонга — ойдимкига қўнғироқ қиласиз. Мен эса шу заҳоти қошингизда пайдо бўламан-да, ихтиёримини бутунлай ўзингизга топширарман!.. Хоҳласангиз, бугундан ойдимкида би билан яшашингиз мумкин. Бирок болам жуда шўх, от қилиб миनावериб тинкангизни қуритиб юборади. Яхшиси, хозирча келиноиймини хурсанд қила туринг. Кўрдингизми, мен рашқчи ҳам эмасман. Бўпти, гўшанга учрашгунча хайр, азизим!..

Қўзивоий ўзини юронғич йигитлардан деб ҳисобларди. Анча аёлларни гагга солгани, машинасига миндиргани, илтимосларини бажаришдан аввал шарт қўйгани «ҳақини олгани» рост. Лекин Раиса каби дангалчиға хали йўлиқмагани ҳам бор гап...

Эрининг қундан-кун ўзгариб, издан чиқиб кетаётганини Насиба сезарди. Сезарди-ю, индамасди, билмаган киши бўларди. «Қош қўяман деб яна кўз чиқариб юрмай, ёпиғлик қозон зора ёпиғлиғича қолсайди», деб тангрига илтижо қиларди. Ахир уч қиз, бир ўғил туғиб, ўзининг иқрорича — шarti кетиб, парти қолган бўлса, энди нимам қилсин, аразаб қавққаям борсин! Шўрлик аёл эрининг бир кунмас-бир кун инсофга келишига ишонарди. Бутун юрт юз ўтирган қайнота билан ҳам шу сабабли муроса қилишга мажбур. Раҳматли қайнонаси-ку, эллик ёшга етмай туриб, бу аъзолардан қутулиб кетган экан. «Ниятим тўғри-ку, эсимни таниб-танаймай колхозда ишладим, ўзим топан ҳалол мол-дунёимни сарфлаб турмуш қурдим, бирин-кетин фарзанд қурдим, шуларнинг тилагини тилаб яшайвердим. Фақат... фақат кўпроқ қиз туғиб қўйдим-да...» Насиба болаларини уйга ташлаб, ишни узлуксиз давом эттирар экан, кўнглидан шу ўй аримасди. Эрининг инсофга келиб: «Насиба, ахмоқ бўлиб, адашиб юрган эканман, мени кечир, бу ифлос йўлга бошқа қадам босмайман», дея тавалло қилишини кутарди. Булар ҳам ҳолва экан, отасидан бир

сўкиш эшитгач, шу баҳона бўлдим, Қўзвой бадар кетди...

К

квартира кўнгилдагидек созланган бўлса керак, жонон уни нозфироксиз қабул қилиб олди. Бу уйда у анчадан бери яшар, Раиса берган калит ўзида эди. Аммо-лекин вазданинг устидан чиқиши ҳам у қойиллатиб ўрнига қўйди. Қўзвойнинг димоғига лаззатли димлама иси урилди-ю, қаршига гул-гул ёниб Раиса пайдо бўлди.

— Мана, бутун борлигим, инон-ихтиёри билан сизнинг қўлингиздан, — деди у нозли шивирлаб. — Фақат, яна бир кичкинагина шарт — менга ўхшаб абвал ахшилаб ювиниб тозаланасиз, кейин майли...

Қўзвой эмас, Раиса йигитни ялаб-юлқалар, силаб-сыйпалар, қанақасига истаса шунақасига хурсанд қиларди. Жувоннинг бетакрор нозу қарашларига, йигит уни узоқ вақт интиқлик билан соғинганига, нафси қониб-қонмай Қўзвой яна ва яна ташланаварди. Обдан толиқиб чўзилиб қолганда ҳам унинг оғзи гапдан бўшмасди.

— Бола туққанман дейсан, бўлмаган гап, ҳали қизсан-ку! — дерди у Раисаниг балиқдек силлик баданини бошдан-оёк қайта-қайта уларкан. — Менинг хотиним биринчисини туққан-даёқ абжага чиқиб кетган эди. Ҳозир-ку, ҳаммаёғи оттурвадек осилиб ётдиби...

— Вай, нодонгинам-эй! — йигитнинг юзларини қафтлари орасига олиб, кўзини-кўзига қадади жувон. — Бор гапни айтсам хафа бўлмайсизми?

— Шуну сўраяпман-да, — деди йигит бор кучи билан Раисани кучиб.

— Унда, эшитинг: «Бостирмадан айвон яхши...», деган мақолини эшитгандирсиз? Буни ким тўқасям боллаган, айнан рўдапо аёлларга қарата тўғирисини айтган. Аслида ҳам шундай-ку, аёлларингиз иш, бола-чақа, қозон-товоқ деб ўзига қарашни ҳаёлигаям келтирмайди, билмайди. Аёл аввало эрнинг кўнгил хуши бўлиши керак. Ахир аёл — ўз номини билан аёл-да! Мен сизга айтсам, аёл туғирисини кутиб ўтирмасин, эри билан қовушгандан бошлаб ўзига узлуксиз оро берсин. Мана бир мисол: ишдан чарчаб келганингизда ёқимли ислар таратган хушқомат кучок очиб кутиб олгани қайдаю, афт-башараси чанг, сочию кийимларидан тезак иси ва тугун аралаш қўланса хид анқиб ётган алвастии қайда?!

— Бас-эй! — қишлоқдаги хотинию қариндошлари кўз олдига келган Қўзвой ҳақиқати оғриб, Раисани жеркиб ташлади. — Оғиз меники экан деб гапираверсанми?! Мен сендан униямас, бола туғсанг-да, чиройли қоматингни сақлаб қолганлигинг сирини сўраяпман!..

— Айтмабмидим, хафа бўласиз деб, — йигитни эркалаган бўлиб бурнини чимчиб қўйди жувон. — Сабр қилиб туринг-да, энди шунисига гал келаяпти. Нима десамикин, аёл туғирисини, бутун қолипдан чиқиб чок-чокидан сўкилиб кетишини кутиб ўтирмаслиги керак деяпман-да! Ҳомилалор бўлганини сездимки, ўзини доимо авайлаб-асраши, парвариш қилиши, осон туғиш учун пухта тайёрланиши керак. Буни ҳар кунни йиласин. Қуруқ кутиб ўтиравермай, шунга ўзини жисмонан ҳозирласин. Оқибатда шунга эришинки, ҳомиласидан қутулганда баданидаги бирон-бир аъзосига нахра тегмасин, аслига қайтмас аҳволга тушмасин. Қадду қомат, ҳусну латофат, қолаверса, тансихатлиги йўқолмаслигини ўйлаган аёл буларнинг сирини, йўл-йўригини яхши билади, уддалайди, ўрнига ҳам қўяди. Мана, бизга ўхшаб!.. Тушунтиролдими, бегим!?

Қўзвойнинг юрагини қандайдир оғир ўкинч қирғичлаб ўтди. Шу ваддан қутилмаган саволни берди:

— Боланг билан оинг қаерда яшашади?
— Шаҳримизнинг сўлим гўшасида: каттагина ҳовлили, беш хонали уйда. Ҳовлимизга тангадек офтоб тушмайди, нуқул яхши навли

дарехтлар ҳар йили шовуллаб ҳосил беради. Қишин-ёзин ўғлим чўмиладиган ҳовузда балиқлар ҳам яшайверади. Уй хоналари-ку, мана бу квартирадан ўлса-ўлиги ортик...

Қўзвой шу жойда тилини тиёлмади. «Ҳаммасини менга ўхшаган «мардикорлар» ясаб қўйгандир», демоқчи бўлди-ю, мундайроқ гап айтди:

— Уларни ким яратиб берган?

Раиса «чегара»дан анча чиққанини сезди-да, қарши хужумга ўтди:

— Хўш, ҳақитдан хўжайинчиликим? Узлари бизга қадар ким билан ётиб, ким билан турганларини сўраб-сурштирмадик-ку?! Иккимиз никоҳдан ўтибмидикки, тергов қиласиз? Сиз менга бор-йўри бир жазмансиз...

Қўзвой яна: «Болангнинг отаси қаерда?» деб сўрамоқчи эди-ю, Раисанинг важоҳатини кўриб журъат этмади. Гапни сал чувалантирса, бу хотин орқасига бир тепиб уйдан ҳайдаб юборишдан тоймаслигини сезди. Дамини яна-ям ичкарироққа ютди. Сабабикки, жанжал улғайса қаттиқ бой беради. Тўғри, уй рементни харажатларига бир мири ҳам сарфлагани йўқ — ҳаммасини Раисанинг ўзи тўлади. Аммо овозиси етти иқлимга кетган устани кўндириш, топилмас матоҳ — камёб қурилиш буюмларини машинасида қаёқлардан топиб келтириш, бир ой давомида яқ қоқмай рементчилар хизматиди туриш... «Эҳ-ҳе, буларнинг ўзи бўлибдими?! Эндигина роҳатга етишдим, ағзим ошга тегди. Ҳеч бўлмаса, бирикки йил мазза қилиб яшай. Кейин бир баҳона топиб, кўзени суриб қоламиз! Аммо директорга ҳам қойилман, бошқаларни қулоқ қимирлатишга қўймайди-ю, менга зап шароит яратиб берди-да. Ҳафталаб ишга бормасам ҳам гинг демайди-я! Ўзим майли-ю, машинаминиям истаган томонимга уч-тўрт кунлаб миниб кетишимгаям йўл қўйиб бериши-чи? Бу, Раисаси тушмагур, қайси шаҳарларга етакламади мени. Нима балоларни ортиб, алақимиларга элтиб беради. Келишувга биноян — миқ этиб сўрашга ҳақким йўқ. Е директор ҳам шу ишларга шерикмикан? Шошма, мен йўғимда уйга бориши, Раиса билан бемалол гаплашиб ўтиришини қандай тушунаса бўлади? Баҳонаси нуқул битта: мени қидириб келганмиши, йўқлигини билгач, кутиб ўтирганмиши. Тўғри, Раиса шаръий хотиним эмас. Аммо мен билан бирга яшайётганини кўриб-билиб туриб... Иккаласи билан очикчасига бир гаплашиб олсаммикин? Раисага айтсам: шу бугундан бошлаб менинг рухсатимсиз бирон ёққа бормайсан. Мен йўғимда бу уйга бирон эркак зоти йўламайди. Директорга айтсам: бу уйга бошқа қадам босмайман. Бошлиқ бўлсанг, ҳўқмингни ишхонада ўтказ! — Қўзвой ўз хомхаёлидан ўзи чўчиб, атрофга олазарак қаради. Шу ондаёқ унинг довораклиги совун кўпиги англис йўқолди-қолди. «Э, нима ишим бор, беш кунлик дунёда бўлар-бўлмас нарсаларга беш қотириб юраманми? Муҳими, кучоғимда офатижон аёл, чўнтагим тўла пул...» Шундайин хаёллар адашган шамол каби калласида гоҳо-гоҳо айланиб қолади-ю, уни Қўзвой дарҳол ҳайдаб солади, ўз-ўзини юпатида. Лекин уйда илон кўргандек, кишлоғига йўламай кетиши баъзан елкасидан тоғдек эсади. Отасини, болаларини, сочи ва кийимларидан «таплию тугун иси» келиб турадиган хотинини кўмсайди. Ушанда кўмири ортиб қишлоққа чиқишдан мақсад, бир баҳона топиб уйга кириш эди. Йўқ, юраги бетламади, отасию унинг кучоғидаги ёлғиз ўғлини чангага ботириб ўтиб кетди. Энди қайси юз билан боради? Насиба-ку, қидириб келиш у ёқда турсин, сурштирмайди. У шунга — хоксор, тортинчок. Аслида, сурштиришга Насибанинг ҳадди ҳам сифмас керак. Қўзвойнинг маоши ўз вақтида тўлиқ бориб тургач... нима десин? Бу «калит» норасмий қундоши Раисанинг қўлида эканини қаёқдан билсин шўрлик аёл? Қўзвой маошини жўнатганлиги ҳақида почта қоғозини Раисанинг қўлига тутқазмасин-чи!..

Шу қозонин олган заҳоти Раиса Қўзвойни гоҳ ўлиб, гоҳ қучиб ичкари хонадаги хуфия темир сандиқча ёнига бошлаб қиради-да, узун калитни тутқазиб буюрарди:

— Қани, очинг!

Қўзвой «дириг»латиб сандикни очарди-да, у ердаги тахлам-тахлам пулларга чўчинқираб қараб қўярди...

— Олинг, истаганингизча, — дерди Раиса. — Агар керак бўлса, болаларингизга бундан ҳам қўшиб жўнатинг. Ишқилиб, бизни қарғамасе бўлган.

Бир кунни Қўзвой яна юрак ютиб сўради: — Ишининг тайини йўқ, бор-йўғи янги модаларнинг «кўз-кўзисини»сан, шунча пулни?... — Узумини ёнг-у, боғини сурштирманг, окам, — шу заҳоти Қўзвойнинг оғзига урди Раиса. — Мен янги модалар қаторида ўз қадди-қоматинимни кўз-кўз қилаётгандирман? Балки, шу йўл билан ҳам даромад топаётгандирман?!

Бейбо бу гап Қўзвойга тарсакидек туюлди. У индай олмасе-да, жаҳли қичиб, иккала юзюю қулоқларигача қизариб кетди. Буни кўрган Раиса дарҳол уни юпатишга киришди-да:

— Хайрият, сизда ҳам нафсоният, рашк деган нарсалар бор экан, — деди энди тамоман жиддийлашиб. — Атайлаб айтдим, сизни синаш учун шундай қилдим. Энди яшириб ўтиришимдан фойда йўқ. ЗАГСдан ўтиб қўйишимиз керак. Бўйимда бўлиб қолибди. Бундан бу ёғига сизга садоқатли ёр бўлиб умр кечирмоқчиман. Қўрқманг, ўзимни асраб-авайлайман, ҳаммаёғим оттурвадек осилиб кетмайди. Бола отасиз туғилса... Биласиз-ку, ҳозирги одамлар оғзи билан юради.

«Ана сенга совга! Бир-икки йил айшингни суриб, сўнг қутулиб кетмоқчи эдинг. Бу ёғи неча пулга тушди?..»

Бутун аъзойи бадани бўшашиб кетган Қўзвой, ширинлик еб туриб оғзида ахлат ҳиди анқиган боладай, нима деяриною нима қиларини билмасди.

Кечаси кўрган хунқандан-хунқ туши ёдида жонланди... Қишлоқдаги уйдан башанг кийиниб чиқиб, шаҳарнинг қоқ ўртасида бораётган экан, бундоқ қараса... иштосиз эмиш!.. Ҳар замонда қиядиган энг яхши костюми ва дўпписи боши билан эндида, аммо паст томони шир яланғоч! Қўзвой зимдан сер солиб кўрса, одамлар бу ҳолни унчалик фаҳлмаётганга ўхшармиш. Дарров ўзини панага тортмоқчи бўлибди. Қараса, нарироқда ероти кувурига олиб тушадиган ўранинг темир қолқоғи сал қичи очиб турибди. «Ҳо-зирча шу ерга яширина қолай, кейин бир чорасини ўйлаб топарман», деган илинжда темир қолқоғни кўтариб, чуқурга сакрабди. Зимиё қоронғиликнинг тубига етиш қийин бўлибди. Юраги бўзига тикилиб, кўзини чирт юмиб шувиллаганча пастга тушиб кетаверибди. Ниҳоят, думбаси билан гуриллаб бир жойга урилади...

Кўзини очса полда ётибди, уни суриб пастга тушириб юборган Раиса эса, ўрининг ўртасида талтайиб ухляпти. Қўзвой Раисадаги «ўзга-риш»ни шунда ўз кўзи билан анқ қўрди. Аёл анча смирған, ингичка бели йўғонлашиб, қорни дўппайиб қолган эди. Шунки кўриб туриб ҳам Раисанинг ҳомилалорлигини сезмаган Қўзвой ўзининг нақадар бефаҳмликдан хафа бўлиб кетди...

— Туғишдан нима фойда, олдириб ташлай қол, — деди у нонушта фойти дабдурустдан.

— Йўқ! Бу болани менга худойининг ўзи берди-ку! — кескин рад этди Раиса. Шу заҳоти унинг аъзойи айнай бошлади. Чиройли кўзлари оловланиб Қўзвойга тикилди-да, қутилмаган саволни берди. — Қилар ишни қилиб қўйиб, энди туёғингизни шиқиллатмоқчимисиз? Яхши биласиз-ку, сизнинг тийинингизга зор эмасман. Биргина истагим: болам отаси қимлигини билиши, келгусида ўксимаслиги керак!

— Анави ўғлинг отасиз бўлсам ҳеч ким индаётгани йўқ-ку!..

Шу гапни айтмига айтди-ю, дарҳол насибасига лойигини олди.

Раисанинг аввал ранги қув ўчди, салдан кейин эса дув қизариб ўрнидан сакраб турди.

— Орамизда узилмай қолган охириги ип ҳам таранг тортилиб турибди, — деди паст, лекин қандайдир аёвсиз овоз билан аёл. — Шунгаке бемаъни саволни яна бир марта эшитсам!..

[Давоми келгуси сонда]

К

адим замонда бир навбақор йигит қартайиб, куч-қувватдан қолган отасини «ортиқча нонхўр» деб қолга солибдида, чўлу биёбон сари йўл олибди.

Юриб-юриб ҳолдан тойгач, бир тепалик ёнига бориб, дам олиш учун тўхтаган экан, қоп ичида ўтирган отаси «ҳиринг-ҳиринг» кула бошлабди.

Эй, бу қандай гап бўлди, менку отамни чўлу биёбонга ташлаб келишни ихтиёр этган эдим, бундан отам хафа бўлиш ўрнига кулишининг боиси нима экан, деб бошини қашлаб қолибди ва отасидан кулгининг сабабини сўрабди.

— Эй, болам, — дебди чол, — мен ҳам сендай пайтимда отамни қопга солиб чўлга обориб ташлаш учун елкамда кўтариб худди шу ерга келганимда чарчаб дам олган эдим, кўргулик экан-да.

Отасининг бу жавоби йигитни ўйлантириб қўйибди. «Бир кунни қариб, ишга яроқсиз бўлиб қолганимда, менинг болам ҳам шу савдони бошимга солмасин», деб отасини уйига қайтариб олиб келиш ва фарзандлик бурчини ўтай бошлабди.

Қиссадан ҳисса шуки, ҳозирги кунда ҳам, айнан шундай воқеалар бўлмасда, шунга ўхшаган ҳодисалар учраб туради. Баъзи ноқобил фарзандлар ота-онасини кексайиб қолган чоғида қаровчисиз қолдирмоқдалар. Еки ўз қўллари билан уларни кексалар уйига элтиб қўймоқдалар...

Вожаб, наҳотки одамларимиз меҳр-оқибат, диёнат, инсоф, имонни тарк этиб, шу йўлга қадам қўйишгача бориб етаётган бўлсалар...

Тошкент шаҳрининг Собир Раҳимов тумани Қорақамиш массивида кексалар уйи жойлашган. У ерда 250 нафар қария истиқомат қилишади. Улар кексаликни азоб ва ташвиш билан, фарзанд меҳрига, йўлига зор, интиқ ўтказаяётган, бир пайтлар сиз билан бизнинг орамызда бўлиб, ҳамсуҳбат, ҳамфикр бўлиб юрган кишиларимиз эди-ку ахир.

Ушбу қариялар уйи бошқони муовини Ғани ака Мухаммедов менга:

— Сиз ўзингизни жумҳурият фахрийлар қўмитасиданман, деб таништиришда, керакли маълумотларни «йигиб» олаверинг, — деб маслаҳат берди. Чунки у ерда яшаётганлар азалдан, ҳаммадан ҳам муҳбир «зоти» билан гаплашишни ёқтиришмас экан. Мен ўзимнинг муҳбирлигимни вақтинча яшириб, қариялар билан суҳбатлашишга киришдим. Барибир


ЎКСИК ҚАЛЪЛАР



айримлари мендан шубҳаланди. Уларнинг исми ва насл насабини, қаердан келганлигини айтишдан бош тортишди. Шундай бўлсада, баъзилари билан танишиб суҳбатлашишга муяссар бўлдим.

...Сирдарёлик 78 ёшни қаршилаган Эгамназар Маназаров, тошкентлик 82 ёшли Турсинбой Нурмухаммедов, хоразмлик 63 ёшли Матчон Жуманиёзов, қаршилик 76 ёшли Михаил Пасюков сингарилар ушбу масканнинг муқим «аҳолиси» ҳисобланиб қолишган экан. Шу пайт уларнинг ғамгин чехраларидаги ҳаёт тарзига қараб бобоқолон шоиримиз Бобур Мирзонинг қуйидаги мисралари ёдимга тушди: «Кексаликдан истама қувноқлик, ҳавас, Ешлик ўтмиш, оқар сув ортага қайтмас...»

Эгамназар Маназаровдан, бу ерга қандай қилиб келиб қолдингиз, деганимда, тўғриси у йиғлаб юборди. Ҳикоя қилишича, йигитлик



даврида бир зумлик кўнгил хушторликка берилиб, хотинини, икки ёш гўдак боласини кўчада қолдирган экан. Билмакдаги кучига, белдаги қувватига ишониб эртанги кунни кўз олдига келтирмай, бир «офатин»нинг этагини тутиб кетиб, мана бугун куч-қувватидан қолганида Эгамназар Маназаров мана шундай кун кечиршига мажбур бўлиб қолипти.

Тўғри, кексалар уйда ҳамма шароитлар муҳайё, давлатимиз бунақанги кишиларни кўчада қолдирмайди. Лекин бу ерда инсон учун энг азиз меҳр йўқ. Фақат меҳр-муҳаббат билан фарзанд ўстирган ота-онагина фарзандидан меҳр-муҳаббат кутиши мумкин.



Бу ҳаёт қонуни. Тошкентлик Турсинбой Нурмухаммедов хонасига кирганимда у кишининг тоби йўқ экан. Урнидан туролмади. Ҳолаҳволини сўрашдан нарғига ўта олмадим. Қон босими касали бор экан.

Бежиримгина хона деворида Турсинбой ака билан биргалликда тушган бир йигит ва бир қизнинг сурати осийлик турибди.

— Булар кимларингиз бўлди? — сўрадим ундан.

— Болаларим, — деди Турсинбой ака совуқкина...

Масала равшан эди.

Ушбу қариялар уйда ёлғиз кекса аёллар ҳам анчагина экан. Тўғри, улар орасида пок яшаб, фарзанд доғида куйиб, оқибатда қаровчисиз қолиб, шу ерга келиб қолганлар ҳам йўқ эмас. Лекин бундайлар бармоқ билан санарли.

Ўзбек халқида қадимдан кексаларга нисбатан ҳурмат-эътиборда бўлиш азалий одат. Ҳозир ҳам тўйларнинг тўри нуруний отахону онахонларимизники. Бизда шундай удумлар борки, агар биримиз бирор жойга жўнайдиган бўлсак, тўртта кексани қақриб, улардан оқ фотиҳа оламиз. Еки бирон мушкул ишнинг тугунини ечишда қийналиб турсак, уларнинг доно маслаҳатлари билан мушкулимиз осон бўлади. Боболар ва бувилар билан ҳаёт файзли, баракали ва барқарордир. Қари бор хонадонда фаришталар ёмон ниятларни ўша хонадонга асло йўлатмас экан. Келинлар, азизлар, кексаларни олкайлик, уларни титроқ ва табаррук қўлларидан тутайлик. Улар олдидаги инсоний бурчимизни адо этайлик, токи уларнинг қалблари ўксимасин.

Маъмуржон ҚИЁМОВ.



ПАРҲЕЗ БАЙРАМИ

Пхукет — Анзаман денгиздаги (Таиланд) кичик оролдор. У 8 даражали шимолий кенгликдаги тропик зонада жойлаш-

ган. Иқлими ниҳоятда иссиқ, пальмалар қалин ўсадиган, мева-чева сабзавотларга бой, гўшт ва балиқ сероб, хуллас жаннатмакон оролдор. Лекин шундай тўқин-сочин дастурхонли халқнинг қизик бир одати бор: улар ҳар йили октябр ойининг баричи ҳафтасида фақат

сабзавот ёки мева-чева истеъмол қиладилар, ўйин-кулги, рақсга тушиб ашула айтадилар. Улар бу ҳафтага нафақат ўзларини гўшт ва балиқ ейишдан тийадиган ҳафта деб, балки парҳез байрами сифатида қарайдилар. Христианларда гўшти, сутли, тухумли таомларни

ейиш ман қилинган кунлари ва мусулмон халқларининг рўза каби маросимларига ўхшаш XIX асрда хитойлик муҳожирлар олиб келган ва ҳозирги кунда аънаанага айланган бу одат тиббиётнинг талабларига боғлиқлиги учун ҳам киши организмига жуда фойдалидир.

Т

абиат бекиёс қудратга эга бўлган яратувчидир. Бутун мавжудод, тириклик наботот олами— баҳру уммонлару тоғу тошларгача унинг ўзи яратган, сайқал берган, асраб-авайлаган. Баъзан бирор табиат обидасининг ёки катта мулкнинг кўз очиб юмгунча кунпажун бўлган пайтлари ҳам учрайди тарихда...

Бугун биз она заминдаги тош ёдгорликлар оламига, горлар дунёсига сафар қиламиз. Ота-боболаримиз ном қўйиб кетган «одамтош» «қўйтош», «қирқиз қальаси», «сават кўтарган келинлар»ни бориб кўрамиз. Улар «тилга» кириб, тарихлардан ҳикоя сўзлайдилар.

Бу ёдгорликлар жуда қадим замонларда пайдо бўлганлар ва яхши сақланганлар. Тектоник ҳаракатларнинг кўчайиши оқибатида бир неча маротаба тоғ тизмалари пайдо бўлган. Кейинчалик бу ҳаракатларнинг сустайиши, тоғ тизмаларининг емирилиши оқибатида текисликлар вужудга келган. Текисликлар чўккан ерларда денгизлар пайдо бўлган.

Бундан тахминан 25—30 миллион йиллар бурун ҳозирга Ўзбекистоннинг жанубий ва жанубий-шарқий қисмларида янги тектоник ҳаракатлар бошланган. Натижада биз кўриб турган тоғ тизмалари пайдо бўлган. Жумҳуриятимиз тоғларидаги ноёб ёдгорликларнинг шаклланишида янги тектоник ҳаракатларнинг таъсири бекиёсдир. Нураш, эрозия, шамол ва бошқа жараёнлар уларга «нақш» берган. Булардан ташқари, қадимги даврларда яшаган ҳайвонларнинг излари, суяклари, ўсимликларнинг қолдиқлари ҳам сақланиб қолган. Булар ҳам ноёб ва қимматли ёдгорликлардир. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, бу ноёб ёдгорликлар атрофлича ўрганилгани йўқ. Қуйида эса биз ўрганилган топилмаларнинг баъзи бирлари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Тошкент вилоятининг Хўжакент қишлоғида улкан бир қоя бор. У тошқўмир даврида тахминан бундан 290—350 миллион йиллар бурун оҳақтошлардан ташкил топган ва янги тектоник ҳаракатлар натижасида ер юзасига чиқиб қолган. Оҳақтошлар қоя шаклида ер юзасига чиқиб қолган, Чирчиқ дарёсидан оқиб келаётган сув эритиб, ҳар хил катта-кичикликдаги йиғирмадан ортиқ горлар ҳосил бўлган.

Бу ерларда жойлашган горларнинг бирида тош даврида яшаган ибтидоий одамлар қароргоҳи топилган. Гор деворларида қадимги одамлар тошга ўйиб ишлаган расмлар сақланиб қолган.

Жумҳурият ҳудудидаги геологик ёдгорликларнинг ҳосил бўлишида тектоник кўтарилишлар асосий рол ўйнаган, албатта. Шунинг натижасида турли ёш ва таркибга эга бўлган тоғ жинслари ер юзасига чиқиб қолганлар. Бу тоғ жинсларининг ҳар хил кўриниши ва шакллари киришиши ва нафосатли геологик ёдгорликларга айланганида ер юзасида содир бўлаётган ташқи кучлар (шамол, ёғин-сочин, иссиқ-совуқнинг алмашиниши) таъсир кўрсатган.

Мисол учун Шимолий Нурота тоғ тизмасининг жанубий-шарқий қисмида жойлашган Қўйтош массивидаги «Тош қўйлар»ни кўрсатиш мумкин. Бу жумҳуриятимиздаги аjoyиб геологик ёдгорликлардан бири ҳисобланади. «Тош қўйлар» ҳосил бўлган жой палеозой даврининг интрузив тоғ жинсларидан тuzилган. Бу тоғ жинслари гуруҳига кирувчи гранодиоритлар ҳар хил минераллардан (кварц, дала шпати, слюда ва бошқалар) ташкил топган. Мазкур минералларнинг ташқи кучлар таъсирига чидамчилиги ҳар хил бўлганлигидан, чидамсизлар тез емирилган, чидамчилари эса қўйлар гавдасини эслатувчи шакллар сифатида сақланиб қолган. Шунинг учун улар узокдан қараганда қўйлар подасига жуда ўхшаш кетади, натижада ерли аҳоли орасида «Қўйтош» номини олган.


Бундай геологик ёдгорликлардан яна бири «Қирқиз қальаси» ёки «Қирқ гўзал» деб номланган. Бу ёдгорлик Моргузор тизма тоғининг ёнбағридан оқиб ўтувчи Қизилтўрисио дарёсининг ўнг ёнбағрида дарё ўзанидан 300—700 метр nisбий баландликда жойлашган. «Қирқиз қальаси» ҳосил бўлган тоғ жинслари палеоген ва неоген даврларида ётқизилган ва

ҳар хил таркибга эгадир. Емирилишга чидамсизлари нураб кетиб чидамчилари «қальани» ҳосил қилган.

Ўзбекистон ҳудудида учратиладиган геологик ёдгорликларнинг баъзи бирлари фақат аjoyиб кўринишга эга бўлмай, балки кишини ажаблантирадиган хусусиятга ҳам эгадир. Булардан бири Жанубий Нурота тизма тоғлари гуруҳига кирувчи Оқтоғнинг жанубий ёнбағрида палеозой даврига мансуб гранитда ҳосил бўлган ва ерли аҳоли ўртасида «Сангжумон» номи билан аталувчи тебранувчи харсанг тошдир. У денгиз сатҳидан 900 метр баландликда жойлашган, айланаси 19 метр, диаметри 9

ларгина қаттиқ ва юмшоқ тоғ жинсларини бири-биридан тез ажратиб олади. Шамоллар «меҳнати» натижасида ҳосил бўлаётган рельеф шакллари деярли ҳаммасининг юқори қисми йўғон, пастки қисми эса ингичкароқ бўлади. Бунга сабаб шуки, шамоллар майда тош заррачаларини 2—3 метрдан баландга кўтара олмайди. Бунга жуда майда чанглар кирмайди, албатта. Шамоллар тош заррачаларини учираб экан, дарҳол уларни катта-кичиклиги бўйича сортларга ажратади. Уларнинг жуда майдалари (чанглар) енгил бўлганлиги сабабли, баландга кўтарилиб, узок масофаларга олиб кетилади. Улардан ажралиб қолган каттароқлари ўз йўл-

ТАБИАТ ЯРАТГАН ЁДГОРЛИКЛАР



метр, баландлиги эса 6 метрга етади. География фанлари номзоди А. Саидовнинг ҳисобига кўра, тошнинг ҳажми тахминан 75—78 куб метр, оғирлиги 225—235 тоннага яқин. Нураш жараёнлари кучли бўлганлиги сабабли, унинг юзасида ҳар хил чуқурчалар ҳосил бўлган. Унинг ёнбағрида икки жойидан чуқур ўйилган бўлиб, улар узокдан сув қурбақасининг кўзларини эслатади. Уларнинг узунлиги 2 метр, эни 1,5 метр, чуқурлиги эса 0,3—0,6 метрдир. Чуқурчалар шамоллар таъсирида ҳосил бўлган. Эсаётган шамоллар ўзлари билан турли катта-кичикликдаги тош заррачаларини олиб келиб, харсанг тошга ура бошлайди. Шамоллар ёрдамида олиб келинаётган тош заррачаларининг кучи пастроқда (ерюзасига яқинроқда) каттароқ бўлганлиги сабабли, харсанг тошнинг пастки қисми кўпроқ емирилган ва камар ҳолида ўйилган. «Сангжумон» харсанг тоши Ўзбекистондаги мавжуд геологик ёдгорликлар ичида энг ноёби ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам бундай катта ҳажмдаги тош парчасининг ер юзасига чиқиб қолиши, аjoyиб кўриниши ва шундай катта оғирликка эга бўлишига қарамасдан тебраниши табиатда камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Гранитда ҳосил бўлган ва турли кўринишга эга катта харсанг тошлар Зарафшон тоғ тизмасининг шимолий қисмидаги Қоратепа қишлоғи яқинида ҳам учрайди. Уларнинг баъзилари киши юрагининг кўринишини эслатганлиги сабабли, уларни ерли аҳоли «Тошюррак» деб ном берган.

Ўзбекистон ҳудудидаги баъзи геологик ёдгорликларнинг ҳосил бўлишида шамолларнинг роли ниҳоятда каттадир. Ер юзиде содир бўлаётган ташқи кучлар ичида фақат шамол-

ларида учраган тўсиқларни, айниқса пастки қисмини кучли емиради, тўсиқларнинг юқори қисми эса камроқ емирилади. Бунинг натижасида ҳосил бўлган рельеф шакллари кўпинча кўзиқоринларга ўхшаш пастки қисми ингичка, юқори қисми йўғон бўлади.

Шамоллар таъсирида ҳосил бўлган геологик ёдгорликлар баъзи жойларда тўда-тўда ҳолда ҳам учрайди. Бундай жойларга узокдан қаралса, аjoyиб манзарани, яъни ярим кўрғонларни, қадимги ката ва баланд шаҳар минораларини, қасрларни, кўп қаватли ибодатоналарни, одам ва ҳайвон гавдаларини эслатади. Академик В. А. Обручев 1906 йилда Фарбий Хитой бўйлаб қилган саёхати вақтида Шарқий Қозоғистон билан чегарадош Хитой Жунгориясининг Урхо деган жойида (Монгол Олтойи ва Шарқий Тяньшань тизмалари орасида) шамоллар «иши» натижасида ҳосил бўлган ва бир неча квадрат-чакирим майдонни эгаллаб ётган «шаҳар» харобаларини очган ва унга «Зол шаҳри» деган номни берган эди («зол» сўзи қадимги юнон тилидан олинган бўлиб, шамоллар худоси деган маънони беради). Профессор Б. А. Федорович Устюрт кенглигининг Қозахли номли жойида (Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистон жумҳуриятлари чегараларининг туташган қисмида) шамоллар «меҳнати» натижасида ҳосил бўлган аjoyиб шакллари учратган. Булар ҳар дара ичида жойлашган бўлиб, кўп қаватли иморатлар кўринишини эслатади. Даранинг тугаш жойида баландлиги 24 метрдан зиёд, бироз энгашган, гоё баҳайбат минорага ўхшаш устун ҳосил бўлган. Шунинг учун бу ерни Б. А. Федорович ҳам «Зол шаҳри» деб аташни таклиф қилган. Юқорида таърифланган шамоллар туйфайли ҳосил бўлган геологик ёд-




Филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов.

Сураткаш Р. Нуриноев

Бизнинг хонадон.



Оқтош манзараси.



Тоғ қишлоғи.

Шоҳмардонда баҳор.

Рассом
Жўра Аслонов
ижодидан
намуналар



Она сиймоси.

Тегирмон.



Хевада тонг.



Самарқанд Давлат дорилмуаллиминининг ховлисида улуғ адиб Садриддин Айнийга ўрнатилган ҳайкал.



Сурақаш Р. Нуриқбоев

горликлар жумҳуриятимиз ҳудудида кўплаб учрайди, лекин улар махсус ўрганилмаган.

Ўзбекистон ва унга қўшни жумҳуриятлар ҳудудида шундай ноёб геологик ёдгорликлар борки, улар ўзгаришсиз тошга айланган ҳолида сақланиб қолганлар. Шундай ёдгорликлардан бири қадимги геологик даврларда яшаган ҳайвонларнинг изларидир. Бунга мисол қилиб Қашқадарё вилояти Яккабўғ тизмасидаги Тошқўрғон қишлоғидан 3,5 чақирим жанубда (Китоб стратиграф-палеонтологик қўриқхонасида) топилган юра даврида (бундан тахминан 140—150 миллион йиллар илгари) яшаган байҳайбат калтакесаклар—динозаврлар (динозавр сўзини инглиз олими Р. Оуэн тақлиф қилиб фанга киритган, «Дейнос»—даҳшатли, «Заурос»—калтакесак деган маънони беради) изларини кўрсатиш мумкин. Бу районда юра даврида динозаврлар яшаши учун қулай табиий географик шароит (текислик, илиқ ва нам иқлим, бой ўсимлик қоплами) мавжуд бўлган. Бўр даврининг охирларига келиб табиий географик шароит ўзгариб, улар йўқолиб кетган бўлишлари мумкин. Бироқ, динозаврларнинг йўқолиб кетиши ҳақида бошқа тахминлар (бошқа ҳайвонларнинг устун келиши, космик омиллар) ҳам бор. Бу ерда оҳақтошлардан тузилган узунлиги 30 метр, эни 15 метрли майдончада юра даврида яшаган динозаврларнинг 50 га яқин панжа излари қайсисининг узунлиги 0,5 метр, эни эса 0,45 сантиметр.

Геология-минералогия фанлари номзоди К. Олимовнинг кўрсатишича, Урта Осиё ҳудудида динозаврлар изларини биринчи бўлиб 1882 йилда Помир тоғларининг Яёноб туманида рус сайёҳи Г. Д. Романовский топган. 1961 йилда Е. А. Кочнев шу туман динозаврларининг янги изларини топишга муяссар бўлган. Изларнинг ҳаммаси юра даврига мансуб ётқинди тоғ жинсларида топилган. Излар яқинида юра даврида ўсган диаметри 0,95 метрли даррахларнинг қолдиқлари ҳам топилган.

Қадимги геологик даврларда яшаган динозаврларнинг қолдиқлар изларини ўрганишнинг катта илмий ва амалий аҳамияти бор. Чунки уларни ўрганиб, ўтган геологик даврларда қандай табиий географик шароит мавжуд бўлганлигини, қандай ўсимликлар ўсганлигини, ҳайвон турлари яшаганлигини, улар ёрдамида иқлим шароитини ўрганиш ва аниқлаш мумкин.

Ўтган геологик даврларда ўсган даррахларнинг тошга айланган ҳолда сақланиб қолган қолдиқлари ноёб геологик ёдгорликларга киришини юқорида кўрсатиб ўтган эдик. Бундай қолдиқларни ўрганишнинг аҳамияти фанда гоятда аҳамияти катталигини академик В. И. Вернадский кўрсатиб кетган эди. Шундай ноёб геологик ёдгорликлардан бири қўшни Қозғистон жумҳурияти Саригоч қишлоғидан 46 чақирим шимоли-ғарбда ўзбек геологлари

томонидан топилган ва улардан намуналар Ўзбекистон Фанлар Академияси Х. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти биноси олдига (Академик Хадича Сулаймонова кўчаси) олиб келиб қўйилган. Геология-минералогия фанлари номзоди М. И. Исмоиловнинг маълумотига кўра, олиб келинган тош қотган даррахнинг узунлиги 12 метрдан зиёд, диаметри 92 сачтиметрга етади. Тош қотган даррах бўр даври ётқизилари (оҳақтош, қумтош ва бошқалар) орасида топилган. Бу ерда тош қотган даррахлардан ташқари тошга айланган судралиб юрувчи ҳайвонлар суяклари ҳам сақланиб қолган.

Юқорида Ўзбекистон ҳудудида тарқалган баъзи бир ноёб геологик ёдгорликлар ҳақида қисқа бўлса ҳам тўхтаб ўтдик. Уларнинг кўпчилиги ер юзасида содир бўлаётган ташқи геологик кучлар ҳамда инсоннинг уларга кучли таъсири натижасида йўқолиб бормоқда. Шунинг учун уларни муҳофаза қилишнинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Жумҳуриятимиздаги мавжуд геологик ёдгорликларнинг асосий хусусияти—уларнинг қайтадан тикланмаслигидир.

Ноёб геологик ёдгорликларни муҳофаза қилишнинг асосий мақсади—уларни сақлаш, улардан илмий, маданий-оқартув ва нафосат мақсадлари учун фойдаланиш ва келгуси авлодларга ўз ҳолида етказишдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистон ҳудудидаги ноёб геологик ёдгорликларни муҳофаза қилиш жуда зарур. Лекин ҳалигача бу борада кўпгина жиддий камчиликлар бор. Ўзбекистон ҳудудида ҳозиргача аниқланган геологик ёдгорликлар муҳофаза қилинмайди. Уларнинг кўпчилиги инсоннинг муҳандислик фаолияти таъсирида зарар кўрмоқда, ҳатто баъзилари йўқолиб кетмоқда. Бунга мисол қилиб Шимолий Нурота тизмасининг шимоли-шарқий қисмидаги (Сангзор дарёси қўйи оқимининг чап ёнбағрида) тошқўмир даврида ётқизилган оҳақтошлардан ташкил топган бир қояни кўрсатиш мумкин. Бу кўркам қоя 50-йилларга қадар савлат тўкиб турар эди. Унинг атрофи нураш ва емирилишга чидамсизроқ сланец ва қумтошлар билан тузилган. Оҳақтошлар емирилишга чидамли бўлганлиги сабабли, яхши сақланган эди. Бироқ, бу ерда оҳақ заводи қурилиб, қояни ташкил қилган оҳақтошлар хомашё сифатида фойдалана бошланди. Оқибатда ҳозир ўша қоя бутунлай йўқ қилинди ва жумҳуриятимиздаги ажойиб геологик ёдгорликларнинг биридан махрум бўлди. Бундан ташқари, жумҳуриятимиздаги кўпгина геологик ёдгорликларга, айниқса қояларнинг «хуснига» доғлар чаплашмоқда. Бундай қояларга баъзи бир «ёввойи» сайёҳлар, ўз номларини ўйиб ёки ўчириб ташлашни қийин мисол бўёқлар билан ёзиб кетишмоқда. Бунга мисол қилиб Бўстонлик ноҳияси-

даги Хўжакент қишлоғи атрофидаги ноёб геологик ва археологик ҳисобланган қояни кўрсатиш мумкин. Бу ерда борувчи баъзи кишилар ёдгорлик ёнига бўёқлар билан ўз исмлари (Ваня, Саша, Наташа ва бошқалар) ёзиб, уларнинг кўрнинишни бузишмоқда. Шунга ўхшаш ёзувларни Ўзбекистоннинг ноёб геологик ёдгорликларидан бири (Жиззах вилояти) ҳисобланган Темур дарвозасидаги қояларда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Бундай ёзувлар ёдгорликларга катта зиён етказди ва гўзал кўрнинишни йўқотишга олиб келади.

Ҳар қандай табиат гўзалликлари сингари ноёб геологик ёдгорликлар ҳам сақланишнинг асосий усули улар жойлашган районларда махсус муҳофаза ишларини олиб боришдир. Бу соҳада мамлакатимизда бир мунча ишлар қилинган. Масалан, Ғарбий Грузиядаги қадимда яшаган динозаврлар излари жойлашган ҳудуд Сатаплиа қўриқхонасида жойлашган ва улар анча йиллардан бери давлат томонидан етарли муҳофазага олинган. Бу қўриқхонада фақат динозаврларнинг излари эмас, балки табиатнинг бошқа ёдгорликлари ҳам муҳофаза қилинади. Жумҳуриятимизнинг Қашқадарё вилоятида топилган динозавр излари махсус стратиграф-палеонтолог қўриқхонасида жойлашган ва дунё миқёсида илмий ва нафосат аҳамияти бўлишига қарамастан, ҳозирча етарли даражада муҳофазага олинмаган. Шунинг учун улар ташқи геологик кучлар ва «ёввойи» туристлар «фаолияти» натижасида ўзининг дастлабки ҳолатини ўзгартириб бормоқда. Бу ерда ҳам Грузиядайдек муҳофаза ишларини олиб бориш зарур.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистондаги ҳамма ноёб геологик ёдгорликлар мавжуд бўлган жойларни қўриқхона деб эълон қилишнинг имконияти йўқ, албатта. Лекин ёдгорликлар жойлашган хўжаликларга (ўрмон хўжалиги, совхозлар, колхозлар, заводлар ва бошқалар) уларни табиий ўз ҳолида сақлаш вазифасини юклаш керак.

Ўзбекистон ҳудудидаги ноёб геологик ёдгорликларни фақат муҳофаза қилмасдан, улардан турли мақсадларда, айниқса туризмда оқилона фойдаланиш ҳам керак. Улардан фойдаланиш эҳтиёткорлик ва меъёри билан олиб борилиши зарур. Шундай қилингандагина уларга зиён-захмат етказилмайди.

Геологик ёдгорликлар муҳофаза қилиш учун танлаб олингандан кейин, ҳар қайси геологик ёдгорлик учун паспорт тузилиши керак. Паспортида ёдгорлик ҳақида керакли илмий ахборот ва муҳофаза қилиш тадбирлари кўрсатилиши лозим.

Мурот МАМАТҚУЛОВ,
профессор.

Алишер Навоийнинг 550 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон телевиденияси ва радиоси қошидаги «Тановар» миллий рақс дастаси улуг шоирнинг «Сабъай сайёр» асарини сахналаштирди. Қувонарлики шу ердаки, Биродарлашган Сияёл шаҳридан Ўзбекистонга келиб миллий ўзбек рақсларини ўрганаётган Эмикохоним ҳам мазкур сахнада иштирок этапти. Суратда: Машгулот пайти.

Суратқаш Р. Нуриддинов (ЎзТАГ)



Бухорода жадидизм ҳаракатининг иккинчи даври 1917 йилнинг апрел ойдан, яъни Бухоро амирининг «Хуррият манифести» эълон қилиниши ҳамда ёш бухороликларнинг Когондаги фаолияти билан бошланади.

Бухородаги жадидлар ҳаракатини Туркистоннинг бошқа шахарларидаги консерватив гуруҳлар, яъни кадимистлар фирқаси «кофирлар ҳаракати» деб баҳо бера бошладилар.

Амир манифести эълон қилинганининг учинчи куни Тошкент уламолари талаби билан мулла Холмурод фатво эълон қилди. Бу фатвода Россия, айниқса Бухоронинг бутун жадидларини ислом душмани деб айблади ва уларга қарши кескин кураш ҳар бир мусулмоннинг муқаддас бурчи деб атади. Бухоро уламоларидан мулла Икром эса «Мулла Холмуроднинг бу фатвоси ҳақиқатга тўғри келмайди. Бу ислом қонуну қоидаларига зид ривоятдир», деган масалани кўтариб чиқди.

Бухородаги Россия резиденти ходими Введенский ўзининг 1917 йил, 2 майда Тошкентга юборган телеграммасида: «Ёш бухороликларнинг охириги ҳаракатлари консерватив фирқаларнинг фаолиятини яна жонланттирди. Консервативлар кўчманичи чорвадорлар ва деҳқонлардан ўзларига ҳимоячи қидирмоқдалар», деб ёзган эди. Бухоро резиденти 1917 йил 14 июнда вақтли ҳукуматнинг Туркистон кўмитасига юборган телеграммасида эса шундай ёзади: «Қушбеги (Низомиддин Урганчи—Н. Й.) мамлакатдаги реакция ҳаракатни қувватлаган руҳониларга хазинадан кўпгина миқдорда пул ажратмоқда. Муллалар бошқаришнинг бутун тартиботларига аралашмоқдалар. Улар халқ ўртасида рус ҳукуматига қарши норозилик туғдиришда, ҳатто ёш бухороликлардан ҳам кўрчинчироқ душманларга айланмоқдалар. Улар халқ орасида панисломизм гояларини тарқатмоқдалар. Эски Бухородаги биринчи босмаҳонани йўқ қилишни талаб қилмоқдалар».

Бухоро жадидлари ҳаракатининг иккинчи даврида ёш бухороликлар ўртасида ажралиш бошланади. Жадидларнинг ўнг қисмини ташкил этган миллионер Муҳиддин Мансуров бошчилигида 1917 йилнинг апрел ойда «Шўройи Исломия» ташкилоти тузилди. Бу ташкилотнинг Марказий кўмитаси раҳбариятига Абдурахимхўжа Аҳмаджон маҳдум, Убайдулла хўжа ва бошқалар кирадилар. Муҳиддин Мансуров «Шўройи исолия» ташкилотига ўз ҳисобидан 16 миллион сўм пул беради. Каркида ҳам С. Фахриддинов ва Мирзо Фулом раҳбарликларида «Барки Бухоро ёшлари Шўройи Исолия Шўба» ташкил қилинади.

Ёш бухороликларнинг турли ташкилотларининг вакиллари амир билан музокара олиб бориш масаласини кизгин муҳокама қилдилар. Ниҳоят, Мансуровнинг таклифи кўпчилиги овоз билан қабул қилини «музокара комиссияси» тузишга қарор қабул қилинади. Комиссия аъзоллиги М. Мансуров, А. Муҳиддинов, И. Муҳиддинов, Муса Саиджонов, Абдулвоҳид Бурхонов (Мунзим), Мухтор Саиджонов, Файзулла Хўжаевлар сайланадилар.

Когондаги ишчи ва солдат депутатлари совети аъзолари ҳам ёш бухороликлар билан амир саройига музокара олиб бориш учун борадилар. Аммо амир билан олиб борилган музокаралар натижасиз тугайди. Оқибатда ёш бухороликларнинг сўл қаноти ўнглари билан ҳаракатини хоинликда айблаб, фақат қуролли кураш йўли билан амир ҳукуматини ағдариб, конституцион монархия тилидаги демократик давлатни вужуга келтириш мумкин, деган гояни илгари сурадилар. Улар амирга қарши хитобномалар, варақалар, чикара бошлайдилар.

1917 йилнинг иккинчи ярмида Хўсайн Хўжаев, Ҳалимбек Абдужалилов ва бошқалар раҳбарлигида амир сарбозлари орасида учта

яшрин ёш бухороликлар гуруҳи ташкил қилинади, унга юздан ошиқроқ сарбозлар аъзо бўлиб кирадилар. Юсуфзода ва Отахўжа раҳбарлигида хунармандлар ва мешкоблар ўртасида 200 кишилик гуруҳ Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Шерали Тошев раҳбарлигида форслар орасида 150 кишилик ёш бухороликлар гуруҳи ташкил қилинган эди.

Октябр ойи арафасида ёш бухороликларнинг сўл қанотига меҳнаткаш омма — хунармандлар, сарбозлар, камбағал деҳқонлар аъзо бўлиб кира бошлайдилар.

1918 йил бошида, Октябр инқилобидан кей-

латга айлантириш, бунинг учун молия ва ҳарбий мустақиллигини таъминлаш, Европа типидagi ҳарбий мактаблар очиш, ҳарбий мажбуриятлар ҳамма фуқаролар учун баробар бўлиши, ҳарбий хизмат икки йил муддатга бўлиши керак, дейилган эди. Аскар ва зобитларни ойлик маоши билан таъминлаш, армиядаги командирларнинг ўзбошимчалигига чек қўйиш, тан жазоси, беришни йўқ қилиш каби масалалар айтилган эди. Дастурда маҳаллий ҳукумат ва оқсоқоллар халқ томонидан сайлаб қўйилиши, ҳуқуқ идоралари шариат қонунлари асосида иш олиб борилиши керак, деб ёзилган

БЕГУНОҲ ҚУРБОНЛАР

ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ҲАҚИДА ИККИНЧИ МАҚОЛА

ин Абдурауф Фитрат томонидан ёш бухороликларнинг лойиҳа дастури ишлаб чиқилади. Бу дастурга Туркия миллий буржуазия вакиллари бўлиши ёш туркларнинг «Иттиҳод ва тараққиёт» фирқаси дастурининг нусхаси асос қилиб олинган эди. Дастур лойиҳасида инқилобий кураш натижасида Европа типидagi абсолют ҳуқуқларнинг миллий буржуазия манфаатлари ҳисобга олинган ҳолдаги ҳукуматни тузиш масаласи қўйилган эди. Деҳқончилик масалалари эса шариат қонунлари асосида белгиланган эди. Лойиҳада ерга бўлган солиқларни камайтириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳамда экин майдонларини кўпайтириш кўзда тутилган эди. Шунингдек Зарафшон дарёсининг суғориш тартиботини яхшилаш, Самарқанд ва Бухоро ўртасида сув тақсимотини ҳар иккала томоннинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тўғри тақсимлаш, шу билан бирга Амударё орқали Бухоро вилоятларига сув келтириш масалалари ҳам баён қилинади.

Дастур лойиҳасида қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши учун қишлоқ хўжалик қарз банкларини очиш, бу йўл билан деҳқонларни судхўрларнинг зулм занжиридан қутқариш, қишлоқ хўжалигини механизмлаштириш, бунинг учун чет мамлакатлардан қишлоқ хўжалик машиналари сотиб олиш, деҳқонларнинг машиналар билан муомала қилишлари учун махсус ўқув юртлари очиш, деҳқонларга агрономия билимларини ўргатиш масалалари ёритилган эди.

Дастурда вақф соҳасига алоҳида боб ажратилиб, вақфдан келадиган даромадларни маориф ва фанга сарф қилиш масалалари баён қилинган эди. Бухорони мустакил қучди дав-

эди. Вазирлар кенгаши 10 та вазирдан ташкил топиши керак, дейилган эди. Албатта бу дастур лойиҳаси камчиликлардан ҳам холи эмасди. Масалан:

1. Мамлакатда монархияни сақлаб қолиш;
2. Вазирлар амир ёки кенгаш томонидан тайинлаш;
3. Парламентнинг ҳуқуқлари тўлиқ баён қилинмаган;
4. Аграр реформа ўтказиш масаласида ҳам бу лойиҳада лом-мим дейилмаган эди.

Аммо юқоридagi камчиликларга қарамастан А. Фитрат томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа Бухоро ҳаёти учун катта ижобий воқеа бўлиб ҳисобланади. Айниқса, ёш бухороликларга «кофир», «динсиз» деб қўйилган айбларни бу чил-парчин қилиб ташлади. Чунки у Ислום динини давлат дини, бутун қонунлар, ҳатто ерларни идора қилиш, шариат асосида олиб борилади, деб эълон қилган эди.

Шунинг учун бу лойиҳа ёш бухороликлар кўмитаси томонидан тўла тасдиқланади.

Инқилоб ҳаракатининг кучайиши муносабати билан Бухоро ҳукумати мамлакатда реакцияни тобора авжига чиқаради. Амир Бухородаги Совет мухтор вакилидан бутун ёш бухороликларни беришни талаб қила бошлайди. Қушбегининг 1918 йил 24 январда Бухородаги совет вакилига ёзган мактубида қисман шундай дейилган эди: «Ёш бухороликлардан Тўла Жўраев, Муқим Каримов, Ҳамро Мухторов, Нажиб Ҳусанов, Ёдгор Қоршиғи, Мирзо Фулом ва бошқалар Карки, Когон, Чоржўй ва бошқа амирлик худудларида халқ орасида амирга қарши ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Шунинг учун ёш бухороликларнинг жазосини


ТАХРИРИЯТДАН

Бугунги кунда узоқ ва яқин ўтмишимизга янгиқа қараш бошланганлиги муносабати билан Бухоро амирлиги худудидagi жадидизм хусусида сўз борган маъзур мақолани ёритиш зарурми, йўқми деган масала бизни ўйлантириб қўйди. Чунки мақоланинг умумий оҳанги, воқеалар талқини шу кунлардаги нуқтан назарлар билан қараладиган бўлса, бир томонламадек туюлади. Нимага деганда Бухоро жадидларининг байроқдорлари бўлган «Ёш бухороликлар» амирлик тузумига қарши жон-жаҳдлари билан курашадилар ва бу билан Колесов бошчилигидаги Урта Осмё большевикларнинг тегиримонига сув қўядилар.

Октябр инқилобидан кейин ўтган етмиш йил давомида тарихга, тарихий воқеаларга ва айрим йирик шахсларга баҳо беришда тор қобидан қараш одат тусига кирди ва мактаблару олийгоҳларда ҳам фақатгина большевизм нуқтан назари омманинг миёсига сингдирилди. Маана, бугунги кунда ўша қарашларнинг бир томонлама эканлиги, аслида тарихга кенг миқдос-

бериш учун уларни амирга топширишгиз талаб қилинади».

Амир ҳукумати шаҳар ва қишлоқларда ёш бухороликларнинг яқин қариндошларидан уч олабошлайди. Мингларча кишилар уй-жойларидан қувиб чиқарилади, ҳатто айрим ёш бухороликларнинг хотин-болалари, опа-сингиллари кўчаларда тиламчилик қилишга мажбур бўладилар. Амир Фермони билан бутун мамлакатдаги ёш бухороликларнинг мол-мулки мусодара қилинган эди. Масалан, Мирзо Муҳитдин Мансуров (1917 йил 17 майда рус фуқаролигини қабул қилган эди) ўғли Мирзо Исом Му-



1920 йил хонавайрон қилинган Бухоро.

хитдиновнинг мол-мулки мусодара қилинганлиги ҳақидаги рўйхат архивда сақланмоқда:

1. Бухоро Темир йўл станциясидаги пахта ва лентер — 1 миллион сўм, қоракўл тери 80 минг дона — 4 миллион 800 минг сўм. Нақд пул 6.600 минг сўм. Аёлларнинг турли хил тақинчоқлари — 3.200 сўм.

2. Қизилтепа пахта заводи — 1 миллион сўм. Амир томонидан фақат Мирза Исомнинг мусодара қилинган нарса ва буюмларининг миқдори 31 миллион 845 минг сўм турган. Бундан ташқари турли хил фирмаларнинг қарзлари ҳақидаги ҳужжатлар 5 миллион сўм турган.

Амир томонидан Бухоронинг йирик миллионерлари Муҳиддин Мансуров, унинг ўғли Абдуқодир Муҳитдинов, Ф. Хўжаев, Бахшилло Хонов, Убайдулло Хўжа, Исоқ Афғаров каби юзларча ёш бухороликларни ва уларга хайрихоҳ бўлган минглаб кишиларнинг мол-мулки мусодара қилиниб, кўлга тушганлар қаттиқ жазоларга тортилдилар.

Амирнинг қонли террорига қарамасдан халқ оммасининг амирга қарши норозилиги оша боради. Масалан, 1918 йилнинг 24 январида Бухоро вокзали ёнида маҳаллий халқ ёш бухороликлар раҳбарлигида катта исён кўтардилар. Амир сарбозлари ва исёнчилардан анча киши ҳалок ва ярадор бўлади. Шу йлнинг 28 январида Қаркида маҳаллий халқ ёш бухороликлар раҳбарлигида катта намойиш ўтказдилар. Намойишчилар майдонга келиб, Қарки беги томонидан ёш бухороликлардан 12 кишини осиб учун тайёрлаб қўйган дорни йиқитиб, зиндондаги ёш бухороликларни озод қилдилар.

Ёш бухороликлар Когонда 200—300 кишилик

ҳарбий дасталар ташкил қиладилар. Қуролли кўзғолони тайёрлаш учун инқилобий кўмита ташкил қила бошлайдилар. Бунинг раҳбариятига Ф. Хўжаев, А. Фитрат, Отахўжа Пўлатов, Абдувоҳид Бурҳонов, И. Афғаров, Усмонхўжа Пўлатов, Фазлиддин Махсумлар кирган эдилар. Туркистон халқ комиссарлари советининг раиси Колесов бошчилигида бир гуруҳ ҳарбий отрядлар Когонга келадилар. Амирга ултиматум топширилади. Бунда амирликдаги бошқарув тартиботини дарҳол демократлаштириш, ёш бухороликларга ўтказилаётган барча жазо чораларини бекор қилиш, ҳукумат раҳбарлигини ёш бухороликлардан тайинлаш, амир олдида ёш бухороликлардан иборат кенгаш ташкил қилиш ва ҳоказо талабларни қўядилар. Колесов армияси икки минг кишига етган эди. Шу жумладан ёш бухороликлар, янги Бухоро ишчи ва солдат депутатлари Совети қўшинлари 800 кишини бирлаштириш эди.

Амир аҳволнинг танглигини ҳисобга олиб, музокара бошлаш йўли билан вақтдан ютишга ҳаракат қила бошлайди. В. С. Уткин бошчилигида 40 кишилик делегация амир билан музокара бошлаш мақсадида Бухорога амир саройига боради. Арkning пастиди 20 киши қолиб, қолган 20 вакил Аркка пиёда чиқадилар. Улардан 3 киши В. С. Уткин, А. Абдураҳмонов, Пендо Амир ҳузурига борадилар. Қолган 17 киши қушбеги идорасига кириб, уларни кута бошлайди. Амир билан музокари 2 соат давом этади. Арkning пастиди «думболапур» отряддан бўлган амир сарбозлари қўққисдан пастдаги 20 кишига қараб ўқ отадилар. Улардан 2 киши қочади, бошқалари ҳалок бўладилар. Уқ товушларини эшитган Арк тепасидаги вакиллар воқеани суриштирадилар. Уларга: «Халқ исён кўтариб, сизларнинг одамларингизни отиб ташлади ва ҳали замон бостириб қиради. Шунинг учун сизларни тахконга (подвалга) вақтинча яшириб қўямиз, кечқурун яширинча ўз жойларингизга юборамиз», деб алдайдилар. Уларни қушбеги ҳовлисидаги тахконга қамаб қўядилар. Етти кеча-кундуз овқатсиз қолган вакиллар таслим бўлишдан бош тортадилар. Амир буйруғи билан ертўланинг томини тешиб у ердан кислота қўядилар. 20 вакил шу жойда ҳалок бўлади.

Музокаралар давомида амир ўз кучларини тўплаб олган эди. Унинг буйруғи билан Феробдан Каттакўрғонгача бўлган масофадаги темир йўл излари бузиб ташланади. Колесов ва ёш бухороликлар янги Бухородаги ишчиларни олиб чекиншига мажбур бўладилар. Улар амир сарбозларининг ўқ бўронлари остида катта қийинчиликлар билан Қизилтепагача етиб келадилар. Самарқанд ва Тошкент томонларидан келган ёрдам Колесов отрядининг ва ёш бухороликларни улар билан бирга кетган ишчиларнинг оилаларини ҳалокатдан қутқаради. Колесовнинг Бухоро амирига қарши юришининг муваффақиятсиз туғашига сабаб Бухорода инқилобнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари етилмаган эди. Аслида бу ҳол инқилобни экспорт қилишдан бошқа нарса эмас эди.

Колесовнинг муваффақиятсиз юриши Бухорода халқ оммасининг сиёсий фаоллигининг пасайишига олиб борди ва инқилобий вазиятни анча кечиктиришига сабаб бўлди. Колесов воқеалари мамлакатда реакцияни, қонли террорни яна авжлантирди.

1918 йил воқеаларидан сўнг амир ҳукумати икки-уч ҳафта ичида Бухорода 3 мингдан ошмироқ кишиларнинг жадидлик ҳомийлари сифатида ҳалок эдилар.

Ҳоким синф, айниқса Бухоро раиси, қози-

калон ва уламоларнинг реакциян гуруҳллари жадидларни кўрган жойда ўлдириши ҳақида фанатикларча фатво бердилар. Жадид ва ножадидларни ажрата олишлари учун қуйидаги кўрсатмаларни эълон қилдилар: «Кимдан-ким ёқали қуйлагида тугма қадалган бўлса, костюм кийган кишилар ҳам жадид, кимда-ким соқоли қисқа бўлса, мўйловли узун бўлса у ҳам жадид, ким агар ўз боласини янги усул мактабига берган бўлса жадид, ўғлини Стамбулга ўқишга юборган кишилар ҳам жадид саналади. Кимда-ким газета ўқиса ёки бирор киши газета ўқийдиганлар билан борди-келди қилган бўлса, у ҳам жадид, рус тилини оз-моз биладиганлар ҳам жадидлардирлар». Бундай фатволар оқибатида амир жаллодлари қўлида кўпгина гуноҳсиз кишилар қурбон бўлиб кетган эдилар.

1918 йил 5 мартда оломон қилиб ўлдиришни тўхтатиш, жадидликка гумон қилинганларни Аркка келтириш ҳақида амир фармони эълон қилинади. Шунчалик кўп кишилар жадидликда айбаниб, олиб келинган эдики, амирлик зиндони, Аркдаги обхоналар, ҳатто ҳовлича деб аталган жойлар маҳбусларга тўлиб кетган эди. Маҳбусларнинг шунчалик кўплиги натижасида жаллодлар одамларнинг бошини кесишга улгур олмас эдилар. Шунинг учун Арkning рехона деб аталган жойида дор қилиниб, бандни уйга киргизиб, бўйнига сиртмоқ осар эдилар, ташқаридан бир киши уни тортар эди. 2—3 мартаба тортиб қўяверар, у одам бирикми минутда ўлар эди. Ҳар куни рехона деб аталган қушонада 150—200 киши осиб ўлдирилар эди. Жаллодлар ҳам бир кунда 20—30 тагача бандининг бошини танасидан жудо қилар эдилар. Ўлдирилган маҳбусларни кечқурун арваларга юклаб, «Тали Фарбон» деб аталган жойда бир кечада ўлдирилган 250—300 тагача ўликларни бир чуқурликка ташлаб қўмар эдилар. «Тали Фарбон» тепалигида дафн этилганлар ичида ўша даврнинг тараққийпарвар кишилари бор эдилар.

(«Тали Фарбон» Бухоронинг Талижа деб аталган шаҳар дарвозаси, қалъа тағида, яъни ташқарисида жойлашган эди. 1980 йилда Бухорода янги бозор қуриш баҳонаси билан бу тал ҳам олиб ташланиб, у ердан бир чуқурликка қўмилган юзлаб кишиларнинг бош суякларини чиққан эди. Афсуски, Бухоро зиёлиларининг қаршилигига қарамай, у ер фақат текисланибгина қолмай, Балки ўрнига бозорнинг хожатхонаси қурилди — Н. Й.)

Жадидчилик ҳаракатининг илк арбобларидан бири, тараққийпарвар шоир Ҳамид Хўжа Меҳри, шоир Мирзо Шоҳ, янги усул мактабида биринчи бор рус тилини ўқитишни жорий қилган мударрис мулла Вафо, С. Айнининг укаси Сирожиқдин, илғор зейлилар Мирзо Фазл, Мирзо Аҳмад, Қори Гулом, Фатхулла Хўжаев, Мирзо Шариф, Қори Мустақим, Махди Шамсов, Исмомил Хўжа, Мирзо Раҳматуллолар, жадидизмининг биринчи арбобларидан Фазлиддин Мақсумнинг укаси Бурхонжон, Мирзо, Соҷоқ, Мулла Шарифи Гурбуни ва бошқалар ҳам гуноҳсиз қурбон бўлдилар. Буларнинг ҳаммалари Тали Фарбонда дафн этилган кишилар бўлиб, уларнинг хотирасини эслаш учун бозор жойининг бирор майдонига улар учун ёдгорлик ҳайкал қўйиш мақсада мувофиқдир. Жадидлар ҳаракатига қатнашмаган, аммо бу ҳаракатга хайрихоҳ бўлган амалдорларни ҳам амир омон қолдирмади. Масалан, тараққийпарвар шоир, амир саройида амалдор бўлган Мирзо Саҳбо, Ҳожиқодоҳ, Қози Саиджон ва ўнлаб кишилар амир жаллодларининг қурбони бўлдилар.

Бухорода жадидчилик ҳаракатининг иккинчи даври ёш бухороликлар фаолияти билан боғлиқ бўлиб, ҳали мамлакатда инқилобий вазият етилмаган бир даврда кечди. Ёш бухороликлар орасидаги ўзаро ихтилофлар ва большевикларнинг уларнинг фаолиятига аралашуви ёш бухороликларнинг қонли мағлубиятига сабаб бўлди. Аммо уларнинг халқнинг фаровонлиги ва мамлакатнинг тараққиёти учун қилган ҳаракатлари бесама қетмади. Мағлубиятдан кейин улар энди амирга қарши курашнинг янги йўлларини излаб бошладилар.

Назрулло ЙЎЛДОШЕВ,
тарих фанлари номзоди

лар билан ҳолис қараш лозимлиги билиниб қолди. Октябр инқилобнинг аҳамияти шубҳа остига олинмаётган, босмачилик ҳаракати устига чаплаган буюқлар аста-секин ювиб ташланаётган бир пайтда жадидчилик ҳаракатини қандай баҳоламоқ керак! Ахир бу ҳаракат, ўзи қўзлаган мурод-мақсадига кўра, большевизмга ҳомийлик қилди-ку! Ваҳоланки, уларнинг ҳаракатлари — большевизмга ҳомийлик қилган ҳатти-ҳаракатлари! — кейинчилик керагича баҳоланмади ва қадрланмади. Аслида амирлик кўрғонини бўшаширган ва шу билан колесовчиларнинг қийин ишини осонлаштирган ҳаракат жадидчилик эди — мақоладаги далиллар буни исботлайди.

Тарих ҳамиша ҳолисликни ёқтиради. Зеро, воқеа-ҳодисалар қандай юз берган бўлса, тарих фани уни шундоқлигича, ҳолисона, ҳалоллик билан ёрйтиши зарур. Шунга кўра, жадидчилик ҳақидаги иккинчи мақолани ҳам муштарийларимиз мулоҳазасига ҳавола этмоқчимиз. Мақсадимиз кўпчилик ўқувчиларни тарихнинг чигал нуқталари ҳақида тўғри, ҳолисона баҳо беришга йўналтиришдан иборатдир.

Соғинч

Шодланиб кўнгли мунаввар, ёрдан келгач хабар,
Бахт-қувонч бўлмай муяссар, ёрдан келгач хабар,
Қутлашиб борлиқ муаттар, ёрдан келгач хабар,
Яхшилиқ келгай муқаррар, ёрдан келгач хабар.

Сон-саноксиз ҳар қадам қўйгач у хуш ошуфтлар,
Бағри соғинч дардла тўлган субҳи иқбол хасталар,
Анча ошиқ кўп тагин мендай кўринмас нукталар,
Қалбда муштоқлик музаффар, ёрдан келгач хабар.

Сенга севгим, эй санам, бир дамли оҳ-воҳлар эмас,
Юз кўришмак пайти келсин, биз бўлайлик ҳамнафас,
Бунга дилдан розилиқ кўзларда жим айтилса бас,
Ёнга ёр келганга ўхшар, ёрдан келгач хабар.

Ров

Бизни мафтун айлаган дилдан муҳаббат изладим,
Севгидан айтмакка сўз, кўздан ижозат изладим.
Истагимдан қайтариб роят қийин шарт қўйди ёр,
Тушди бирдан бошга ғам, қондан итоат изладим.
Юзма-юз ҳам жанга шай мағрур турар шарт васл аро,
Муддао топмак жавоб, ўздан жасорат изладим.
Кун чиқар пайт соядек юрғай қуёшнинг измидан,
Излаган нарсам сифат, издан аломат изладим.
Тунда уйнинг бурчидан келгай садо кўп турфа хил,
Уйқусиз шов-шув шивир, ундан каромат изладим.

Борлигим ром этди мушқил иш, берилдим шунчалар,
Қайда бўлмай ҳар замон, жойдан далолат изладим.
Қолди ёр бир ёқда мен шарт бандиман, овораман,
Ишга содиқлик насиб, ишдан саодат изладим.



Гофир ҚУРБОНОВ

Жалолиддин

Мангуберди

нидоси

Алломишнинг отаси
Барчинойнинг онаси,—
Халқим, ботирлар туғдинг
Евқир эди Гурўғлиг.
Ҳақни айтган номард эмас
Хазон бўлар, хас бўлар.
Уз-ўзин эзган элнинг
Ботирлари мард эмас.
Қаровсиз қолган чаман
Хазон бўлар, хас бўлар.
Уз тилини хўрлаган
Бир кун келиб паст бўлар.
Бул ватан битта дарахт,
Унга мева ҳар фарзанд.
Қай дарахтга тушса қурт,
Сарғаяркан, чириркан,
Ватаним, сени суюб,
Меҳрингдан қониб ўлсам,
Ватаним сени ўйлаб,
Йўлингда ёниб ўлсам!
Уз юртимда ўзим хор,

Борарга бир макон йўқ.
Бу тақдирга бўлсам иқрор,
Иқрорга ҳам имкон йўқ.
Юрагим инграр беуи,
Тополмасдан бир сирдош.
Чингизхонга ва лекин,
Мен яшайман эгмай бош.
Юртдош ҳам хоин бўлди,
Чингизни кўнглини хушлаб.
Дили қувончга тўлди,
Унга берганда мансаб.
Қондошга дилим очсам,
Ҳасратинг абас дейди.
Нолимагин сен, бўтам,
Асли-ирқинг паст дейди.
Қўлимда кетмон йиғлар,
Раҳми келиб юракка.
Беқадоқ қўллар юрак,
Нишон тақиб кўкракка.
Улар тож кийиб бошга,
Бўлдилар элга қуюн.

Ҳар замон текин ошга
Чопар элимдан бурун.
Ҳар халқни ўз юртига
Ҳоқим қилгин, эй худо!
Эл турса, эл устида,
Бундан ортиқ йўқ бало,
Ўз уйига тош отган
Қондошмини кўрдим мен.
Мискиндай инграб ётган,
Жондошмини кўрдим мен.
Жайхун бемордай оқар
Қирғоқлари қон бўлиб.
Елкамдан ғами босар,
Юзлари сомон бўлиб.
Халқим, ўзинга ишон,
Ғанимлардан қутма бахт.
Кураш, лекин ҳеч қачон,
Чингизларга берма тахт.
Юртин, тилин севганини,
Миллатчи деб айтсалар.
Қардош бўлса босқинчим,
Ўз юртига қайтсинлар.
Юртимга ато умрим,
Дунё ғавғоси беҳуд.
Мени тинглагин, халқим,
Ерим, сен ҳам қулоқ тут:
Юртин, қадрин билмаган,
Вемехр, ёниқ дурми?
Чингиз эл эмас бизга
Қайсарлар эл бўлурми?..
Шер ғурури шер ўғли,
Эл аждодидан тонмиш.
Бизку наслинг Гурўғли,
Бизку наслинг Алпомиш:
Халқим, сен ўғлонпараст,
Лекин Гурўғлининг қани?
Қани қиз — Барчинойдек?!
Кўзга кўринган ойдек?
Эл-юрт яшасин десанг,
Қалол, эркин, осойиш.
Туғ, хотиним, Гурўғли,
Тукқин ўғлон Алпомиш!..

Кузги боғлар мактуб битади —
Меҳмон бўлиб кетган баҳорга.
Мактуб олиб учар турналар.
Емғир ёғар айланиб корга
Шивирлашар куйчи хазонлар,
Саволларга кўмиб қуларни
Кўкка боқиб эслар дарахтлар.
Қўшиқ айтган ойдин тунлари
Мажнунтолнинг ёнида бешан
Музлаб кутар баҳорни бу сой.
Теракларнинг учидан учган
Қиш, совуқдан жунжикканча ой.
Кутавериб кўзи тўрт бўлган
Кўкламсиз боғ йиғласа керак.
Кузги боққа, хотам табиат
Ваҳоридан келтиргин дарак.
Сой уйғонар, чайқалиб нурдай
Хилол терак шохига қўнар —
Кузги боққа келмоқда баҳор,
Қўшиқ айтиб келди турналар...

Кетар бўлдим қарвондай яна,
Хайр, жоним, туғилган ерим.
Утдай соғинч қилар тантана,
Кўз ёшингни кўрсатма, шеърим.
Юр кетайлик, умидим унсиз!
Виз-ку бахтини излаган овчи.
Ортимдан ҳеч онам узмас кўз,
Оппоқ тоғдеки оқариб сочи.
Соғинч сенми энг оғир қийнок,
оналарни тоғ бўлиб эзган;
Ёки сенми сутдан ҳам оппоқ,
Ўликини ҳам юзма-юз қилган.
Азобдирсан, балки оқ сутсан,
Лек бор бўлиб, қуйдир беомон.
Соғинч, агар қай дам йўқолсанг
Инсонлиқни йўқотар инсон.
Кетар бўлдим қарвондай яна,
Хайр жоним — туғилган ерим.
Соғинч, доим қилгин тантана,
Кўз ёшингни кўрсатма, шеърим.



Ярамни янгиламанг

(Фарзанди урушда ҳалок бўлган
бир онаизорнинг ноласи)

Ярамни янгиламанг,
Гапирманг асло.
Бу гапни тинглашга менда йўқ
тоқат.
Вужудим титрайди,
Тўлганар гўё
Армонию юракда улғаяр фақат
Мурғак хаёлимни сира ҳам тортманг
Ширин ўйларимга берманг ҳеч озор.
Уша уруш манфур,
Уруш касофатни
Шундай айёмларда эслаш
недаркор?

Нега керак бўлди ундан сўз очиш,
Не учун бўлдингиз унга муҳайё?
Зарурмиди қалбга ҳозир туз сепиш,
Рухимни топтамоқ бўлдингизми ё?
Кўзимнинг қораси, жигаргинамни
Жангга ўз қўлим-ла жўнатган эдим.
Ок йўл тиладим қўздаги намини
Дока рўмол билан сидирган эдим.
Келинга аталган кўрпаларимни
Гўштсиз қўлим билан
қовимабмидими?
Ўғлим келар дея мен тунларимни
Бедор, киприк қоқмай ўтказдимки
жим.
Тиқ этгач шарпага мен солдим
қулоқ.
Тунлари ой нуридан уни изладим.
Шамол этагидан туриб мен ҳар чок
Ўғлимни кўрдингми, дея йиғладим.

Қуёшга боқиб-боқиб кўзларим
тинди
Юзин иссиқлигин оларманми деб.
Изага термулдим — гиёҳлар унди
Турарди хаёлимда гўё тирикдек.

Тўртгуллик дўпписи мени юпатар
Беқасам тўни аса босар ҳовримни.
Атлас қийққаси дилимни ўртар
Кўрпаси ёндирар менинг ичимни.

Ўғлим аламида куйиб ёнаман.
Уруш уни эмас, ўлдирди мени.
Бир умр эслайман ҳам тўлганаман
Зилдай жароҳатни олгандир таним.

Бу жароҳат ўри ҳеч битмаса яра,
Ҳамон янгиламанар ёдга тушган он.
Урушдан гапирманг,
Гапирманг сира,
Эзилган юракка тиг солманг ҳамон.

Шунда,
Фақат шунда топаман таскин,
Тўзиган хаёларим бир жойга
тинар.



Фарзандим руҳини эсласам лекин
Жароҳатли қалбда тасалли унар.

Ярамни янгиламанг
Гапирманг асло.
Бу гапни тинглашга менда йўқ
тоқат.

Вужудим титрайди,
Тўлғонар гўё
Армоним юракда улғаяр фақат.



Мен излайин қаерлардан

Қаерларда қолдинг, сўзлагин очик,
Эй, меҳр-оқибат излаган одам!
Илтижо қиламан, дилимни очиб
Кўзимга кўрингин, қийнама мудом.

Қаерлардан сени, айтгин, излайин
Турган кўноғингга елдай етарман.
Кўзимга сурмадай бўлар изларинг
Тоғу тош, дарадан ҳатлаб ўтарман.

Дарёлардан кечиб дадил боргум бор.
Бўронлар қаҳрига бераман бардош.
Чақмоққа кўксимни қиламан дутор,
Майли ёндирса ҳам ундаги оташ.

Қорларга зеҳнимни солиб қоламан
Емгирларга эса юзимни тутиб.
Дарагин бергин деб мен ёлбораман,
Шўх-шан шабаданинг этагин тутиб.

Беғубор осмон ҳам бермади хабар
Тилсиз дов-дарахтлар фақат
сукутда,
Кўешдан умидим йўқмас нақадар
Афеус, у ҳам мендай ёнарди ўтда.

Одамлардан эса ҳеч тополмадим
Юзлари, кўзларида йўқдур
изларинг,
Покиза қалбларига боксамда
қисман
Илғаб ололмади сени кўзларим.

Варибир, излайман, топишим аниқ
Сенсиз яшаш ўзи мушкул, оқибат
Аламли юзингдан пардани олиб
Гулгун рухсорингни кўрсатгин
фақат.

Чорток



Ақл ва соҳил

Бунча безовтасан, нотинчсан, денгиз!
Не ташвишинг, қандай дардинг бор?
Айюҳаннос, нола кечаю кундуз.
Айтгин, ким эшитгай, тушунгай
кимлар?
Ифлослик тушдими илиқ бағрингга?
Ернинг бирор жойи тебрандими ё?
Бардош беролмайсан қайси оғриққа?
Мудҳиш воқеани этдингми ё ёд?
Долғаларнинг йўлини тўсади соҳил.
Эркиннинг олдида гов бўлади у.
Биламан, қалбингни эзади соҳил.
Наздингда сен учун ёв бўлади у.

Мен сенинг ёнингда томчиман, томчи!
Аммо сеникидан кам эмас дардим.
Тепангда ялт этган йилдирим — қамчи
Менга ҳам тегади, ҳис этгин, кўргин!
Менда ҳам долғалар қўзғалар тез-тез.
Фарқ шуки, уларни кўрмайди ҳеч ким.
Ақл яширади ҳамма-ҳаммасин,
У ютар ҳам юрак, ҳам долға сасин.
Мен биламан, одамлигим тугаб қолгай
Долғаларни жиловловчи ақл бўлмаса.
Сен ҳам билгин, денгизлигинг тамом
бўлгай,
Тўлқинларни қайтарувчи соҳил
бўлмаса.

Кутдим, кутдим...


Ойдин тонгни кутдим
Тун тугамади.
Тобистонни кутдим
Киш тугамади.
Шодмон онни кутдим,
Иш тугамади...
Чақмоқ чақнаганда
Тунда ҳар сафар,
Секаниб,
Атрофдан кидирдим чаман.
Осмонда ёнмаган юлдузлар
Қатор,
Тизилди кимнингдир совук
кўксига.

Совуқлик, қоронғулик
Орди минг чандон.
Юрагим сизлади, санчди...
Ўксиди.
— Умидим қўлимдан етаклаб,
Секин олиб ўтди тундан-кунга,
қишдан — ёзга...
Деги:
— Энди завқлан,
Чин қалбдан севгин!
Қани эди!..
Севинишни унутибман...
Ўзгаман, ўзга.

Мактуб

Сен менга бир мактуб ёзмадинг,
Мен эса кўп кутдим бесаёр.
Юрагим эзилди, сизлади —
Сен унга юк ординг... оҳ, оғир!
Дардимга қўшилди янги дард,
Ўйимга қўшилди янги ўй...
Гўё ҳамма нарса бешафқат:
Ҳам ўрмон, ҳам Кўёш, ҳамда Ой...
Қулогим эшитмас куш куйин —
Қарғалар қағиллаб тепамда.
Шамол машқ қилади киш куйин.
Самодан томчилар ёнмоқда.
Дарахтлар учига тегароқ
Ўтади булуғлар — ел ҳайдар.
Мен эса бошимни эгароқ

Пана жой излайман, у қайда?
Баданим муз бўлиб бормоқда
Юзимни силайман — унда нам...
Гўёки балиқман — қармоқда
Қутилиш мумкинми балодан?!
Булуғлар бошимга энмасми?
Қалбимга совуқлик тушмасми?
Ҳам-алам вужудим энмасми?..
Ишончим чироғи сўнмасми?..
«Йўқ» дейман...
Кенг йўлга ўтаман, олдимда
Бруғлик кўринар.
Мен сендан нур-сўзлар кутаман!..
Киришсин юрагим тўрига!
Самарқанд



Шойим БУТАЕВ

йиб, Иброҳимнинг дили хуфтонлашди. Бир оғиз ҳам сўз демай моторни ўт олдириди.

Сукутга кетган дашт кўйида улар анча вақт беҳуда кезишди. Ахийри, чироқ ёруғини кўндалангига кесиб ўтишга уринаётган оқ бўканлар галаси кўринди. Мудраб кетаётган Муртазонинг кўзлари туйқусдан каттакатта очилиб, у Иброҳимнинг ўзидан уч-тўртта ориқча кўйлакни тўзигганини ҳам унутди.

— Бос! Газни бос! — дея сенсироганча бақириб юборди.

Иброҳим гурурини бу даражада ерпарчин қилдирмаганди. Тўғри, унга тегишишга, уни камситишга уринганлар бўлди — ахир одамлар одам боласининг гурури билан ўйнашни хуш кўрадилар-ку — лекин, Иброҳим улар ўйлагандек бўш-баёв эмасди. Энди эса... Кўксидан нимадир «чирт» узилиб тушди. Ҳа, ўз шаънини сақлаб қолмоқчи ва нимадир қилмоқчи бўлиб Муртазога қараганда, у:

— Нега анқаясан, газни бос деяпман!.. — дея депсинди.

Муртазонинг важохати кўрққулик эди.

яроғлари, иккаласининг дилларида унданда мудҳишроқ ҳийла-найранглари бўлади. Улар бир-бирларидан домангир бўлишга сираям ҳақ-хуққулари йўқ. Одамиятга мансуб бўлмаган барча тирик жон ва одамлар ўртасидаги кураш адолатсиздир. Айниқса, оқ бўканлар сингари ҳўр жониворлар...

— Тўхта-ат! Тўхта-ат деяпман сенга-а! — Муртазо енидан тортиб бир-икки силтаб ташлагачгина Иброҳим ўзига келиб, оёғини тепкидан олди. У оқ бўканларнинг жайноқланган кўзларидан шури музлаб қолгандай қарахтлашган эди.

Машина бир қалқиб тўхтади.

— Ҳаммасининг абжағини чиқариб юришимизга бир баҳя қолди-я! Кейин кооперативчилар пулга туғул текингаям олишмасди, — шундай дея Муртазо паства сакраб тушди. Иброҳим ҳам ноилож унинг ортидан судралди. Машинанинг чироғи ёруғига бўлиб ўтган ҳодисанинг натижасини аниқ-аниқ кўраркан, ўтақаси ёрилаёди. Йўқ-йўқ, у бундай бўлишини етти ухлаб тушидаям кўрмаганди. Оқ бўканларнинг баъзилари

КЎРҒОНЛАНГАН

(Романдан парча)

Тиллақошдек ой гоҳ булутлар қабатига кириб, гоҳ кенг осмон саҳнига сирғалиб чиқиб, тўлқинлар қуршовидаги заврақдек қалқиб-қалқиб кезинарди.

Муртазо сой бўйида чопонига ўраниб ётганича кутарди. Ниҳоят, узокдан бир жуфт чироқ балқиб кўринди.

«Келаяпти! — гўлдиради ўзича Муртазо. — Хайрият, алдамабди. — Бир четга «чирт» этказиб тупураркан, ўз-ўзича кўшиб кўйди. — Алдагандаям энасини кўзига кўрсатардим-да!»

Чопонини қоқа-суқа ўрнидан турди.

Машина олдингисиде тўхтади.

— Топиб келдингизми? — сўради Муртазо Иброҳим кабина эшигини очиши биланок унга пешвоз юриб.

— Ҳа-а, — калта жавоб қайтарди Иброҳим. — Орқада, кузовда турибди.

— Олиб тушинг! — фармон берди Муртазо.

Иброҳим лом-лим демасдан темирни машина юкхонасидан сугуриб олди. У Муртазонинг айтганларини сўзсиз бажо этаётганидан ўзи ҳам ҳайрон қолар, аччиқларан, лекин тоғбегининг иродасига қарши борнишга ботина олмасди.

Темирни машинанинг олдига Муртазо аввалдан тайёрлаб қўйган симлар билан мусти-мустаҳкамлаб борлади. Ҳазим темирмас, беда ўрмига шайлангирган чалгига ўхшаб қолди. Ишни ниҳоясига етказгунча улар, худди келишиб олишгандек, бир-бирларига чурк этиб ҳам оғиз очишмади. Ниҳоят, Муртазонинг кўнглидагидек «ов қуроли» тайёр бўлди. У қафтларини бир-бирига уриб қоқди-да, ишчан киёфада кабинага чиқиб ўтирди.

— Аста-секин жилаверамиз, — дея Муртазо бепарво. — Тулпорингизни қачон қичаб хайдаш кераклигини ўзим айтаман.

Муртазонинг сўнги гапини истеҳзога йў-



Гарчанд Иброҳим анча-мунча нарсадан кўрқмаса-да, кескир сўзларнинг дамга дош бериши қийин бўлди.

У аламини олишни, поймол бўлган шаънини яна юқори кўтаришни кейинга сурди-да, газни босди. Ҳозир у ўзини худди аскарликдагидек ҳис этмоқдайди. Дарвоқе, остидаги шалоғи чиққан машинани истисно этганда, қолган ҳамма нарсаси ўхшаб кетарди. Фарқи шуки, у ёқда нишондаги нарса — Одам! Фақат у ёқда мудҳишлироқ, у ёқда кўрқинчлироқ — боиси, ўлдирилажак кимарса ҳам жон-жаҳди билан ўзини ҳимоя қилишга интилади. Ҳа, ўзи ҳимоя қилиш деган гоғтада назокатли, андишали баҳона қонли мешга боғириб қўйилганлигидан ҳар қандай калтафаҳм ҳам огоҳ бўлса керак. Сирасини айтганда, дунёдаги энг адолатли уруш одамлар ўртасидаги урушдир. Чунки, бу чоғда бир-бирдан сира кам бўлмаган, фикрлаша ва сўзлаша оладиган жонзодлар курашадилар. Уларнинг иккаласиниям қўлларида мудҳиш қурул-

оқсоқлана-оқсоқлана қочиб қолишга ҳаракат қилишар, баъзилари тўрттала оёғидан ақали бирортасиниям қимирлата олмай онтарилган куйи ётарди. Муртазо ҳеч нарсага қарамай, уларнинг бўғзига пичоқ тортиш билан овора эди. Чамаси, йигирматача оқ бўканини ҳалоллагач, қаддини тиклаб Иброҳим томонга кескин бурилди:

— Нега қаққайиб турибсиз, буларни машинага юкланг!

Иброҳим бездай бўлиб тураверди. Бордию айна дамба унинг юзини кўриш имконияти бўлганида эди, киёфасининг беҳад ўзгариб кетганлиги, ёноқларининг пир-пир учаётганлиги, кўзларининг шоҳқосасидан чиққудек қон талашиб турганлиги аён кўринарди. Таассуфки, теварак-атрофни тенгсиз зулмат чулғаган, наинки бундайини кичик ўзгаришларни, балки одамнинг ўзини ҳам уч-тўрт одим наридан илғаш қийин эди.

— Мен кетаман, — деб қолди ҳеч қутилмаганда Иброҳим.

Муртазо, қўлида пичоқ, ўрнидан сакраб

турди. Иброҳимга ташланмоқчидек бир важозатга кирди: қўлларини икки томонга ёзиб, оёқларини кериб турди. Лекин, осойишта, бошиқ овозда, якхаш ҳайрон қолганлигини ифодаламоқчи бўлгандек:

— Ие, нега?! — деди, сўроғи замирида аллақачна оғу силқиб турганлигини ўзиям сезиб. — Бемаҳалда қаёққа?

— Кетаман-да! — Иброҳим «уйга» дейишга истиҳола қилди, бундай деса нариги кўчада адашиб қолган ёш боланинг ҳолатидек бир ҳолатга тушишини айни вақтида тасаввур этди.

— Булар-чи?! — Муртазо ҳамон ўша-ўша хотиржам кайфиятда, қифт қисиб пичоқнинг учи билан оқ бўқанлар уюмини кўрсатди.

— Билмади-им, мен буларни ортмайман! — юрагининг тубидан чиққан бу хитоб Муртазодан ҳам кўра унинг ўзини кўпроқ ҳайратда қолдирди.

— Ие-ие! Унақа деманг-да энди-и! — Муртазонинг сўз оҳангида Иброҳим ҳеч қачон бу ердан ўз-ўзича кетолмаслигини англагучи алланималар бор эди. Буни шубҳасиз Иброҳим ҳам ички куч билан сезди, бошқа гап қайтаришга ўзида куч тополмади. Устига-устак ярим тун, кимсасиз ваҳмкор дала-тузда бир оғиз сўз учун аста жонини дорилбақога сўнатишини ҳам истамасди.

Ярим соатлардан сўнғ улар катта йўлга чиқиб олишганди.

Иброҳим «чурк» этиб оғиз очмас, рулни маҳкам сиққанча йўлдан кўз узмай борарди. Муртазонинг эса негадир жағи тинмас, нуқул: «Бу жониворларни биз овламасак ҳам барибир бошқа бировлар тинчитиб кетишади-да», дея қилмишларини оқлашга уринарди.

Иброҳим ҳамон миқ этмасди.

— Ҳо-й, қанақа одамсиз ўзи, — жигибийрон бўларди Муртазо, — ўтгани ўтди-кетди! Нега мунда-ай... қовоқ-тумшугингизни очмайсиз... Мана мен, барчасини унутиб юбордим-ку...

Иброҳимнинг кўзлари гоҳ-гоҳида алангалашиб кетарди, холос.

— Евонга ҳайдавнинг, — деди Муртазо чорраҳага етай деб қолишганда, — ўша ерда бир қассоб билан гапчилик келганман. Калласи ишлайдиган одам. Уч-тўртта ёру биродари билан кооператив очилган. Сомса дейсизми, шашлик дейсизми, шўрва палов дейсизми — минг турли овқат пиширишади. Аста-секин Евонни ўз қўлларига олиб олишмоқчи.

— Евон узок, — деди Иброҳим унинг гапларига мутлақо эътибор бермай. Алоҳа, Муртазо айтаётгандай кооперативчилар ҳозир ҳаммаёқда тўлиб-тошиб ётишар, ўзларига берилган имкониятдан фойдаланиб, иложи борича халқни кўпроқ пилишга ҳаракат қилишарди.

— Тўғри, — тасдиқлади Муртазо унинг сўзини. — Евон узокликка узок, бироқ у қассоб килосига уч сўдан беришга рози бўлган. Бошқа ҳеч қайси кооперативчи бундай тўламайди.

— Мошини мазаси йўқ, — баҳона қидиришга тушиди Иброҳим. У ёққа боргиси келмаётганини сўзининг оҳангидан алоҳида ошкоралик намоён бўлиб турарди.

— Мошин — темир! — деди Муртазо қатъий таразда. — Бути йиртилиб қолмайди. Сизни жаҳаннамга ҳайданг деганим йўқ-ку, Евон нима деган гап...

Муртазо бу билан, агар мен айтган жойга ҳайдамсанг жаҳаннамга ҳам жўнатавераман, демоқчи бўлганди.

— Вола-чақа, уй-рўзгор ташвишлари сизга шусиз ҳам етиб ортса керак, — Муртазо ўйлаган ўйининг ҳулосасини айтиб кўя қолди.

— Ҳаммасининг падарига лаънат! — деди алам билан Иброҳим. — Узимга қолганда худо ҳақки уйланмасдан ҳам...

— Эрақ одам уйланмаса бўлмайди, — деб кўйди Муртазо байини ҳаётнинг аччиқ-чучугини хўп татиган кексалардек дон-дона қилиб.

— Одамлар жамаки разил қилмишларига оиласини, бола-чақасини оқ қилишига ҳайронман, — деди Иброҳим.

Бирок, бу орада у барибир машинани Евон йўлига буриб олди. Муртазо шу боис, кайфияти хушланиб, ўзига теккизиб айтилган гапга ҳам парво қилмай, суҳбатни бажонидил давом эттирди.

— Ҳукуматимиз болапарвар-да! — деди истехзоли кулганча. — Ана шунақа баҳонаиб сабаблар бўлса тез кечиради...

— Биз айтмамиз-қўямиз-да, ҳукумат кечирмайди! — хўрсинди Иброҳим.

— Сизу бизни кечирмайди, аммо бундан энгилроқ баҳоналар билан кечирилиб кетадиган одамлар бор, — деди Муртазо, айни дамда Иброҳимнинг фикрини ҳам тасдиқлаб, ҳам рад этаркан.

— Тош муаллим айтадики, бир хил мамлакатларда одамлар ўн кунми-йигирма кунми очлик эълон қилишса, овқат емай, фақат нон-чой билан қиёволашишаркан...

Муртазо илгари бундай гапни эшитмаганди, ажабланиб ёқасини ушлаб қолди.

— Демак, бизнинг қишлоқларимизнинг одамлари ҳам йил — ўн икки ой очлик эълон қилишса бўларкан-да! — дея хитоб қилди сўнгра.

— Барибир, нон-чойдан бўлак ҳеч вақо топишмайди...

— Билмадим, — деди Иброҳим омонш бош қайчаб. — Бизнинг одамларимиз очлик эълон қилишса-қилишмаса катталаримизнинг парвойига келмаса керак. Қамоқхонада ишлайдиган бир мелиса ошман айтадики, баъзи мабухлар ўз-ўзларича очлик эълон қилиб, ҳеч нарсга емай, беҳудага ўлиб кетишади, деб. Бундан бировга заррача ҳам оғирлик тушмаскан...

— Нега? Анаву америкалик бор эди-ку... Ҳайдерми, Ҳайдарми...

— Доктор Хайдер! — эслади Иброҳим.

— Ҳа-а, ўша одам очлик эълон қилганида ҳукуматимиз самолёт билан дори-дармон, озиқ-овқат олиб борди-ку?

— У — бошқа! Сизу биз доктор Хайдер ҳам эмасмиз, америкалик ҳам эмасмиз, очлик эълон қилсак, ҳукумат бир қултум сув ҳам тутмайди, ҳуда-беҳуда ўлиб ҳам кетаверамиз...

Муртазо, америкалик ённки бошқа чет эллик эмас, айнан ўртақайнарлик бўлгани учун нега ўзига ҳеч қандай ёрдам кўрсатилмаслигининг, ҳатто очлик эълон қилсангиз эътиборсиз ўлиб кетаверишининг боисини англолмасан-да, бу нарсаларни ўз-ўзича биллиб юрадиган Иброҳимга ҳурматли ошди.

— Сиз тузуксиз, Иброҳим ака, — деди ўзини унга яқинроқ тутиб. — Шунақа нарсаларни биллиб юрасиз.

— Мен билмасдим, — деди Иброҳим ҳам самимийлик билан. — Бир-икки гал Тош муаллим билан чойхонада билла-билла ўтириб қолувдик, ўша киши айтиб берувдилар.

— Тош муаллим кўп нарсаларни билар экан.

— Ҳа-а, билгани билан чорасини тополмайди, бора-бора бечора бош оғриққа йўлиқиб қолди. Уйлайди-да! Лекин унинг ўзи, бу нарсаларни ўйламаслик керак, у Америка ёки бошқа жой бўлгани билан, магазинларида ҳамма нарсга тўлиб-тошиб ётгани билан, одамлар эркин ва хур фикрлай олгани билан бизга юрт бўлолмайди, дейди.

Иброҳим оғир хаёл огушига чўкиб, бошқа сўз қотмади.

Муртазо ухламасликка қанчалик уринмасин, кўзи илинганини кўпинча пайқамай қолар, машина силкингандада чўчиқираб кўзини очар ва «сезиб қолмадимиким», дегандай Иброҳимга симрайиб нигоҳ ташларди.

Иброҳим рулга худди қапишиб қолгандай, кўзларини йўлга диққат-ла қадаган кўйи ўтиргани ўтирган эди. У, Муртазонинг ухлаган-ухламаганига мутлақо эътибор бермаётган бўлса-да, Муртазо ўзича, ухлаб қолсам кўнглига келар, деган андишдада эди.

Қассобнинг уйига субҳи қозибда етиб келиши.

Эшикни тақиллатиши.

Ичкаридан иккита-учта итнинг йўғон-йўғон товуща вовиллагани эшитилди.

— Итбозми дейман! — кесатди Иброҳим.

Муртазо елка қисиб, яна эшик тақиллатишга тушди.

Бир маҳал ичкаридан бировнинг кетма-кет йўталгани ва:

— Ким у? — деган таҳликали товуши эшитилди.

— Мен — Муртазоман, Ўлмас ака-а...

Эшик очилиб, йўл-йўл матодан тикилган тунги кийимдаги, жингалак сочли, узун бўйли қотма киши кўринди.

— Яхши келдиларингизми? — деб сўради у, кўришиб бўлгач дарвозанинг иккала табакларини ҳам кенг очаркан. Хатти-ҳаракатларидан аввалдан оғоҳ этилганлиги, атай кутиб турганлиги аён бўлди.

Иброҳим машинани дарвозахонага олиб кирди. Қассоб ҳали оқ бўқанларни кўрмай Муртазодан:

— Нечта? — деб сўради.

— Ўттиз бешта, — деди Муртазо. — Аслида ўттиз еттита-ю, майли, иккитасини сизга ташлаб берамиз.

Қассоб иккала қўлинига бараварига юқори кўтарди.

— Йўқ, ташлаб бериладигани бизга керакмас! — деди у, байини ҳамшиша ҳалолу покиза яшагандек, бировнинг ҳақиқа жиндикина хиёнат қилса тешиб чиқадигандек. — Ўттиз еттитами, ўттиз еттита-да! Виттаси нечи килодан

— Йигирмадан, — деди Муртазо.

Қассоб англамай турди. Сўнгра ўз қусурини дарров бўйнига олмаса келганлар билан келишиб бўлмаслигини тушуниб етди, шекилли:

— Бу у сал-пал оғирроқ! — дея Муртазога қуллогини кўрсатди. — Яқинроқ келиб, қаттиқроқ айтиверинг!

— Йигирмадан! — Муртазо унинг қуллоғи супрасидан ушлаб, микрофонга гапираётгандек гапирди.

Қассоб эшитдим, дегандай бош ирғади. Сўнгра машина гилдиратига оёқ қўйиб қузовга назар ташлади. Бир пас ўйланқираб турди-да, пастга тушиб қафтларини бир-бирига урганча қолди.

— Тушираверинглар! — деди сўнгра Муртазога қараб қатъий оҳангда. — Ўн бешданга келишганимиз бўйича оласизлар. Нақд тўлайман. Даллол-паллолсиз, ширинкомона-пиринкомонасиз. Ҳа, десаларингиз — шу: йўқ, десаларингиз — ўзларингиз биласизлар.

Муртазо қассобнинг бундай ноинсофлигидан ранжиб сўкинди. Илож қанча? Бошқа қаёққам борарди? Борди-ю, айни дамда бу Ўлмас ака деганлари ҳар бир оқ бўқанга ўн килодан вазн қўйсаям кўниб кетаверишдан ўзга илож йўқ.

— Бўпти-да! — деди Муртазо қассобга эмас, негадир Иброҳимга қараб. — Қаёққа туширамиз?

— Бу ёққа! — қассоб ҳовли ўртасидаги чуқур ёнини кўрсатди. Этакда, — панжара ортида хўтиқдек-хўтиқдек келадиган учта ит ириллаб туришарди.

— Ҳаром аъзоларни увол қилмайлик, деб сақлаганимиз буларни, — деди қассоб, Муртазо ва Иброҳим итларга ҳайрон бўлиб қараб қолишганини кўриб.

Машинани юкхонасидаги чала сўйилган оқ бўқанлар ҳашпаш дегунча чуқур лабига келтирилди. Бу орада ўн тўрт-ўн беш ёшлар чамасидаги бир ўғлон ўнг қўлидаги пичоқни чап қафтидаги силлик тошга қайрай-қайрай, уйдан чиқиб

келди. Чамаси, синглиси бўлса керак, ўн бир-ўн икки ёшлардаги қизалоқ велосипед гилдиратига дам берадиган насос кўтариб унинг ортидан чиқди. Боланинг эғнида сўнги румсумдаги пўрим спорт кийими, қизча эса мактаб формасида эди. Улар ёсмай-ёсмай чуқур лабига келишди-да, ҳамишанг одатий ишни бажарётгандек оқ бўқанлардан бирини сал четга сурашди. Уғлон эғнашиб чала сўйилган бу жонзоднинг калласини бир пичоқ

тортишдаёқ ўз танидан мосуво этди. Сўнгра уни қалқанчасига ағдариб, орқа оёғининг пойчасини кесиб, дамлашга ҳозирлади. Насос шнурининг учини тери ичига тикиб, ил билан уни чандиб боғлади. Беш-олти марта дам берганди, оқ бўкан дўмбирадек шишиб кетди. Ана-мана дегунча бўлмай, уён-буёнга ағдариб бола оқ бўканининг терисини шилиб олди ва иккинчисига ўтди.

— Болалар ҳам ёнимизга кириб қолди, — деди қассоб мамнун оҳангда. — Саккизни битириши биланок ўғилчани мактабдан чиқариб олмақчиман. Керакли нарсаларга ўзим ўқитаман. Ҳисоб-китобга балодекман. Қалла қургур шунга келганда жа-а ишлаб кетади.

— Тўнғичингиз бўлса керак-а? — Муртазо оқ бўканининг терисини шилиш билан машғул бўлган болага ишора қилди.

Қассоб кафтини қулоғининг ортига қўйиб, кимирлатди:

— Нима дедингиз, ағнимаи қолдим?

— Тўнғичингизми? — бақирди Муртазо унинг қулоғи остига келиб, ўзига-ўзи «тўнғичими-тўнғичимасми, менга нима?» деб қўйди.

— Ҳа-а... — қассоб унинг саволини эшитганлигини билдириб, чўзиқ хитоб қилди. — Йўқ-йўқ, бу тўнғичимиз эмас. У... бир, икки... уч... — қассоб бармоғи билан ниманидир санаб кетди ва ниҳоят, ҳаёлидаги аниқ ҳисоб-китоблардан кейин топди. — У ўзини-чанда ўқийди. Бундаймас, юракдан бермаган, қондан кўркади. Унинг онасиам ўрлим катта шаҳарларда ўқисин, деб орзу қилади. Майли, ўқиб бўлса ўқийди-да, дейман; битта бола экан-ку, ўнга бўлсаём ўқитиб оламан, дейман. Танишлардан сероб. Ижрокўм раисининг ўзлари билан ҳам жа-а ош-қатқ бўлмасак-да, борди-келдимиз бор. Вир кунди дўконга ўзлари келиб қолсалар бўладими? Шопирлари мошини тўхташиб кутиб турибди-ю, у киши пойу пиёда, битта-битта қаддам ташлаб келаяптилар. Ўзи дўконнинг ёнидаги чойхонанинг чойхоначаси ернинг тагида илон кимирласа сезади — йилли сичқон-да! Эртамитандан ҳаммаёққа сув селиб, салкинлатиб, бадастур қилиб қўйганди. Вир ўйладимки, ижрокўмимизнинг раиси чойхонага келаятгандир, деб. Дарров ташқарига чиқиб, қўлини кўксига қўйганча эгилиб турган Мамаюсуфнинг ҳам қўзлари йилтиради: зора, у киши чойхонага кириб бир чойнак аччиқ чой сўраса! Йўқ, у кишининг мунақа ниятлари йўқ шекилли, тикка дўконга қараб келаяптилар. Ноқулай бўлмасин деб ташқарига чиқиб турдим. Олдимга келиб кўришгани қўл узатдилар. Тахта бўп қолибман. Мамаюсуф бўлса нуқул атрофимда айланади, узокдан туриб кўз кисади, имлайди, чойхонага бошласанг-чи, галварс, деяётгандай бўлади. Ахийри базўр тилга кирибман. Тилга кирмай мен ўлай, хўш, хизмат, деб юборсам бўладими? У киши жилмайдилар. Жилмая туриб: «Улмасан, сиз хўрматга лойиқ одамсиз!» дедилар. Е товба, исимини деб қаёқдан билиб олибдилар экан. Шундоқшундоқ, нақ Москвадан бир оғайнимиз келиб ўтирибди, дедилар. Келса келар, ўнтаси келмайдами, юзтаси келмайдами — сояи давлатингизда мундо-оқ дам олишиб, мундо-оқ одамга ўхшаб: ҳа-а, шундай дедим; одамга ўхшаб, дам олиб кетишди-да, дедим.

Ҳар кун келишди, дедилар у киши. Ўнтасиям, юзтасиям, юз мингيام келишди; ароқхўриям, бошқасиям келиб насобасини териб юришди, дедилар. Аммо бу меҳмон, қулоғим остида шипшидилар ижрокўмимиз раиси, бу меҳмон — ажойиб одам! Ҳа-а, ана-мана деган одаммас! Унинг келганини ҳатто областдаям билишмайди, билишса борми, ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб юборишди, оёғини ерга теккизмай олиб кетишди. Шунга дейди, денг. Мен денг оёғини ланг очганча тураверибман. Шу меҳмон хурсанд бўлиб кетсалар биз ҳам хурсанд, дейдилар ижрокўмимиз раиси. Албатта-албатта, дея у кишининг суҳанларини маъқуллайману, ичимда дардини тезроқ айта қолсайди, деб ўйлайман. У кишининг шамаларига Мамаюсуф тушуниб, бу пайдага менга кўз қисаёт-

ган, имлаётган, имо-ишоралар қилаётган экан — нима дейсиз, чойхоначи кўринарми-ди кўзга?! У киши талмовсарианиб турдилар, кейинчалик ўйлаб қарасам, анчагина хуноб ҳам бўлибдилар. Ахийри тоқатлари тугади чоғи, гапнинг пўстқалласини айтиб қўя қолдилар. Бизга шашликбоп, димламабоп, паловбоп қилиб тўрт-беш кило гўшт тортинг, дедилар. Ишонасизми, суюниб кетдим! Қаранг-а, мендан гўшт сўраб келибдилару мен галварсини ҳаёлим қаёқлардан юрибди. Айтганларини тўртга халтага, тўрт-беш килодан қилиб, алоҳида-алоҳида солиб бердим. Шофёрлари зипиллаб ташияпти. Вир маҳал қарасам, у киши чўнтақларидан партбилетларини чиқардилар. Жуда яхши тугили, бирор жойига доғ тегмаган. Орасида бир даста бели синмаган юз сўмлик кўришни турбиди. Мамаюсуфнинг ранги пага бўлиб кетган, жойидан жилмайди, михлангандек қотиб қолган. Рости гап, мен парвойимга ҳам келтирмадим. Ахир, у чойхоначи Мамаюсуф эмас — беш тийинга қараб ўтирадиган! Ижрокўм раиси-я! Катта-катта олади олгандаям! У киши битта юзталикни менга узатдилар қарасам. Қўйинг-қўйинг, дедим у кишининг қўлларини астойди қайтариб, хафа бўлмасиз-а!..

Визга ана шу бир оғиз ширин суҳан катта давлат! Ўзимиз гўштларини олтига қўйдан тергилаб чикдим-да! Битта қўйдан чикса бир кило-икки кило шўрвабоп, шунча димламабоп гўшт чиқади-да! Қолгани похолга ўхшаш лаҳм бўлади. Гўштнинг мазасини билмайдиганлар ўзларини ана шу лаҳмга урадилар.

Шу-шу ижрокўм раиси ҳам хўрмат қилдилар. У кишининг ошолари кўп. Улар билан ҳам ора-инилашиб қолганмиз. Яхшининг шарофати-да! Сал томоқ қирсалар тушунасим, дарров кўнгилдагидек гатоп қилиб уйларига етказамиз.

У кишининг ошоларидан биттаси катта шаҳарда, институтда ишларкан, танишиб олдик. Улмасвой, ўнга ўғлингиз бўлса ҳам ўқитиб бераман, дейди. Зағнарнинг боласи мард кўринади, аммо, жа-а тўзғитиб ичар экан!... Катта ўғилчани ўшанинг олдига юборамиз. Майли, ўқисин. Онасиям хурсанд бўлади.

— Буни ўқитмаймиз, — қассоб оқ бўканининг қарийб ярмисини терилаб бўлган ўғлонни кўрсатди. — Бунинг онаси ҳам тошбағирроқ, чамаси. Дадажониси, ўғлимиз мактабни ҳозир ташласаям майли, дейди ил эмган!

Қассоб алжидими ёнки янглиш эшитдимми, дея ўйлаб, ҳайрон қолган Муртазо:

— Тўнғичингизнинг онаси бошқа-ю, кенжасиники бошқами? — дея сўради.

— Лаббай?! — қассоб кафтини қулоғининг ортига қўйди.

Муртазо саволини деярли бақириб тақролади.

— И-и-и, бу кенжамиз эмас, ўртанчамиз-ку! — деди қассоб алланечук ишшайиб. — Кенжамизнинг онаси бошқа! У билан ҳам бир-биримизга меҳримиз тушиб турмуш қурганимизга саккиз йил бўлиб қолди. Тўғри, менинг кенжатойим унинг учун аслида — Тўнғичвой, — қўққисидан айтиб юборган ўз ҳазилидан нашъласан қассоб қирриллаб қолди.

Муртазо кифт қисиб:

— Тушунмадим, — деди.

— Лаббай?! — қассоб кафтини яна қулоғининг ортига қўйиб, бутун диққат-эътиборини бир ерга жамлаб сўради.

— Тушунмадим деяпман! — Муртазо бу гапни: «Э, қулоғингга ҳам...» деяётгандек бир тарзда айтди.

— Э-ҳа! — Қассоб Муртазонинг гапини эшитганидан суюниб кетди.

— Тушунмайдиган жойи бор эканми? Бу ишларнинг бари уччала янгангизнинг ҳам ўз розилиғи билан бўлган. Никоҳдан ўтганмиз.

— Биз биттасини базўр эплаймизу учтаси билан қандай кун кечирасиз?

Қассоб энди кафтини қулоғининг ортига қўйиб, Иброҳимнинг олдида келди:

— Қаттиқроқ гапиринг, қаттиқроқ!

— Оғир бўлса керак дейман, рўзгорчилик ахир! — Иброҳим негадир хунбийрон бўлиб қичқирди.

— Ие, нимаси оғир? Худога шукр, учталасиниям боқишга қувватимиз етарли...

Уларнинг суҳбатлари шу ерда узлиди. Тонг ёришиб келмоқдайди. Ҳисоб-китоб қилишди.

— Вир минг олти юзу олтимиш беш сўм, — қассоб бори-йўғи учинчи синфни тугатган бўлсаям, бунақанги ишларга пухта бўлиб кетганлиги рафторидан кўришиб турарди. — Килосизга уч сўмдан. Одамлар оч-да! Кўзлариям оч. Ветингга қарашмайди. Вахудо, бетингга қарашмай қўлингга қарашади. Халтангда бирор емиш-пемеш кўришдими, бас, дарров сўраб-суриштириб қолишади: қаёқдан олдинг, а-а, қаёқдан? Очиратми-очиратмасми, а-а, очиратми?! Ниманики бўлса, ҳам-паш дегунча талаб кетишади: айтишади-ку, кўз очиб қарасам ҳай бор, ҳайдар йўқ, деб. Э, оч сичқон мушукини ейишдан ҳам қайтмайди, деганлар-ку!

Муртазо, эшитса-эшитмас, унинг гапларини бошини тебратган куйи тасдиқлай-тасдиқлай, пулни қайтадан яна бир қарра санаб чиқди.

Сўнгра улар қўл ташлашди.

Йўл-йўлакай Муртазо Иброҳимнинг ёнига бир даста пул қўйди.

— Саккиз юзу ўттиз сўм, — деди у энг яқин кишисига гапиратгандек муълумин товушда, айна дамда улкан марҳамат кўрсатгандек. — Арра қилдик! Уён-буёнга бир тийин ҳам ўтгани йўқ.

Иброҳим индамади.

Муртазонинг кўнгли тинчмади, шекилли, пулни олиб энди унинг чўнтағига солди.

— Уч-тўрт соат уйқуни ҳаром қилганимизнинг ҳақи чиқди-кетди-да! — Муртазонинг жуда-жуда гапиргиси келиб турарди. — Одамлар мунча пул учун йиллаб, кечаю кундуз тиним билмай ишлашади. Е гапим нотўғрими? Одамлар бор: оғзининг дами билан мунақа пулларнинг минг-мингини топади. Уларни қўя турайлик. Улардай бўлиш учун ўқиб керак. А, лаббай?! Нотўғри бўлса, айтинг ўзингиз! Уртақайнардаям, Бошқайнардаям ейишга нон тополмайдиган оилалар тўлиб-тошиб ётибди. Э, буларни ўзингиз яхши биласиз-ку, нимага айтиб ўтирибман-а?

Иброҳимдан садо чикмади.

Муртазо сўзлай-сўзлай пинакка кетди. Қай ватқад кишлоққа етиб келишганини пайқагани йўқ.

Эртаси кун Иброҳим ишга чикмади.

Индини куниям чикмади.

Ҳали келсин-чи, бир танобини тортиб қўямиз, ҳуқуматнинг иши унга масҳарабозликми, давлат ҳам машина берсин, ҳам орқасидан ялниниб юрсинми: йўқ, осонликча рулга ўтқазмаймиз, дея ўз-ўзларига керилиб юрган катталар унинг: «Тузукроқ мошин беришганда ишлардим, бу шалдур-шудлур аравани бошимга урамани?» қабилидаги гапини эшитиб, хайратдан ёқа ушлаб қолишди, керилишлариям абас топиб, таассуфла бoш чайқашди. Уларнинг бу ҳолатларига Иброҳимнинг ишга чикмаганими, керилишларининг абас топганими — қай бири сабаб бўлди, ҳеч ким билолмади.

«Шу мошинга яқинлашаверсам қўзимга алланимбалолар кўринаверди, деб, хўжайним ишга чикмади», деганмиш унинг аёли.

Бу — мишмиш.

Эҳтимол, ёлғондир! —

Лекин, Иброҳимнинг Тўйчиға қўшилиб подачилик қила бошлагани рост.

У, кўча-қўйда, тўй-маъракадами, ишқилиб, қайда бўлмасин, Муртазога кўзи тушса индамай бурилиб кетарди: на салом-алиқ бор, на ҳол-аҳвол сўрас.



Вафо ФАЙЗУЛЛО

Ойлар ўртасида бўсаннинг ранги,
Йиллар оша эса тгоннинг овози.
Мен сизга эсдалик учун қолдиргум,
Севгига зориққан ўн етти ёзни.

Бўшанг ёғдулардан чакнади тилак,
Отлар дупурини ёдлади алла.
Мен сизга эсдалик учун қолдиргум,
Ўн еттига кирган яна бир дала.

Орзу субҳонининг дардлари йўлда...
Онам кўз ёшига ёпинган осмон.
Мен сизга эсдалик учун қолдиргум,
Сиқтамоқлик учун ўн етти армон.

Сўнгра мунг оралаб қайтмайман ортга,
Майли меҳрларсиз узилгум, толгум.
Майли олавергим қишлоқ, йўлини,
Кўзингиз чўғларини кўзимга олгум...



Хонамда хитой гули,
Очилади қаҳратон
Эсимда тушади кўклам.

Дераза тирқишларида пахта
Совуқдан ҳимоқ қилади гулни
Хаёлимда жонланади дала.

Деворда буюклар сурати,
Ўтқиқодлар эгаллаган ўрин.
Қилинмаган ишларим бўғзимга ёпишади.

Хонтахта четида қотган нон,
Бир учини пишак тишлаган.
У мени сичқон деб ўйлайди чоғи...

Суратлар адоғида бир кўхна обтова,
Туртини кўнглимни қувончга
тўлдиради,
Достончи бобомнинг арвоҳи обтова...
Хотинимга обтова мискинлиги ҳечам
ёқмайди.
Елғиз қолганда ундан уялади.
Меҳмонлар олдида эса орият қилади.

Кунжақда устида кўрпалар йиғилган
индамас китоб жовони,
Ўқилганда кўра ўқилмагани кўп
хасратлар.

Эшигини очишдан кўрқаман ҳисларни,
Барибир қачондир нурайди лоқайдлик
девори
Шундай эмасми бедаво журъатим.

Печка ҳам ёнади бу уйда ёз-кишин,
Тутуни эгаллаган
Баҳорни, кузни.

Ҳозир оҳимни бутун қиламан,
Ҳозир сабримни ўтин қиламан
Ен хонам,.. ён юрагим...

Бухоро

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ТУСТОВУҚЛАР ОШЁНИ

Бир пайтлар майна,
саъва ва тўрғайларнинг хонишига макон бўлган Амударё қирғоқлари негадир ҳазин. Соҳилларга бош уриб тўлиб-тошган дарё тўлкинлари ўз шап-тидан тушган. Негадир у ҳам шафқатсиз кишилардан кўнгли совуғандек қирғоқдан пахта анча олислаб кетган. Гўё бир пайтлар шовуллаб оққан Жайхун, онаси Орол оғушига ташналигидан чексиз алам чекаётгандек маънос ва гамгин оқади. Фақатгина дарёнинг ҳар ер, ҳар ерида пайдо бўлиб қолган кичик оролчаларда тўп бўлишиб сайраётган маънос дарё мавжларига тўш ураётган оқчорлоқларнинг овози сукунатни синдириб турибди.

— Қўриқхонамиз худди мана шу ердан бошланади, — деди, машинамиз қалин тўқайзордаги йўлга кириб борар экан ҳамроҳим, қўриқхона бошқони Турдиали Қодиров.

«Қизилқум» қўриқхонаси Бухоро вилоятининг шимолий — ғарбида Ромитан тумани марказидан 350—400 чакримча нарида жойлашган бўлиб, у 1971 йилда ташкил этилган. Бу қўриқхона 5720 гектардан ортқ майдонни эгаллаган бўлиб, у асосан дарё қирғоғидаги ҳамда саҳродаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш ва асраш имконини беради. Қўриқхона худудидаги майдоннинг 2150 гектардан ортинини тўқайзорлар ва 3540 гектардан зиёдини дарё соҳилидаги саҳро ташкил этади. Амударё қирғоғида катта худудни эгаллаган тўқайзорлар ва саҳро ўзининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси билан гоят ранг-баранг, қизиқарли бўлиб, бир-биридан фарқ қилади. Шуниси диққатга сазоворки, қўриқхона худудида 150дан ортқ ўсимлик турлари учрайди. Ҳайвон ва қушларнинг эса 200 га яқин тури бу табиат кўйиндан макон топган.

— Биз асосан «Қизил китоб»га кирган ҳайвон ва қушларни асраш, уларни кўпайтириш билан шуғулланамиз, — дейди Турдиали ака суҳбатни давом эттириб. Ўн киши биздан анча олисда йирик шоҳдор бугуларнинг бир нечтасини кўрсатиб изоҳлай кетди. Булар — хонгуллар. Улар ҳам «Қизил китоб»га киритилган. Хонгул — Бухоро бугусининг номи шундай аталади. Хонгул, яъни гуллар малликаси, ажойиб! Иеми жисмга монанд-а!

Қўриқхона ташкил этилган пайтда бундай хонгуллар атиги тўрттани ташкил этар эди. Аниқроғи, улар батамом қирилиб кетиш арафасида эди. Бу ноёб ҳайвонларни бутун куч-ғайрат билан қўриқлаш, уларни алоҳида назорат остида парварিশлаш керак бўлди. Кўрилган зарур чора-тадбирлар туфайли ноёб бугулар сонини кўпайтиришга муваффақ бўлинди. Ҳозир хонгуллар сонини 4 тадан 210 тага кўпайди.

Шунингдек қўриқхонада бўри, тулки, шогол, бугу, жайрон, ёввойи чўчка, қуён... қушлардан: каклик, бедана, савъа, лайлак, оққуш, турна, чўл чумчуғи, бургут, бойўғли, кўл оққуши, кулранг лайлак, тўрай, тустовуқ каби дарранда ва паррандалар тез-тез учраб туради. Тустовуқ-

ларни айтмайсизми? Уларни ҳақиқатдан ҳам қўриқхонанинг чиройи, ҳусни деса бўлади. Чунки баъзан тўп-тўп бўлиб юрган тустовуқларга кўзингиз тушса, уларнинг чиройини кўриб қалбингиз яшнаб кетади. Шунини ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, патлари камалак рангда товланувчи бундай тустовуқлар ўтган давр мобайнида қўриқхонада анчага кўпайди. Уларнинг сонини эндиликда 5000 тадан ошиқдир.

Қўриқхонада биздан ҳуркиб, тўрт тарафга қочаётган тустовуқларни кўриб, ростки, болагим эсимга тушиб кетди. Нега дерсиз. Ахир бундан 20—30 йилларча олдин бундай тустовуқлар деярли ҳар бир қишлоқ чеккасидаги бўш ерларда учар, ҳатто улар ховлиларга тўп-тўп бўлиб кириб юришар, ҳеч кимдан хайиқмас эдилар. Болалар эса уларнинг ортидан қувнашиб югуриб юришар эди.

Қаранг, биз қаерда кафтдек бўш ер бўлса уни ўзлаштириб, бундай ноёб жониворларни яшаш жойидан маҳрум қилдик. Уларнинг тақдири билан қизиқмадик. Охир-оқибат уларни «Қизил китоб»га, қўриқхоналарга киритишга мажбур бўлдик. Энди бўлса бундай камёб жониворларни кўпайтириш билан оворамиз. Ҳа-

ёт қизиқ-да! Баъзан бой бериб кўйган нарсанг учун ўн йиллаб, юз йиллаб товон тўлашингга тўғри келади.

Нафақат хонгуллар ва тустовуқлар балки, қўриқхонада мавжуд барча ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини кўз қорачигидек асраш «Қизилқум» қўриқхонаси ходимларининг бош вазифасидир. Шу ўринда ўрмончилардан Уринбой Бўриев, Миразқули Умаровлар номини айтиб ўтишни лозим топдик. Чунки қўриқхонанинг ҳар бир жонзоти, қолаверса ҳар бир япроғи, бундай зийрак ўрмончиларнинг назаридан четда қолмайди. Шундай фидойи посбонлар борлиги учун қўриқхонада ҳаминша осийишталик. Хонгуллар, жайронлар, тустовуқлар кўйиники, барча жонзотлар бу масканда хавф-хатарсиз ҳаёт кечирадилар.

«Қизилқум» қўриқхонаси йилнинг барча фаслларида кўркам ва хушманзарадир. Ҳар йили бу ерга мамлакатимизнинг, жумҳуриятимизнинг турли бурчакларидан олимлар, мутахассислар ўсимлик ва ҳайвонот олами билан танишиш, турли тадқиқотлар ўтказиш истағида ташриф буюрадилар. Шуниси характерлики, барча олимлар, мутахассислар ва меҳмонлар бу табиат хазинасига ҳайрат кўзи билан боқадилар ҳамда бой таассуротлар билан қайтадилар.

Тўғриси, менинг ҳам «Қизилқум» қўриқхонасидан қайтаётганимда кўнглим бироз равшанлашди. Бу маскани хонгуллар ва тустовуқлар ошённи дегим келди. Сафар олдида, Амударё қирғоғида мени ҳаяжонга солган ҳаёллар оз бўлса-да тарқалгандек ўзимни энгил сездим. Қанийди, бутун бир табиатни асл ҳолига қайтара олсак. Дарёларимиз, Оролимиз сувга тўлса эди... Шундай кунлар ҳам келармикин?..

Суннат БЕШИМОВ

Ромитан тумани



ЎЗБИСТО

минг хил чиғириклар мавжудлигини ёдда тутиб, ҳаммиша сергак ва хушёр туришга мажбурлар. Ақс холда ҳамма нарса сизга қарши ҳаракатга тушади: кечагина минбарлардан шаънингизни кўкка кўтарганлар айни пайтда лей чапладан ҳазар қилмайдилар, иродаси бўш яқин кишилар ўзларини панага оладилар, яккам-дуккам ҳамдард кишиларнинг хайрихоҳлиги дилингизга малҳам бўладию бутун куч-ирондангизни ишга солиб ўзингиздан умид қилишдан ўзга чора қолмайди.

Тегирмон тоши эса бошингиз узра чарх ураверади, ураверади. Нияти шумларнинг мақсади бир: ташаббусни қўлдан чиқариш, иродани сўндириш, ҳаётдан бездириш. Бунинг учун ҳеч нарсадан тап тортилмайди. Агар ишингиздан нуқсон топишолмаса, оилавий ҳаётингиздаги иқир-чиқилар, қачонлардир кимлар биландир ўртада бўлиб ўтган гап-сўзлар, ҳатто келиб чиқшингиз ҳам бундай кезларда улар учун дастак бўлаверади.


Гапни чўзмайлик-да, лўндасига кўчиб кўя қолайлик: Мусахон Уликовнинг отаси Улуғбек тўра 1978 йилда 96 ёшида вафот этади. Орадан ўн икки йил ўтиб унинг арвоҳини чинқиртиришдан тойишмайди. Бундан қирқ йилча муқаддам — 1946 йилда у чойхонада улфатларидан бири билан масала таллашиб, қаттиқ олишиб қолишган экан. Мусахон акага: «Бу ана шундай одамнинг фарзанди бўлган», деган ёрлик ёпиштирилади. Яна бир айби — келиб чиқши нуқтаи назаридан тўралардан экан. Бунга ҳам хулоса тайёр: «Уликовлар ўзларини «оқсуяклар» тоифасига мансуб деб ҳисоблашлари ва фақат шу тоифадан қиз олишлари ва аёлларидан ҳеч кимга ишга боришга рўхсат бермасликларини айтишади». Бунга ҳам тоқат қилиш мумкин деб ўйлайлик. Лекин худди шу жумладан кейинги гаплардан нечанчи йилларнинг ҳиди келади-я, деб тепа сочингиз тик бўлиб кетади. Мана, эшитинг: «Гап Уликовлар ҳақидаю аммо партиёга ҳам тегиб кетади». Мағзавани оз-оздан тўкиб ўтириш шартми? Шарт эмас, дейди муаллиф ва ҳеч нарсадан тап тормай давом этади: «Ишчи никоби остида партиё сафига кириб олиш Уликовлар учун қонда бўлиб қолган». Ана шундай ҳукмлардан сўнг айбдорларни жазоламаслик инсофданми? Лекин озгина назарий асос ҳам бўлиши керак. Бунинг унча қийин жойи йўқ, ҳаёлга бирпас эрк берилса бас. Мана: «Партияга амал учун, иссиқ жой учун эмас, балки ишлаш учун киришсин». «Энг катта зиёни протекционизм келтиради, албатта. Уни ижтимоий адолат билан партиёвий ахлоқ нормалари билан асло келиштириб бўлмайди». Тамом, энди ҳукмини ижро этса ҳам бўлаверади. Йўқ-йўқ, тўхтанг, яна бир нарса эсдан чиққанга ўхшайди. Ҳа, нима эди-я? Ҳа, топдим, дея суюниб кетгандай бўлади муаллиф. Ва илҳом билан давом этади: «Шуни ҳам

айтиш керакки, Уликовлардан ҳеч ким на қўриқ ерларга, на БАМга ёки Тюменга борди, ҳатто қўшни туманга кўчишга ҳам журъат қилишмади». Ана холос, дея ёқа ушлайсиз. Ошиқманг, чунки алжираш вайсакилик даражасига кўтарилиши, бу эса, охир-оқибатда шаллақиликка олиб келишини кузатиш ҳам жуда мароқлидир: «Қува ортиқча ишчи кучларига тўлиб-тошган. Бунинг сабаби аниқ. Ҳаётда ҳамма нарсани ўзинг топишингга тўғри келарди. Бунинг учун эса меҳнат, асаб, билим, талант ва ғайрат зарур». Мантқикий хулосалар қудратига тан бермасдан иложингиз қанча?

Юқоридаги гаплар қаҳвахоналардаги алжирашлардан бўлса ажабланиб ўтирмасдингиз, лекин алам қиладигани шуки, буларни нуфузли рўзномалардан бири «Правда Востока»нинг махсус мухбири В. Березовский 1987 йилнинг октябрида ёзаёттир. Бу пайтлар қайта қуриш, демократия, ошкоралик каби тушунчалар ҳузурбахш экиндек ҳаётимизга энди-энди сингиб бораётган эди. Фаргона, Қўқон, Уш, Ўзган шаҳрлари билан боғлиқ халқимиз бошига тушажак фожеалар хали олдинда. Гдлян, Ивановлар энг

шимариб, халқни чинакамига қатағон қилишга илҳом билан киришган пайтлар. Шунинг учун ҳам В. Березовскийларга ўхшашлар салла деса калла олишга ҳаммиша шай турган темир танлилар сифатидагина гавдаланмасдан, башорат қилувчи, фатво берувчилар тарзида ҳам бор бўйбастии билан намоён бўла бошланган эдилар. Зеро, ўша пайтларнинг тили билан айтсак, «бугунги кунда оммавий кўшиб ёзишлар, бошқа салбий кўринишлар оқибатида партиядан ўчиришлар тўлқинидан сўнг коммунистларни аттестациядан ўтказиш шуни кўрсатадики, партияда тасодифий, гоёсиз, турмушдан жуда орқада қолиб кетган, унинг обрўсига доғ туширган кишилар қанчалар кўп экан» (Уша муаллиф, ўша рўзнома). Генерал Диренконинг «башорат»ларию, марказ журналистларининг бири олиб-бири қўйиб халқимиз шаънига ёдирган ҳақоратлари қандай бошланганлигини пайкаясизми? Хуллас, ўнгу сўллардан қулай-ноқулай берилган зарбалар ўз ишини қилди: «Мусахон Уликов йигирма йилдан бери галлаб келаётган лавозимдан олиб ташланди, партиядан ўчирилди. Энди Мусахон аканинг нега

Тадбиркор, уддабурро, ишбилармон кишилар албатта ташаббускор бўладилар. Рўёбга чиқараётган ишининг кўлами ва миқёсига яраша ташаббус тивгинини улар қўлда маҳкам тутадилар. Бусиз бирор самарага эришиш мушкул. Ташаббускорлик жасоратни тақозо этади. Жасорат эса, яшириб нима қилдик, бизнинг жамиятимизда кўпинча таъқиб ва таъйиққа дучор бўлиб келган. Чунки жасоратли кишилар оёгина таваккалчи ҳам бўладилар. Уларнинг танобини тортиб қўядиган нуқта худди ана шу ерда кўздан яширин. Шунинг учун ҳам ташаббус билан майдонга чиқадиган киши ор-номуси поймол этилмаслиги учун бизнинг замонда бири-бири билан чирмашиб кетган



Фаргона водийсида биринчи марта Наманганда халқаро телеграф алоқаси корхонаси ишга тушди. Суратда: алоқа хизмати ходими Муҳаббат Жамолова.

Суратқаш А. Ковтун (ЎЗТАҒ)

Уликов бўлиб қолгани масаласига келсак, бу тузилганлик гувоҳномага Улуғовни ёзолмаган бир кимсанинг қилмиши, қолаверса инсон тақдирига, эл тақдирига билиб-билмайми ёхуд айтийинми — бефарқ қарашнинг ёрқин тимсоли. Халқимиз орасида бунақа бузилган фамилиялар қанчадан-қанча. Улуғбек отадан кейин шажара Уликовлар бўлиб давом этаётир. Ҳайлаймики, авлод-аждодлари руҳи-покига нисбатан хурмат-эътиқод кучайиб, миллий ўзалигимизни англаш туйғуси қарор топаётган кезларда ана шу иллатни ҳам сугуриб ташлаш пайти етди. Албатта, бу ҳар биримизнинг ўзимизга ҳам боғлиқ...

Мусахон ака Улуғов йигирма йилдан зиёд Кува мебел фабрикасига бошчилик қилди. Дастлаб бу ерга келганида фабрика Андижон мебел комбинатининг пехи бўлиб, атиги 18та одам ишларди. Мусахон ака ишни мустақилликка эришишдан бошлади, корхонани олтиш еттинчи йилдаёқ Кува мебел фабрикасига айлантirdи. Дастлабки йили режадаги 600 минг сўмлик ўрнига 1 миллион 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Уддабурро, ташаббускор ташкилотчининг қўли аниқ сезилиб турарди. Йигирма йил давомида фабриканинг ишлаб чиқариш қуввати 18,5 миллион сўмга, ишчилар сони 1 минг 300 кишига етди. Иккита тўқкиз қаватли уй-жой биноси, борча-ясли, шифохона, клуб, профилакторий ишчилар ихтиёрига берилди. 1978 йилдан буён Иттифоқ тармоқ вазирига ва касоба уюшмалари Кўчма қизил байроқларини муттасил қўлга киритиб келди. Латвия, Литва, Эстониядаги мебелсозлар билан яқин алоқалар ўрнатилди, Москва, Ленинграддаги мутахассислар билан борди-келди йўлга қўйилди. Фабрикада ишлаб чиқарилган хобгоҳ диванлари, девор жавонлари, тагли илгичлар, идиш ва бошқа буюмлар учун мўлжалланган шкафлар, китоб жавонлари, юмшоқ ўриндиқлар каби ўн икки турдаги маҳсулот бежиримлиги ва қулайлиги билан Иттифоқдаги жумҳуриятларнинг ҳам эътиборига тушди, баъзи маҳсулотлар сифати бўйича жаҳондаги фирмалар билан бемалол рақобатга киришди. Албатта, бунда корхонадаги меҳнат жамоасининг, билимдон мутахассисларнинг ҳам алоҳида хисаси бор.

Мусахон Улуғовнинг ниятлари катта эди, лекин унинг рўёбга чиқишига имкон беришмади. Бундан йигирма беш йил муқаддам қилган гуноҳларини юзига солиб, 88-йилнинг октябр ойида уни КПСС сафидан ўчиришди. Ҳарчанд кидиришмасин, қўлга илинарли айбларини топиша олмади, акс ҳолда жинойи жавобгарликка тортилиши аниқ эди. Лекин бошқа корхоналарда ишлаётган ўғилларининг айби ниманда? Фақат Улуғовнинг фарзанди бўлганлари учун улар партиявий жазо олдилар, ишдан кетдилар. «Кўрингки, Уликов (Улуғов)нинг катта ўғиллари, коммунистлар Кува район партия комитети бюросига тақлиф қилиниб, ҳисоб дастархасига ёзиш шarti билан қаттиқ ҳайфсан олишди. Кўп жи-

ҳатдан оталари айби билан, деб ёзди заҳарханда билан юқорида биз эслатган муаллиф. (Шуни алоҳида ургу билан айтиш керакки, худди ана шу рўзнома ўзининг 1986 йил 13 март сонида «Не просто рост» деган мақола бериб унда фабриканинг ўсиш суръатлари ва унинг сабаблари баён этилган, Улуғовнинг бозор ҳаётининг ҳамшиша диққат марказида тутиши алоҳида ўқтирилган эди. Орадан бир ярим йил ўтиб, рўзнома ўзини бутунлай инкор этишдан уялмади).

Ўтган ишга салават қабилда бу воқеаларни баён этиб ўтириш шарт эмасдай туюлади. Лекин биз яқин йилларда, қайта қуриш жараёни айни кизгин кечаётган пайтларда, қонли фожеалар арафасида пахтакорлардан тортиб йирик мутахассис кишиларга қадар қатагон сиёсатидаги нозик бир нуқтага эътиборини жалб этмоқчимиз. Маълумки, жумҳурият марказидан тортиб вилоят миқёсидаги раҳбарлар тез-тез ўзгариб турди, ана шуларнинг тилига тушган катта-кичик лавозимдаги кишилар эса янгиларининг наздида аскиларининг думи бўлиб туюлди. Бўлса-бўлмаси кир кидиришларнинг сабаб-моҳияти шу ерда яширинмаганмикин? Бунинг далили учун биргина мисол: Мусахон акани жиноятчи дейишди. «Жиноятчи эмасман», деди у дадил. «Жиноятчи бўлмасанг исботла». Улуғов Ўзбекистон ССЖ Олий Суди Раиси номига хат ёзди. Жавоб мактубида Олий Суд Раиси Ўзбекистон ССЖ Жиноят кодексининг аниқ моддаларига таяниб, М. Улуғов судланмаган, демак жиноятчи эмас, деб имзо чекади. «Мана, кўринглар, — деди Мусахон ака, — жиноятчи эмасман». «Бу дастак энди кор қилмайди». «Нега?» «Ана шу мактубга имзо чеккан раҳбар ишдан кетди, энди бунинг исботи тасдиқлаб берсин». Кўрдингизми тўрачилик найранглария амалдорлик чиғирикбозликларини? Шунга қарамай, Мусахон ака жиноятчи эмаслигини исботлади. Бироқ партиядан ўчирилганлигини ҳеч ҳазм қилолмасди.

Бу орада иқтисодий тангликдан чиқиш учун жумҳуриятимизда ҳам қатор тадбирлар кўрила бошланди. Айниқса тадбиркорлик ҳақидаги қарор Мусахон Улуғовдек кишилар учун айни муддао эди. Уни Кува туманида янги ташкил этилаётган мебел фабрикасига директорликка тақлиф этишди. У рози бўлди. Бироқ Ўзбекистон мебел ишлаб чиқариш ҳудудий бирлашмаси бош маъмуриятининг фабрика ташкил қилиш ҳақида 1990 йил январда буйруғи чиққанида раҳбарнинг қўлида муҳрдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

Лат еган орият Мусахон Улуғовни битмас-туганмас куч-ғайрат, кўп йиллик тажриба, билим ва қобилиятини жасорат сари ундади. Йилнинг ўрталарига келиб маҳсулот ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Дон маҳсулотлари комбинатининг Акбарободдаги омбори ўрнида қад ростлаётган фабрика ҳозирнинг ўзидаёқ икки юз иччини бағрига олди. Энди сўзни Мусахон аканинг ўзидан эшитайлик.

— Шу йилнинг ўзидаёқ 4 мил-

лион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз, келгуси — 1992 йилда ялпи маҳсулот ҳажми 15 миллион сўмни ташкил этади. Ишончлисизми? Ишонч билан гапир-шишга асос бор. Биз мебелсозлик соҳасида Финляндиянинг «Асикуло» фирмаси билан Акбарободда қўшма корхона очишга қарор қилдик. Март ойида бўлиб ўтган дастлабки келишув баёнот-номасида эътироф қилинганидек, биз ўзбек мебелсозлари финларнинг технология линиясини ўзлаштирамиз ва жаҳон тан олдиган мебел буюмлари ишлаб чиқарамиз. Қайси мебел буюмларини ишлаб чиқариш учун ускуна танлаш бизнинг ихтиёримизда. Финляндияга бориб келишим керак. Ҳали кўрасиз, жумҳурият мебелсозлари ўртасида янги, ранг-баранг, сифатли маҳсулот чиқариш учун яқин ўртада соф рақобат пайдо бўлади. Мени бу борада СССР халқ депутати Рахматилло Аҳмедов, уста пахтакор

Муҳаммадмуса Шербўтаев, туман партия қўмитасининг биринчи котиби Муҳаммаджон Носиров, жумҳурият халқ депутати А. Қаландаровлар қўллаб-қувватлашмоқда. Лекин орият мени Финляндия сафаридан тийиб турипти. Яъни партиявий ишимни ҳал бўлмагунча кўнглим тинчмайди.

Яқинда хушxabар эшитдик: Мусахон Улуғов КПСС сафига тикланбди. У партия учун ҳам танглик кезларида унинг сафларида қолиш учун курашди ва ниятига етди. Ана энди Финляндияга парвоз этса бўлаверади. Ҳали шундай қанот ёзиб ишласинки, «Улуғовлар даври ўтди» деган кимсалар тил тишлаб қолсинлар.

Ҳа, орият деган муқаддас туйғу кўп нарсаларга қодир. Жумҳуриятда хизмат кўрсатган санатчи Мусахон Улуғов каби кишилар тимсоли бунинг ёрқин далилидир.

Баҳодир АМИНОВ



Пойтахт метро қурувчилари яна иккита — «Тинчлик» ва «Беруний» бекатларини фойдаланишга топширдилар. Суратда бекатларнинг тантанали очилиши маросими.

Суратқаш А. Горюк
(ЎЗТАГ)



урхон воҳасида ўзбек халқининг миллий удумларидан бўлган кураш ҳамон ўз оҳорини йўқотмасдан сақланиб келмоқда. Чунки йигитларнинг жисмонан кучли, продали бўлишларида, бу билан тўйларга завқ-шавқ бағишлашларида спортнинг бۇ турининг аҳамияти беқисдир. Аслида соф маънодаги мардона кураш олижаноб хислатлар билан уйғунлашиб кетган.

Мардларнинг беллашуви сифатида юзага келган кураш ҳақида турли афсона ва ривоятлар бор. Ўтмиш афсоналаридан бирида курашнинг пайдо бўлиши ҳақида шундай бир ривоят бор... Қадим замонда бир подшоҳ бўлган экан. Унинг балогат ёшига етган, соҳибжамол яккау ягона қизи бўлиб, унга турли мамлакатлардан совчилар кела бошлабди. Кўпгина подшоҳлар ва вазирларнинг ўғиллари маликанинг ҳусн-жамолига, келишган қадди-қоматига мафтун бўлиб, совға-салому зеб-зийнатлар инъом этиб, деярли ҳар куни келаверишибди. Бойвачча ва аслзодалар маликани деб, бир-бирлари билан қирпичоқ бўлиш даражасига бориб етибдилар. Бу ноҳуш воқеалар доно подшоҳга қаттиқ таъсир қилибди. «Нима қилсам бу жанжални бартараф қилиш мумкин?» деб роса боши қотибди. Ҳай-ҳай шундай қарорга келибди: маликага уйланиш орзусида юрган барча бўлажак кувларни совчиларни саройга тўплаб, битта шарт қўйибди. «Кимда-ким маликага уйланмоқчи бўлса, кучини майдонда намойиш қилиб, ҳалол курашиб, рақибларини доғда қолдирсин. Ғолиб чиққан полвон маликанинг жуфти ҳалол бўлади», дебди. Бу шарт барча совчилару сарой аҳлига маъқул бўлибди. Кўм-кўк адирликдан бўлажак кувлар учун жой ажратишиб, ҳакамлар тайинланиб, курашга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилди. Полвонларга ўзаро беллашиш давомида ҳар хил кураш усулларидан фойдаланиш мумкинлигини, рақибни ҳалол курашиб, курагини ерга теккизиш лозимлиги ҳам уқтирилибди. Бу полвонлар баҳсида доно подшоҳ, вазиру уламолар ва малика ҳам томошабин сифатида иштирок этибди. Полвонлар баҳси роса уч кечау уч кундуз давом этибди. Ахийри, Тоҳир исмли чўпон йигит барча рақибларини доғда қолдириб, маликага уйланибди. Мағлуб бўлган полвонлар ҳам бу икки ёшнинг тўйида иштирок этибдилар. Бутун сарой аҳли подшонинг донолигига, унинг ақл-идрокига яна бир марта таҳсинлар айтишибди. Мана шу тариқа халқнинг миллий кураши пайдо бўлиб, кўпчиликка маъқул бўлган экан...

Ўтган кўп даврлар ичида ўзбек миллий кураши турли усулларда шаклланиб камол топди. Фарғонача, бухороча, эркин кураш ва бошқа кураш турлари ўзига хос қондага, усулга эгадир. Масалан, фарғонача курашда полвонлар тўн кийиб, бир-бирларининг белбоқларидан ушлаб олганларидан сўнг ҳакам мусобақани бошлашга руҳсат беради. Вунда полвонлар фақат қўл кучлари билангина рақибнинг курагини ерга тегиштириши керак.

Сурхонча курашда (Сурхондарё вилоятида бу кураш турини «олишиш» дейилади) эса полвонлар ятак кийиб, белбоқ боғлаб майдонга тушадилар. Улар беллашув давомида турли хил кураш усулларидан: қайчи, уча, ийинга олиб иргитишдан фойдаланишади.

Сурхон диёрида бу кураш турини мукамал эгаллаб, санъат даражасига етказган номдор полвонлар бор. Тоҳир, Тали, Айиқ,

Холтўра каби исм ва лақаблар билан танилган полвонларни халқ курашда кураги ерга тегмаган олишчилар деб алқашади. Воҳадаги тўй ва йигитларда ҳосил байрамларида шу полвонлар иштирок этмасалар, давра фэйсиз бўлиб қолади. Эҳ-ҳе, бу полвонларнинг метин қўллари, забардаст қоматлари, олижаноб хислатлари ҳақидаги гап-сўзлар ҳар йигитда неча бор такрорланади. Айниқса сурхондарёлик энг машҳур полвон Менгбўта Пардаевнинг кураш майдонидаги продаси, жасорати, куч қувватига тан бермай илож йўқ.

Менгбўта полвон иштирок этган бир кураш жараёни ҳеч эсимдан чиқмайди. Кураш айни кизган пайт, давра четига оппоқ энгил машина келиб тўхтади. Ундан уч-тўрт нафар забардаст овура миллатига мансуб йигитлар тушиб келишиб, курашни томошабин сифатида кузатиб турдилар. (Сурхондарёда

қимирламади ҳам. У ўзини яна шу усулни қўллаётгандай кўрсатиб, бирдан:

— Эй, Ҳазрат Али, ўзинг мадад бер! — деб уча усулни қўллаб юборди. Ўрис полвон бунга кутмаган чоғи, биров довдираб қолди. Усул шундай қаттиқ қўлланган эдики, ҳатто «қарс» этган овоз чикиб кетди. Бу оёқларнинг бир-бирига урилишидан чиққан овоз эди. Менгбўта полвон рақибининг қўлини маҳкам ушлаган ҳолда, у билан бирга ўзи ҳам ерга йиқилди. Рақибининг устига миниб олган пайти даврадаги томошабинлар: «Балли, Менгбўта», дея қарсақ чалиб юбордилар. Қувонганларидан қишлоқдошлари уни қурдан қўтариб олиб чикиб кетишди. Баковуллар ўрис полвон меҳмон бўлганлиги учун унга ҳам кичкинагина соврин бердилар.

Ноҳуш манзаранинг гувоҳи бўлган меҳмон полвонларнинг ғазаби қайнади. Нима

СУРХОНЧА КУРАШ

тўй мавсумлари бошланган пайт, Россиянинг турли бурчакларидан полвонлар келиб кураши соврун ишлаб кетишади). Довруги бутун вилоятга кетган Менгбўта полвон, икки полвоннинг курагини ерга теккизганидан сўнг, баковул: «Бу полвонга яна талабгор борми?» дея овоза қилди. Даврани бирдан сукунат қоплади. Ахир, у билан беллашнинг ўзи бўладими? Ҳакам яна гапини такрорлади. Яна жимлик. Шунда бирдан боғия меҳмон бўлиб келган ўрис йигитларидан бири даврага отилиб чиқиб: «Мен курашга тушман бу полвон билан», деди. Забардаст йигитнинг бу шитобидан томошабинлару ҳакамлар, ҳатто Менгбўта полвон ҳам бир қалқиб тушди...

Хуллас, улар ўртасига битта ҳўкиз, битта қўй, анчагина пул ва ҳоказолар қўйиб дуо бердилар. Курашда рақибининг қандай олишишини, у кўпроқ қандай усуллар қўллашини билмасликдан ёмони йўқ. Менгбўта полвон рақибига жуда ахтиёткорлик билан яқинлашиб, усул қўлламасдан уни синиб кўрди. Ҳақиқатдан ҳам ўрис полвон жудаям кучли ва тажрибали эди. Кураш кизганидан қизиб, авж олиб кетди. Менгбўта полвон қандай усул қўлламасин, рақибни чап беришга уринар, ўзи ҳам ўлжасига ташланган шердай унга ҳамла қилар эди.

Орадан ярим соатдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳар икки полвоннинг желаклари жўкка ҳўл бўлди. Менгбўта полвон рақибига желлагини алмаштиришни илтимос қилиб, ўзи ҳам янгисини кийди. Шунда желакнинг орқасига қадалган туморни қўлига олиб, кўзига суртди ва алланамалар деб пичирлади. Яна, анча вақт курашганларидан сўнг, баковуллар бу икки полвонни бир-бири билан ажрашишга ундади, лекин ўрис полвон бунга қўнмади. Кураш яна авжига қикди. Тезлик билан Менгбўта полвон рақибини ўзига тортиб, чил берди. Рақибни ҳатто

ҳам қила олишарди, кураш — курашда! Мағлуб бўлган полвон ўрнига шериги даврага чиқиб, ғолиб келган полвон билан кураш тушажагини айтди. Улар Менгбўта полвонга юзланиб: «Нима дейлик?» ишорасини қилди. У: «Агарда ўзи хоҳлаётган бўлса, мен тайёр, факатгина бир оз дам олволай», деди. Даврага боя курашини тўхтатиб турган полвонлар чиқиб яна олишни давом эттирдилар...

Менгбўта полвон давра четигади челақдан бир пиёла сув олиб билаклари ва кўкракларини ўўлади. Қўрнинг четига ўтирган оппоқ соқоли бободан дуо олди... Ҳар икки полвон даврага чиққанларидан сўнг, баковул, бошланган, ишорасини қилди. Кураш яна жонланди. Мухлислар: «Бу ёғи энди нима бўлар экан-а?» дея жон ҳовучлаб ўтиришарди. Қўрда пашша учса овози эшитиладиган даражада сокинлик. Бир-икки қўл олишганларидан сўнг, Менгбўта полвон бор кучини йигиб, ҳамла қилиш лозимлигини сезди шекилли, кетма-кет бир-бирдан чиройли усулларни қўллади. Полвон қанчалик бақувват бўлмасин, ҳақиқий кураш усуллари олдида довдираб, ўзини йўқотиб қўяркан — рақибни худди шу куйга тушди. Менгбўта полвон эса сира бўшастирмай яна хужумга ўтди. Кетма-кет усуллардан ғазабланган ўрис полвон ҳам ўлжасига ташланган бургутдай қарши хужумга ўтди.

Ирдан Менгбўта полвон ўзини эркин ҳис қилиб, рақибининг усул қўллашини кутиб турди. Рақиб эса, тезроқ бундай имкониятдан фойдаланиб қолай деган мақсадда уни ийнидан ошириб отмоқчи бўлди. Менгбўта полвон бунга чап бериб, яна хотиржам ҳамлани кутиб турди. Ўрис полвон бу сафар уча усулни қўлламоқчи бўлиб турган бир пайти, Менгбўта полвон бутун кучини тўплаб, рақибни

нинг қўша турган оёқларининг товонлари га шаҳд билан зарба берди. Зарба шунақанги қаттиқ бўлдики, даврадаги баковуллару, мухлисларнинг эти жимирлаб кетди. Шу пайт ўрис полвон гурс этиб ерга қулади. У шунақанги қаттиқ йиқилдики, бир дақиқалар чамаси ўзига келолмай ётди. Шерикларининг ёрдами туфайли даврани тарк этди.

Мухлисларнинг қувончини оддий сўз билан таърифлаб бўлмади. Менгбўта полвон бўлса, ўз улушларини олгандан кейин секингина давра четига бориб чордона куриб ўтириб олди. Унинг «ха» дейишга холи қолмаганди. Тўрт полвоннинг курагини ерга теккизиш ҳазилкам ишми ахир? Кураш ҳам охирида қолганда, бирдан Саша исмли ўрис полвон мағлубият аламига чидайёлмай, баковулларга:

— Полвонларинг энди мен билан курашга тушин, — деди вазоҳат билан. Унинг дев қоматини кўриб мухлислару ҳакамларнинг дами ичига тушиб кетди. Полвонга:

— У чарчаб қолди, бошқа кураш тушолмайди, — деб ҳакамлар қанчалик тушунтирмасинлар, барибир фойда бермади. Саша ўз сўзида туриб олди:

— Мен билан кураш тушади, вассалот! Биз кураш тугагандан кейин секин сурштираш, мағлуб бўлган иккала полвон ҳам

Сашанинг шоғирдлари экан. Шунинг учун мағлубият алами унга сира тинчлик бермаётганди.

Ҳакамлар ноилож Менгбўта полвондан: — Сен нима дейсан? — дея унинг ёнига боришди. У тираб кетган юзларини енглари билан артиб:

— Агар ўзи хоҳлаётган экан, майли, биринки кўл ташлашиб кўрайлик. Лекин, ҳалқимизда: «Қўрок олдин мушт кўтарайди», деган мақол бор, — дея қўшиб қўйди. Ҳакамлар дуо берганларидан сўнг, Менгбўта полвон секингина ўтириб, қўлини ерга қўйиб, ердан ҳам дуо олди. Сўнгра кураш бошланиб кетди. Ярим кеча бўлиб қолганига қарамасдан даврани бирорта ҳам мухлис тарк этмади. Кураш борган сари жиждий тус ола бошлади. Ҳар иккала томон бир-бирдан сира қолишмасди. Бу сафар Менгбўта полвон кўпроқ ўзини ҳимоя қилди. Рақиб эса кетма-кет усуллар қўллаб, уни мағлуб этишга ҳаракат қиларди. Лекин бу уринишларнинг бирортаси фойда бермади. Ҳатто, Менгбўта полвонни жойидан ҳам қимирлата олмади. У ерга миҳлаб қўйилгандай типтика ҳайиқмай турарди. Орадан бир соатлар чамаси вақт ўтди. Саша бу уринишларининг бариси бекор эканлигига, полвонни йиқита олмалигига кўзи етти шеклиди, дурранга — ажрашишга қарор қилди...

Бундай воқеалар сурхондарелик полвонлар ҳаётида кўп бўлган. Уларнинг мардона курашлари, шон-шухратлари ёшларда ҳам полвон бўлишга ҳавас уйғотганди. Шундан бўлса керак, Сурхондарёда кураш билан шуғулланмайдиган болалар камдан-кам. Чунки аждодлар анъанасини авлодлар давом эттиришлари табиий.

Аmmo ўзбек миллий курашига бўлган ҳавас жумхуриятимизнинг бошқа вилоятларида сўниб бораётгандек. Кўлгина ҳозирги ёшлар ўз миллий анъаналаримиз, урф-одатларимиз билан боғлиқ бўлган кураш турларидан кўра кўпроқ зўравонликка асосланган қаратэ, у-шу, кай-фе-до каби хорижий кураш турларини афзал кўришаётир. Айниқса, кейинги йилларда бирорта ўзбек миллий кураши бўйича тўғарақлар очилмаган ҳолда хитойча, корейча, японча кураш тўғарақлари баҳордаги қўзқориндек кўпайиб кетди. Чумчуқ лайлак бўлман деб бути йиртилган экан. Биз ҳам ўзгаларнинг удумини қанчалик ўрганмайлик, ўша халқнинг ўзичалик эплай олмайсиз. Яхшиси, ўзимизнинг миллий қадриятларимизни эъзозлаган ҳолда бошқалар ҳеч қачон бизчалик эплолмайдиган ўзбек миллий курашининг донгини дунёга таратайлик.

Тўрамурад РАҲМОНОВ

Бу қўшиқ жуда эски бўлса керак. Эҳтимол, ўтмиш тарихимизнинг узок йилларига бориб тақалар. Жувозга қўшилган от бир-бир қадам ташлаб кундани айланаверади, айланаверади. Жувозкаш эса кундалик ишига шунчалик берилиб кетганки, нима юмуш қилаётганига ҳам эътибор бермайди. Бир жойда айланаётган, саргинига мойнинг ранги уриб кетган отга гоҳ-гоҳида «хўп»-«хўп» деб қўйиб, ўзича хиргойи қилади. Ҳазна ёққа тўлғач, отни тўхтатиб, тўпланган мойни олади. Кейин яна кунжутми, зигирми, чигитми, қовун уруғинингми мағзини солиб, жувозини айлантираверади, айлантираверади...

Бу жонли қўшиқ, инсонларга муқаддас бўлиб қолган қўшиқ эди, лекин нимагадир уни унуттишди. Саноат дейишди, завод дейишди, жувозни эса, эскилик сарқити дейишди. Охири номини ёмонга чиқаришиб эшигига тақа-тақа қулф уришди. Жувозкаш ҳам ўзга бир иш билан андармон бўлди. Бир жойда айланаверишга ўрганган отни эса гўштак топширишди. Шундай қора кун ҳам келди, жувозхона бузилди, унинг анжомларини майдалаб ўт қўйдилар, унинг ҳақида афсоналар, маталлар қолди, холос.

Мана энди мой бирданига қимматлашиб ўша ишонган матоҳларни талабни қондирилмай қолгандан кейин яна мойжувозни эслаб қолишди. Эски чорининг ташлама, деганларидек унга яна зарурат сезилди. «Ийқилбодан кейинги саноатнинг ривож ақолининг мойга бўлган эҳтиёжини қондирди, энди мойжувозларга эҳтиёж қолмади. Бу касб барҳам топди, «бу эскилик сарқити» деб катта гапирган «мўътабар» кишиларимиз бармоғини титлаб қолдилар. Агар шу бармоққа жувознинг мойи томса ярадик, деб энди ташланшяпти!»

Мен яқинда Самарқанд вилоятининг Булунғур туманидаги Чангал қишлоғида яшовчи Умрзоқ ота Урунов билан суҳбатлашиб, мой-

жувозлар ҳақида сўраганимда, унинг овози гоат дәрдирил чикди. — Э, ўғлим, — деди отахон чукчур уҳ тортиб, — Янгилик-янгилик деяверишиб ҳамма нарсадан мосуво қилишди, кейин яна ўлган отнинг тақасини қидириб юришади. Шунисиға ҳеч тушунмайман. Мана бизнинг Оқтепа деган жойларимизда қанчадан-қанча мойжувоз бўларди. Ҳаммаси йўқ қилинди. Зигир мойи яхши бўлади, деб узок-узоклардан келиб олиб кетишарди. Менинг раҳматли Бобом Жуман-

ўтмишни бугун билан боғловчи мана шундай отахонларимиз бор. Бўлмаса мойжувоз дегани нима экан, деб бақрайиб тураверар эканмиз. Бир килограмм сариёғни бозордан 18 сўмга сотиб олаётган харидорнинг қўлига бир кади зигир ёғи тутқазсангиз, бўйингизга осилиб йилгаса керак. Ҳа, билиб-билимай воз кечавериш ана шундай йнғлатади, азоб чектиради. Баъзи бировлар эса эскилик сарқити деб кўкрайга уриб, мағрурлини юраверади.

ЯНА МОЙЖУВОЗ ҲАҚИДА

бой ҳам жувозкаш ўтган. Айтишларига қараганда, мойни шунчалик пиширткан экан, доғламаса ҳам бўлавераркан. Мой тайёр бўлгандан кейин ўзи бир пиласини ичиб юборар экан. Бу у кишининг мойни синаб бериши экан. Ана шунақа одамларимиз ўтган, ўғлим...

Отахон менинг, ўша мойжувозларни ҳозир тиклаш мумкин эмасми, деган саволимга истехзоли қараш қилди. — Мойжувознинг кундаси одамнинг кучоғи етмайидиган ўрик, тут, қайрағоч каби қаттиқ ёғочлардан тайёрлангувчи эди. Уларнинг баърисини йўқотиб чинор экамиз. алланимало, сизларнинг тилингларда, қарликовий экамиз, деб суғириб ташлашди-ку!.. Энди нимадан кунда ясаймиз?

Отахоннинг охирги сўзи менга қаттиқ зарба бўлди. Е раббим, қанчадан-қанча нарсаларимизни йўқотдик... Салла ол деса қалла олиб келадиган муте, лаганбардор кимсалар бизни тарихимиздан жудо қилишга сал қолди. Яхшиям

Шу хислар оғушида отахоннинг кейинги гапларини эшитмасдим. Отахон айтадиганини айтиб бўлди. Йўқолган пичоқнинг сопи олтин, деган гап бор... Ахир, тарих манбаларига назар ташласангиз яқин ўтмишда ҳар бир хонадонда шахсий мойжувозлар борлиги ҳақидаги битикларга дуч келасиз. Ҳар бир деҳқон томорқасига кунжутми, зигирми, махсарми экиб оларкан! Ҳатто қовуннинг уруғидан, pista, бодом, данакларининг мағзидан мой олинар экан. Бу мойлардан тановул қилган одамнинг танаси яйрав, унинг эса оқватнинг хушбўй ҳиди тутиб кетаркан. Эндичи, ҳамма жойга пахта экилди, минерал ўғитга обдон пишган пахтанинг чигитидан олинган ёғни доғлагандан қозонга яқинроқ борсангиз кийимингиздан бир ҳафтагача хиди кетмайди! Табиатушнос ёзувчи Нусрат Раҳмат билан суҳбатлашганимда бизнинг пахта ёғимизни чет элдоғилар сотиб олмаслиги ҳақида гапириб берган эди. Яқинда зигир ёғининг хушбўй ҳидига маст

бўлиб, гапнинг нимада эканлигининг тағига етгандай бўлдим...

Мени доим бир савол ўйлантириб келади. Нега мойжувозлар ортиқча деб топилади? Нега асрлар оша оқватга ишлатилиб келинган зигир, кунжут, махсар сингари мойбоб экинлар экиш тўхтатиб қўйилди?!

— Бирлашмамиз олимлари мойли-дуққакли экинларни экиш, уларнинг уруғларини кўпайтириш устида иш олиб бораётдилар, — деди Галлаоролдаги «Дон» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Қурбон Эшмирзаев. Таъналарингиз тўғри, биз бу соҳани ривожлантиришга етарли эътибор бермай қўйгандик. Фақат бугдой ва арпа-нинг янги нави устида иш олиб бордик. Зигир, кунжутга бўлган эътибор сусайди. Лекин уларни унутмаслигимиз керак экан.

Яқинда «Дон» бирлашмаси қошида донни омухта эмга айлантирадиган, электр қуввати билан ишлайдиган тегирмон ишга тушди.

Дўстлик туманидаги «Октябрь 50 йиллиги» давлат хўжалиги директори Суннат Эргашев билан суҳбатимиз шу хусусида бўлди.

— Мойжувоз қурсангиз одамлар хом ашёсини топиб келишаркан, — деди мамнун илжайиб Суннат ака. — Утган йили хўжалигимизда мойжувоз қурган эдик. Энди имкони топганлар кундалик оқватига эмас, ҳатто тўйларига зигир, кунжут ёғидан ишлатишяпти. Айниқса, чўлда қовун-тарвуз кўп бўлади. Уларнинг уруғидан мой тайёрланса жуда яхши бўлар экан. Агар унга ёнқоқни, чигитни аралаштириб юборсангиз, ана унда мойнинг хушбўй бўлишини кўрасиз! Ҳар кун 15—20 килограмм мой чиқараямиз. Бозор иқтисодида ўтиб, тахилчи сезилаётган бир пайда бу жуда қўл келаяпти. Биз янада мойжувозларни кескин кўпайтиришимиз лозим!

Қўшининг куйла, мойжувоз! Шундай боллаб қуйлаки, уни ҳар бир киши эшитсин! Сенинг бугунги кунда жуда асқотишининг ҳамма билиб қўйсин!

Пардабой ТОҶИБОЕВ
Жиззах вилояти.



Бу йигит лангарчўп ушлаган дорбоз эмас, пахсага пардоз бераётган уста.

ҲАШАР
ЛАВҲАЛАРИ

Қурилиш жиҳозларининг тақчиллиги барчани бирдай ўйлан-тирса керак. Бундай пайтда ота-боболаримиз ҳеч иккиланмай халқ усталари анъаналарига талнинган, хонадонларида фарзанд туғилган кундан бошлаб унинг бўдажак уйи учун терак экиб, ёғоч-тахта тадоригини кўришган. Деворзанлик ҳам халқимизнинг оғирини енгил қилган ана шундай бобомерос касблардан ҳисобланади. Бу касб бугунги кунда ҳам кўл келапти...



Бу оёқлар вақти келса тўп тепади, ҳашарда эса лой тепиб пиштади.



Ҳорманлар, қалби дарё ҳашарчилар!



Ҳашарчи йигит: — Лойни яхши илиб олаяпсиз, Чакқонбой, сизни футбол командамизга дарвозабон қилиб оламиз.



Ҳашар тугади, навбат ошарга!

Сураткаш: А. Караваев

Ғарибов

Ҳажвия

Ҳамма йиғилгач, бошқармага ўн беш йилдан бери директорлик қилиб келаётган Салим Содиқович гап бошлади:

— Уртоқлар, бугунги йиғинимиз фавқулодда йиғин. Жамоамизда шундай вазият туғилдики, агар ўз вақтида олдини олмасак... оқибати ёмон бўлади.

Утирганлар сергак тортишди. «Тинчликми?», «Нима гап ўзи?» Шивир-шивир бошланди.

— Жамоамизда охириги пайтда интизом бузиш ҳоллари кўплаб содир бўлмоқда, — деди бошлиқ бироз сўкуддан кейин. — Мана, лойиҳа бўлими ходими ўртоқ Ғарибов бир ойда етти кун ишга чиқмаган. Узинглар ўйлаб кўринглар, шу инсофданми? Иш шу зайлда давом этаверса, режалар нима бўлади? Шахсан мен бундай ўртоқ билан ишлаш олмайман. Энди бу ёнига кечириш йўқ, қаттиқ жаозалаймиз. Бу гапимиз бошқаларга ҳам тегишли. Ёқмаган ўртоқлар бўлса, марҳамат, бошқа жойдан иш топсин. Ғарибов, сиз бу ёққа чиқинг! Ҳайдаров, сиз нима дейсиз?

Ҳаяжонланса бурнининг учигача терлаб кетадиган бўлим мудири Ҳабибулла ака ўрнидан диқ этиб турди:

— Очигини айтсам, Ғарибов ёмон хизматчи эмас. Ишини яхши билади. Аммо, тўғри, охириги пайтда ишга келмайдиган одат чиқарди. Бир ойда етти кун ишга чиқмаслик, бу, билмадим, қуюшқонга сикмайдми-ёв.

Ҳабибулла ака гапира туриб, «ялт» этиб Ғарибовга қаради. Қолақ ўқувчидай бир бурчакда ўтирган Ғарибов қўлларини мушт қилиб, няйига тираганича муз қотган эди. Ҳатто бўлаётган гап-сўзларни эшитаятими, йўқми — сезилмасди.

— Душанба куни келмаганида индамадим, — давом этди Ҳаби-

булла ака. — Эртасига яна йўқ. Нима гап десам, совун қидирдим дейди, яна бирида пахта ёғи, қалиш қидирганимиш. Охириги марта нимага келмадингиз десам, болаларга дафтар қидирдим, дейди. Хуллас, шунақа гаплар. Энди бу ёғи ўзларингга ҳавола. Лекин ёмон мутахассис эмас.

Бу пайтда Ғарибов янаям кичрайиб кетгандай эди. Асабийлашаётганидан қўллари қалтираётганди.

— Яна кимда қандай таклифлар бор? — деди директор.

Уртақда ўтирган бошқарма фирка кўмитасининг котиби журъатсизгина қўл кўтарди:

— Мумкинми, бир-икки оғиз гапирсам?

Тасдиқ ишорасини олгач, котиб Ғарибовга қараб олиб гап бошлади:

— Уртоқлар, агар очигини айтадиган бўлсак, мен ҳам ҳозир жуда оғир аҳволдаман. Сабаби кўпчилиikka аён бўлса керак. Ғарибов фирка аъзоси. Тўғри, илгари анча фаол эди. Жамоат топириқларини бажону дил бажарарди. Аммо кейинги пайтда салбий томонга ўзгармоқда. Агар таъбир жоиз бўлса, яқинда мен уни жиноят устида ушладим! Уртоқлар, гапнинг очиги, уят бу! Икки нафар фаол ходимимиз фирка сафига кириш учун бу кишидан тавсиянома сўраб боришса: «Фирқада нима қиласизлар, биз чиқолмай юрибмиз-ку», деб қайтариб турган пайтда мен кириб қолдим. Бундан ташқари, санайдиган бўлсак, бу кишининг нағмалари кўп. Менимча, Ғарибовни фиркадан ўчириб, ишдан ҳайдасак ҳам камлик қилади.

Хонада яна шивир-шивир бошланди. Кимдир ботиниб «Унчалик айбям йўқ экан-ку», дея лўқма ташлади.

Жимжит хонада Салим Содиқо-

вичнинг овози жаранглаб кетди:

— Нима қилдик, овозга қўямизми?

Ғарибов бошини кўтаролмай бармоқларини қирсиллатди, бошини сарак-сарак қилди.

Котиба қиз дарров бир пиёла сув қўйиб узатди. Ғарибов сувни ичиб, яна бармоқларини қирсиллатишга уннаб кетди.

Хона шу қадар сокинлашдики, ҳатто ким қандай нафас олаётганини осонгина ажратиб олса бўладиган даражага етди.

— Салим Содиқович, мен гапирсам майлими? — сўраб қолди бош ҳисобчи Нуъмон ака қўл кўтариб. Сўнг рухсатни кутиб ўтирмай, ўрнидан турди. — Оғайнилар, сал бўлсаям бир-биримизни айллик, ахир. Манави шўрликнинг ўтиришига қаранглар! Агар сизлар айтгандек бўлса, икки кунда оёғини узатиб қолади-ку. Ахир тўртта боласи бор. Жазони сал енгиллатса бўлмасмикин?

Бу гап кўпчиликка маъқул тушди. Ниҳоят маслаҳат пишиб, Ғарибовга шахсий варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ ҳайфсан беришга қарор қилинди.

Ғарибов асабий ҳолатда энди пешоналарини ишқалай бошлади.

— Менимча, ёзмаслик шарти билан огоҳлантириш керакдир, — деди бўлим бошлиғи Ғарибовга бир қараб олсн.

Ғарибов пешонасига қафти билан муштлай кетди. Бу ҳолатни кўриб ҳатто Салим Содиқовичнинг ҳам капалағи учди.

— Уртоқ Ғарибов, ўзингизни босинг, укажон, тинчлангинг! Бунақа нарса ҳаммадаям бўлади. Сизга бу даражада қаттиқ таъсир қилади, деб сира ўйламагандик. Менга ишонинг, сизга ҳеч қандай жаза кўрилмайди. Илтимос,

иложи бўлса, бунақа ҳолат энди қайтарилмасин, майлими?

Салим Содиқович Ҳабибулла акага юзданди:

— Ҳа, айтганча, Ҳабибулла ака, сиз укамик билан бир кўчада турасиз, шекилли? Иккаланглар бирга кетинглар. Уйингизга етиб борибюк, менга сим қоқинг, хўпми?

Ҳабибулла ака бошлиқ хонасидан чиққач, терлаб кетган Ғарибовни йўлакда озроқ ушлаб турмоқчи бўлди:

— Ҳозир кўчага чиқсак, шамоллайсиз. Сал салқинланиб олинг, кейин чиқамиз.

Қизариб кетган Ғарибов индамасдан кўча тарафга юрди. Ҳабибулла ака ҳам шошилиб ортидан эргашди.

— Ука, очиқ гап, менам кўрқиб кетдим, — деди кўчага чиққач Ҳабибулла ака. — Юракни сал кенгроқ қилиш керак. Одам бунақада инфаркт орттириб олиши ҳам ҳеч гап эмас. Ҳамма гапийма кўнгилга олавериш керакмас-да.

Ғарибов Ҳабибулла акага ҳайрат билан тикилиб турди-да, ёрилиб қолди:

— Э, ака, нимасини айтасиз! Бир тешикни ёпсангиз, бошқаси очилиб кетади. Хотин эса ҳеч баюни тушунмайди. Жаврагани-жаврагани. Ўзиям бир ҳафтадан бери ўн дона тухум тополмайман. Келинингиз агар шу зормандани бугун ҳам топмасангиз уйга келманг, деган. Бугун бир жойга келади, дейишганди. Аксига сизлар мажлис қақириб юрибсизлар... Қани, ўзингиз айтинг, мен нима қилай?..



Афанди латифалари

Афанди аввали оқшомда хотини билан гаплашиб ўтириб, нонуштага ҳолвайтар пиширишни буюрди. Эрталаб хотини уни уйғотиб, ҳолвайтар тайёрлигини айтди.

— Ҳолвайтарни сақлаб қўй, онаси, бугун емаймиз, — деди Афанди.

— Ие, кеча ўзингиз айтувдингизку, дадаси, яна эртага деганингиз нимаси? — деб сўради хотини.

— Очигини айтсам, ҳозиргина тушимда ҳолвайтар едим, қорним тўк, — деди Афанди ва хотинининг ҳайрон бўлиб турганини кўриб қўшиб қўйди. — Яна бир тарафи, бозор иқтисодиёти деган гаплар бор, сен ҳам тушунгин-да, хотин, бу ёғи, кўрпага қараб оёқ узатмасак бўлмайди энди.

Афанди бадавлат хонадоннинг фарзанди эди, унинг озгина эркантқилиғи ҳам бор эди, отасидан олган пулларни сарф-харажат қилишга эса анча сахий эди. Кунлардан бир куни отаси уни ўз хузурига чақириб, жиндаккина насихат қилиб қўймоқчи бўлди.

— Жоним ўғлим, донишмандлар айтган бир гап борки, қобил фарзандлар ўз отасидан қолган давлатни ҳеч камайтирмайдилар, ҳаммиса давлатга давлат қўшадилар. Гапимга тушундингизми?

— Гапингизга тушундим, — деди Афанди отасига жавоб бериб, — аммо ҳали сиз ўлганингиз йўқ-да, жоним отам. Сизнинг айтганларингизга амал қилишга ҳали чандон улгурман, у тарафидан гап еманг.



Шу кунларга етказсин. Сураатқаш С. Мусаев.

ҲАҚИР-ҲАҚИРЛАР

«Маҳалладош оғайнилар, эшитмадим деманглар, эрта эрта-лаб наҳорда Абдумансур деган боланикига ошга чиқинглар, ўзи тайинлаган — Абдумансур неварасини уйлантираяпти».

(Маҳалла мутоваллиснинг бир тўйдаги эълони)

«Я померил, но оёғимга катталик қилди. По моему паханга лойиқ келади. Паханди оёғи катта. У меня пахан очен здоровий».
(Бўтқа тилда сўзлашадиган ёшлар сўзбатида)

Тошкент

О. ШУҚУРОВ

«Бегоналарнинг кириши қатъиян ман этилади».

(Тошкентнинг Шумилов шаҳарчаси қамқохонасидаги ёзув)

Фарғона

Н. РАҲМОНОВ

«Бели хипча қиз боламан, шўх боламан, Хотинингни қўйдирволиб тегволаман, Вой-ей дод-ей...»

(Яллачининг чорлардаги хониши)

«Паттаси борлар олдинги эшикдан тушсин!»

(Трамвай ҳайдовчисининг гапидан)

«Ҳой, тезроқ каллангни сотсангни, каллангни».

(Қассобнинг шогирдига дегани)

«Бир нима ёзиб қоралаб қўйганман, лекин нималигини ўзим ҳали билмайман».

(Фаромуш «олим»нинг гапидан)

— Ака, сомсангизда думба борми?

— Думба қўйда бўлади-да, ука.

(Сомсахонадаги савол-жавобдан)

«Энди ҳамма ўз катагига!»


(Ҳайвонот боғидаги мажлис охирида айтилган гап)

«Ҳар ким ўзини қайта қуриб оладиган пайт келди».

(Радио очеркдан)

Ҳабиб РАҲМАТ

Тошкент



— Бу ерда нима қилиб ўтирибсан, бозорга бир амаллаб етиб ол.

Муроджон Унгаров чизган расм

ТИЛСИМ



Оқчиқдаги рақамлар остига яширинган сўзларни топсангиз, Урта аср шарқининг қомусий олими, дунё фани равнақиға улкан ҳисса қўшган аллома Абу Райҳон Берунийнинг ҳикматларидан бири ҳосил бўлади.

ОҚЧИҚ:

- Осиёдаги қадимий йирик мамлакат ҳақида олим яратган машҳур асар — 17, 1, 3, 7, 1, 15, 12, 4, 3.
- Берунийнинг илмий ишларига ҳомилик қилган ва унга вазирлик лавозимини тақлиф этган ҳукмдор — 14, 1, 16, 13, 2, 8, 1, 9.
- Алломанинг доришносликка оид ўттиз бир тил ва лаҳжада ёзилган асар — 15, 2, 18, 7, 2, 3, 2.
- Ўзининг «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида Берунийнинг фалсафий қарашларига юксак баҳо берган давлат арбоби — 10, 2, 14, 4, 17, 2, 9, 11, 2, 11, 3, 23, 9, 6.
- Беруний яшаган даврда Хоразм пойтахти бўлган шаҳар номларидан бири — 6, 9, 8, 2, 3, 21.
- Ўзбек олими, Беруний номидаги Ўзбекистон ССЖ Давлат мукофоти соҳиби — 19, 9, 4, 20, 5, 4, 23, 14.
- Беруний асарида қайд этган Ҳиндистон ва Покистон ҳудудларидаги табиий ва тарихий вилоят — 22, 2, 3, 10, 4, 5.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

6-СОНДАГИ ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБИ

ОҚЧИҚ:

- Абулқосим. 2. Мехробдан чаён. 3. «Муштурм». 4. Калвак Маҳзум. 5. Раъно. 6. Тўй. 7. Офтобойим. 8. Эзгулик. 9. Ялтоқланиш.
- Шаклдаги рақамларда:
Дунёда бешта, яъни, фаранг, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди. Энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди.

МУҚОВАЛАРДА:

БИРИНЧИ БЕТ: «Қарнаб» наслчилиги 5-бўлим бош чўпони Омон Ҳайитов отаси Дўсат бобонинг изидан бориб иззат топди; Шу бўлим бошлиғи Мардон Суяров; Чўпон қумғони; Каврак гуллади;

Хушовов хонанда — Самарқанд дорилмуаллимнинг талабаси Санобар Матмуродова.

Сирдарё вилоятидаги «Юлдузча» болалар боғчаси тарбиячилари; «Жуда қизик китоб экан...»

ТўРТИНЧИ БЕТ: Чирчиқдаги озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхонасида Шарқ қандолатчилигини ривожлантиришга кенг йўл очилган.

Қандолатчи Муҳаббат Хўжамбердиева новвот пиширишнинг сифатига масъул.

Суратқаш Р. Нурибоев

Мухарриятга келган бир босма тобоқча бўлган қўлёзмалар муаллифга қайтарилмайди.

Ойномадан олинган материалга «Гулистон» дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Босмахонага туширилди 16.05.91 й. Босишга рухсат этилди 18.06.91 й. Қоғоз бичими 70×108¹/₂. Офсет усулида босилди. Фотонабор. Шартли босма

тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Жами 58341 нуска. Буюртма № 5333. А-121. Баҳоси 90 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000, Тошкент — П. «Правда» рўзномаси кўчаси, 41.



Октош шаҳар шифоконаси-
да аҳолига тиббий хизмат кўр-
сатиш намунали уюштирил-
ган.

Юрак хасталиги бўлими
шифокори Бойхўроз Бердӣ-
ров ва ҳамшира Моҳира Рў-
муродова беморлар ҳузурнда.

Болалар хасталиги бўлими
бошлиғи шифокор Магдуба
Назарова.

Кўз хасталиги бўлими ши-
фокори — микрожарроҳ Сало-
мат Саидова, Магдуба Эгам-
бердиева, Нोजия Камолидди-
новалар иш устида.

Суратқаш Р.Нурибоев



